

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЛАТИПОВ ҲАЁТ РАМАЗОНОВИЧ

ТАСАВВУФ ВА МАЪРИФАТ

**(XIII-XV АСРЛАР ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА МАЪРИФАТ
ТАЛҚИНИ ВА ОРИФ ОБРАЗИ)**

**“Дурдона” нашриёти
Бухоро – 2022**

УЎК 821.512.133.09

83.3(5Ў)

Л 24

Латипов, Ҳаёт Рамазонович.

Тасаввуф ва маърифат (XIII-XV асрлар ўзбек мумтоз адабиётида маърифат талқини ва ориф образи) [Матн] / Ҳ.Р. Латипов.-Бухоро: "Sadriddin Salim Buxoriy" Durdona, 2022. -148 б.

КБК 83.3(5Ў)

Мазкур монография Шарқ мумтоз адабиётида тадқиқ ва талқин қилинган обит, зоҳид, ошиқ ҳамда орифга хос умумий ва хусусий жиҳатларни ёритишга бағишланган. Унда маърифатнинг асл моҳияти, шариат ва тариқатдаги ўрни, юксак маънавиятли комил инсонни тарбиялашдаги бетакрор роли ҳақида илк бор кенг баҳс юритилган. Шу билан бир қаторда, мавзунинг замонавий қиймати ва аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Китоб адабиётшунослар, олий ўқув юртларининг филология факультети талабалари, она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари, умуман, барча адабиёт ихлосмандларига мўлжаллатган.

Масъул муҳаррир:

Иброҳим Ҳаққул,

Филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Абдулҳамид Холмуродов,

Филология фанлари доктори, профессор

Ғайрат Муродов,

Филология фанлари доктори, профессор

Монография БухДУ Илмий-техник кенгашининг 2022-2023 ўқув йилидаги 1-сон йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-8762-1-7

Tish monograph is devoted to the study of the relationship between obit, zohit, oshiq and orif with has been studied and interpreted in the classical literature of the east. For the first time, the specific system, experience and essence of education in the sect are widely discussed. Special emphasis is also placed on the contemporary value and importance of the topic.

The book is intended for literary critics, students of philological faculties of higher educational institutions, teachers of native language and literature, in general, for all lovers of literature.

МУНДАРИЖА

Ошиқона ҳол ва орифона мушоҳада сари	4
Муқаддима	9
1-фасл. Шарқ адабиётида ориф образининг генезиси ва тараққиёт омиллари.....	15
Тасаввуф адабиётида орифлик маслаги ва ориф образи	15
Форсий халқлар адабиётида ориф образи такомили ва маърифат талқини.....	35
2-фасл. Ўзбек мумтоз адабиётида ориф образи, мажозий тасвир ҳамда истилоҳлар.....	63
Яссавий ва унинг издошлари ижодида ориф образи.....	63
Навоийгача туркигўй шоирлар шеъриятида ориф образи.	81
3- фасл. Навоий ижодида орифлик талқини ва ориф образи	97
Маърифат талқини ва ориф ҳоли	97
“Лисон ут-тайр” достонида маърифат ва орифлик талқини	105
Умумий хулосалар.....	124
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	129

ОШИҚОНА ҲОЛ ВА ОРИФОНА МУШОҲАДА САРИ

Мумтоз адабиёт – ирфоний адабиётдир. Унда инсоннинг нафсини таниш, ишқуллоҳ ва маърифатуллоҳга эришиш сир-асрорлари мужассам. Мумтоз адабиётнинг образлар олами ҳам ўзига хос, шу боис мазкур образ, рамз ва тимсолларни алоҳида тадқиқот сифатида ўрганиш зарурдир. Кубравия, яссавия, нақшбандия тариқатининг инсон камолотидаги ўрни ва мазкур тариқат намояндаларининг ижодий меросига бағишлаб кўпгина изланишлар олиб борилди. Уларнинг асарлари нашр этилди. Сўфиёна адабиётнинг асосий қаҳрамонлари саналган фақр, ринд, муршид, мурид, эр, эран каби кўпгина образлар ҳақида ҳам алоҳида тадқиқотлар яратилди. Заҳматкаш олим Ҳаёт Латипов томонидан маърифий-бадий адабиётда юксак мавқега эга, бош образлардан саналган ориф образи яхлит монографик тадқиқ қилинди, натижада адабиётшунослигимиздаги яна бир долзарб мавзу ёритилди. Шу маънода “Ўзбек мумтоз адабиётида маърифат талқини ва образ образи” номли диссертациянинг “Тасаввуф ва маърифат” номли китобга айланиши қувонарли ҳолдир. Нажмиддин Кубро ҳазратлари маърифатнинг қаноти ишқникидан юксак деганди. Бир ошиқлик, орифлик, валийлик мактаби бўлмаганда ишқ ва ирфонга тасаввуф бунчалик кенг ва изчил бир қизиқиш уйғотолмасди. Тасаввуфий маслак – Ишқ ва Маърифат завқи ҳамда куч-қувватига соҳиб янги бир “Мен”ни яратиш тажрибасидир. Ўзининг кимлигини билмаган ёки билолмай ўтиб кетишга маҳкум кишига тасаввуф кимлигини танитади, моддий турмуш исканжасида яшаётган одамни босқичма-босқич маънавий ҳаёт марказига олиб чиқади. Бу ҳақиқатларни англаш ва уни бадий манбалар асосида талқин қилиш ўткир мушоҳадани талаб этади. Ҳаёт Латипов эринмасдан кўп йиллар давомида тасаввуф тўғрисидаги асарларни синчиклаб ўқиди, улардаги маслақни тушунишга, маънавий йўловчининг ҳол ва мақомларини ҳис этишга

Тасаввуф ва маърифат

ҳаракат қилди. Ва илк бора энг қадимги адабий, диний, тарихий, ирфоний манбалар асосида маърифат тушунчаси ва ориф образи теран текширилди. Ҳаёт Латипов ҳам туркий, ҳам форсий манбаларни теппа-тенг ўқиб, тушуниб, таҳлил қилиб бера олиш имкониятига эга. Бу эса унинг мутахассис сифатида яхши шаклланганидан далолат беради. Қўлёзма манбалардан ҳам бемалол истифода этиши унинг олимлик имтиёз ва ютуқларидан биридир. Натижада, мана шундай тинимсиз изланишлар ориф образининг мазмун-моҳиятини тўлақонли ёритилишини таъминлади. Турк ва форс-тожик адабиёти намуналари, мумтоз ва ирфоний мерос бир бутунликда таҳлил ва талқин этилди. Ишқ ва ирфон, ошиқ ва ориф образларининг ўзаро уйғунликда ёритилгани ҳам диққатга молик. Дастлаб Шарқ адабиётида ориф образининг генсзиси ва тараққиёт омиллари илмий-ирфоний асарлар асосида текширилган ҳамда илмий-назарий хулосаларга келинган. Туркий адабиётнинг асосий таъсир манбаларидан бири форс-тожик адабиётидир. Ориф образи мисолида бу таъсир ва анъанавийлик масаласига янаям ойдинлик киритилган. Ўзбек адабиётшунослигида алоҳида тадқиқ қилинмаган ирфоний мулоҳазалардан баҳс этилган. Айтиш мумкинки, китобда адабиётшуносликдаги бу бўшлиқ ҳам муваффақият билан тўлдирилган. Тасаввуфий образлардан сўз кетаркан, албатта, биринчи Хожа Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” ва унинг издошлари ҳикматлари кўз олдимизга келади. Зеро, Аҳмад Яссавий ўз она тилини биринчи бўлиб тариқат тили мақомига кўтарди. Шунинг учун шеърларидаги ҳар бир сўз ва ҳар бир ибора ислом ҳақиқатлари қадар муқаддас, нурли ва илоҳийдир. Яссавий кўзлаган бош мақсад шоирона эмас, орифона мақсад бўлган. Шунинг учун у ўз ижод намуналарига ҳикмат номини берган. Китобда Аҳмад Яссавийнинг туркий орифона адабиёт тараққиётидаги хизматлари ҳамда муридларининг муносиб издошлиги масаласи назардан четда қолмаган.

Ориф ҳеч пайт маънан бир маслак, бир миллат, бир юрт доирасида чегараланиб қололмайди – башарсеварлик мақомига кўтарилади. Орифнинг бу рутбаси атрофлича Алишер Навоий асарларида очиб берилгани шубҳасиздир. Навоий лирикасидан ранг-баранг тасаввуфий образлар ўрин эгаллаган. Лекин мутафаккир шоирнинг орифлик маслаги ва ориф образига қараши ўзига хосдир. Чунки у инсоннинг ўзлигини англашини, аввало, орифлик билан боғлайди. Маърифатнинг куч-қувватига ҳақли равишда муносиб баҳо беради. орифлик хусусияти ва фазилатларини илҳом билан тарғиб ва ташвиқ қилади. Ҳаёт Латипов буларни пухта илғаган ва билимдонлик билан очиб берган.

Илми ботинда биринчи галда, валилик қуввати ва орифлик имтиёзига ишонилган. Шунинг учун бу илмнинг ўзига хослиги, маъно тамойили ва уни эгаллаш сирлари ҳақида улкан тасаввуфшунослар бири-биридан қизиқарли ва диққат-эътиборга лойиқ фикрларни ёзиб қолдиришган. Аммо Навоийда ҳол ва ифода жуда баланд. Кўнглини поклик камолига етказгач, орифнинг Рух ва хаёлот оламида эврилиш юзага келади. Ва бунинг таъсири табиат дунёсига бориб боғланади. Чунки ориф ниҳоятда кучли, ниҳоятда нурли ҳиссиёт соҳиби. Аҳмад Яссавийнинг «Ориф ошиқ жон мулкида алам тортса, Ўн саккиз минг қомуғ олам ғулғул бўлур», деган гапларига бир шоирона муболаға деб қарамаслик керак. Ориф қисмати ва орифлик салоҳиятига доир мазкур ҳақиқатлар турли шаклларда Навоий шеъриятида ҳам талқин этилган. Шоир асарларидаги бу маърифат уммонини Ҳаёт Латипов чуқур англайди ва “Лисон ут-тайр” достонига алоҳида тўхталади. Зотан, мазкур достонни четлаб, Навоийнинг маърифат ҳамда орифлик тўғрисидаги фикр ва тушушунчаларини тўла равишда тадқиқ ва талқин этиш имконсиздир.

Тасаввуф Оллоҳдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нимадан қўрқмасликка чорлар экан, оқилликни ёқлайди, орифликни кўзлайди. Тасаввуфий ҳаёт – кўнгил ҳаёти. Бу ҳаётнинг

Тасаввуф ва маърифат

замини – маърифат, самоси – руҳоният, қуёши – ишқ, моҳияти ошиқликдир. Мана шу ҳақиқатлар Ҳаёт Латиповнинг “Тасаввуф ва маърифат” китобидан ўрин олган. Унинг мутолааси ошиқона ҳол ва орифона мушоҳада пайдо қилишига умид қиламиз.

*Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори, профессор*

МУҚАДДИМА

Раҳмли ва Меҳрибон Аллоҳ номи билан бошлайман!

Жаҳон адабиётшунослигида адабиётнинг маърифий-ахлоқий аҳамияти ҳамиша муҳим саналиб, унинг барча даврлардаги асосий вазифаси башарият аҳлини маънан юксалтириш ва комилликка ундаш бўлган. Айниқса, адабиётнинг мана шу мазмун-моҳиятини инобатга олган ҳолда ориф образи ва уни ифода этувчи рамз, тимсол, мажозлар оламини ўрганиш, шунингдек, сўфиёна адабиётнинг илғор ғоявий-бадий хусусиятларига ойдинлик киритиш ҳамда унинг инсониятга маънавий кўзгу ярата олиш каби ўзига хос томонларини шарҳлаш – олам тамаддунига ҳисса қўша оладиган шахсиятни етказиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида ҳозирга қадар олимлар мумтоз адабиёт вакиллари биографияси, анъаналарга муносабати, асарларининг Шарқ мумтоз адабиётида тутган мавқеи, ўзаро издошлик масалалари ва ирфоний характерга эга асарлари юзасидан қатор тадқиқотларни амалга оширган бўлсалар-да, ҳали бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, тасаввуфий адабиёт ва ирфоний шеърият қиёси асосида даврлар мобайнида такомиллашиб борган орифнинг маънавий қиёфаси ҳамда ўзбек мумтоз адабиётида ориф образининг ғоявий-бадий асослари, тариқат шоирлари ижодидаги ўрни, шунингдек, маърифат ғояларининг кенг тарқалишида мазкур тимсолнинг аҳамиятини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш бугунги кун адабиётшунослари зиммасидаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланар эди.

Истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигида мазкур масалаларда қатор фикр-қарашлар илгари сурилгани ёхуд баъзи бир образлар асосида алоҳида мавзулар юзасидан илмий тадқиқотлар яратилаётгани ва мумтоз адабиёт диний,

Тасаввуф ва маърифат

тасаввуфий манбалар асосида тўғри ҳамда холис талқин этилаётгани «...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор экани, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт ва маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»¹лигидан далолат беради. Шу маънода ўзбек мумтоз адабиётида ориф образи махсус ўрганилиб, мазкур давр шоирлари асарларининг образлар тизими, уларнинг ифода тарзи, тасвир имконияти, услуб поэтикаси ҳамда моҳиятга сингиб кетган маърифий, тасаввуфий мазмуни комплекс тадқиқ этилди.

Жаҳон адабиётшунослигида маърифат талқини ва орифона ғоялар таҳлилига бағишланган жуда кўп ишлар амалга оширилган. Жумладан, С.Кўкбулут, Э.Жебежиўғли, А.Жўзжоний, М.Жўшон, Ҳ.Алтинташ, С.Улудағ ва Э.Кўркмас каби Турк олимлари² Абдул Ҳусайн Зарин Куб, Аббосали Вафой, Сайид Насафий, Орифи Сайёр, Зиёуддин Сажжодий ва Аҳмад Табибий каби форсийзабон олимларнинг амалга оширган ишлари алоҳида эътирофга лойиқ³.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 4 август. – Б. 6

²Ahmet Yaşar Ocak. İslam türk inançlarında Hızır yahut Hızır-İlyas kültü. –İstanbul: Kabcacı Yayıncılık, 2012.

–S.247, Cebecioğlu E. Tasavvuf terimleri ve deyimleri sözlüğü. –Ankara: Rahber yayınları, 1997. –S.1211, Ceylan Ö. Tasavvufi şiir şerhleri. –İstanbul: Kitabevi, 2000. –S.463, Fuad Koprulu. Edebiyat arashtirmalari 2. Ötuken.

–İstanbul, 1989. –S.362, Gökbulut S. Mejdüddin Bağdadı ve tasavvufi görüşleri. –Ankara: İlahiyat, 2019. –S.223, Hayrani Altintas. İbn-i Sina dusuncesinde tasavvufi kavram olarak arif va irfan. Uluslararası İbn Türk, Harezmi, Farabi, Beruni, ve İbn Sina Sempozyumu bildirileri. (Ankara, 9-12 eylul 1985) - Ankara: 1990. –S.413, Korkmaz E. Ansiklopedik Alevilik Bektaşilik terimleri sözlüğü. –İstanbul, 1993. –S.632, Kuşeyri A. Kuşeyri Risalesi. Hazırlayan: Süleyman Uludağ. –Aralık: Dergah yayınlar, 1991. –S.640, Mehmet Demirci. Tasavvuf va tarikatlar. Damla Yayınevi, 2004. –S.167

³Абдулҳаким Табибий. Сайри тасаввуф дар Афғонистон . –Қобул: Мезон, ҳижр. 1356. –С.339, Абдул Ҳусайн Зарин Куб. Бокорвон ҳулла. –Техрон: Улуми, ҳижр. –С.1382, Сўфи Аллахёр бин Темур. Мурод ул-орифин. Муқадима ва тасҳиҳ ва таълиқ: доктр Аббосали Вафой. –Техрон: Интишорати сухан, ҳижр. 1387. –С.432, Сайид Насафий. Сарчашмаи тасаввуф дар эрон. –Техрон: Асотир, ҳижр. 1383. –

Рус адабиётшунос олимларидан Е.Э.Бертельс, И.С.Брагинский, Дж.С.Трименгэм, М.Т.Степанянц ва А.Н.Малеховаларнинг орифона ғоялар илгари сурилган мумтоз асарлар юзасидан олиб борган тадқиқот ишларини келтириб ўтиш ўринли¹.

Орифона руҳда яратилган асарлар – ўзбек мумтоз адабиётининг ғоявий-бадий хусусиятлари, образлар олами, поэтик сўз санъатининг ўзига хос имкониятларини очиб беришда асосий ўринга эга бўлса-да, мустақилликка қадар ўзбек адабиётшунослигида уларнинг муҳим хусусиятлари махсус тадқиқот объектига айланмаган эди. Мустақилликдан кейин эса мазкур мавзу доирасида ижобий фикрлар, тўғри талқин ва таҳлиллар пайдо бўла бошлади. Тасаввуф тарихи, адабиётда тасаввуфий ғоялар ўрганилар экан, ошиқ, фақр, дарвиш, ринд, ориф ва муршид кабилар хусусида ҳам фикрлар билдирилди. Н.Комилов, И.Ҳаққул, Р.Воҳидов, Ш.Шарипов, А.Абдуқодиров, Д.Салоҳий, каби олимлар тадқиқотларида тасаввуф тарихи, ушбу таълимотнинг назарий жиҳатлари ва адабиётга таъсири масалалари муштарак ўрганилди². Адабиётшуносликда ориф ёхуд валий

С.312, Сайид Зиёуддин Сажжодий. Муқаддимаҳойи бар мабоне ирфон ва тасаввуф. –Техрон: Мухр, ҳижр. 1372. –С.382, Шайх Фаридуддин Аттор. Мантикут-тайр. Баихтимом ва тасҳих: Сайид Содиқ Гуҳарий. – Техрон: Ширкати интишороти илмий ва фарҳангий, 1986. –С.445

¹Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том III. Суфизм и суфийская литература. –М.: Восточная литература, 1965. –С.524, Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литератур. Избранные работы. –М.: Наука, 1972. –С.524, Малехова А.Н. Личность автора в композиции поэмы “Lisan at- tajr” («Язык птиц») Алишер Навои. //Советская Тюркология. –Баку: 1977, №4. –С.25-30, Османов М.–Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии IX-X вв. –М.: Наука, 1974. –С.272, Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. –М.: Наука, 1989. –С.284, Трименгэм Дж.С. Суфийские ордены в Исламе. –М.: Наука, 1989. –С.328

²Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. 1-китоб. –Тошкент: Ёзувчи, 1996; шу муаллиф. Тасаввуф. Тавҳид асрори. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1999; шу муаллиф. Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005; Жузжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент. Адолат. 2001; Ҳаққулов И. Шеърят – руҳий муносабат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990; шу муаллиф. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991; шу муаллиф. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998; Р.Воҳидов, Ҳ.Неъматов, М.Маҳмудов. Сўз бағридаги маърифат. – Тошкент: Ёзувчи, 2001; Абдуқодиров А. Навоий ва тасаввуф. – Хўжанд, 1994; Дилором

Тасаввуф ва маърифат

образи хусусида Б.Тўхлиев, У.Қобилов, Н.Жабборов, Э.Очилов, Ҳ.Эшонқулов, А.Раззоқов, Н.Ҳасан, З.Раҳмонова каби адабиётшунослар мақола ва монографиялари ҳамда тадқиқотчи Д.Муродованинг «Ўзбек тили ва адабиёти» журналарида эълон қилган «Ориф ҳақида мулоҳазалар» сарлавҳали мақоласида баён этилган фикр-мулоҳазалар ҳам диққатга сазовордир¹. Ва яна педагогика, фалсафа,

Салоҳий. Тасаввуф ва бадиий ижод. Наврўз.Тошкент, 2018; Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996; шу муаллиф. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. – Тошкент: Фан, 1992.

¹Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Шарипов Ш.У. Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонининг генезиси ва ғоявий-бадиий хусусиятлари. Тошкент, Фан, 1982; Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. –Тошкент: Халқ мероси, 2002; Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979; Тўхлиев Б. Таълим босқичларида Навоий асарларини ўрганиш / Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни. –Тошкент: Фан, 2019. – Б. 648-653; шу муаллиф. Мумтоз матнлар шакли, мазмуни ва талқини ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2019. №1. –Б.12-17; Қобилов У. Нубувват мотиви ва мумтоз поэтика. СамДУ нашриёти. Самарқанд, 2019; Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. –Тошкент: Фан, 1995; Очилов Э. Муборак сарчашмалар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997; шу муаллиф (И.Ҳаққул билан ҳаммуаллифликда). Ишқ ва ҳайрат олами. – Тошкент: O'zbekiston, 2016; шу муаллиф. Навоий ғазалларида комил инсон тимсоллари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. №1. –Б.7-14; Шафоат Ҳасанова. Мавлоно Ҳўжи Қози Пайвандий Ризоийнинг “Қуш тили” достони ва унинг қиёсий-текстологик тадқиқи. –Тошкент, ЎзРФА Давлат адабиёт музейи, 2006; Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоий. Қуш тили. –Тошкент, ЎзРФА Давлат адабиёт музейи, 2009; Эшонқулов Ҳ.П., Боғиев Н.Н. Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида ориф образи. \\Бухоро давлат университети илмий ахбороти. 2014, №1. –Б.54-56; Раззоқов А. Алишер Навоий шеъриятида илм ва маърифат талқини; Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Самарқанд:2019; Ҳасан Н. Яссавийликка доир манбалар ва “Девони Ҳикмат”. – Тошкент: Akademnashr, 2012; Жабборов Н. Маърифат надир? –Тошкент: Маънавият, 2010; Жабборов Н. Илм андоғ ганжи нофиъдур... // Шарқ юлдузи, 2002. 3-сон. –Б.150-151; Жабборов Н. Ой ҳам ибодат қиладими? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2005 йил 28 октябрь; Муллаҳўжаева К.Т. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида): Филол. фан. номз. дисс. автореф. –Тошкент: 2005; Қобилов У. Илоҳиёт ва бадиият. –Тошкент: Ниҳол, 2008; 2017; Бекова Н. Алишер Навоий шеъриятида ҳамд поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2006; Бозорова Н. Алишер Навоий ғазалларида кўнгил образи. –Тошкент: Фан, 2009; Мамадалиева З.У. “Лисон ут-тайр” достонидаги рамзий образлар тизими: Филол. фан. номз. дисс. автореф.

–Тошкент: 2011; Давлатов О.Д. Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори

психология каби йўналишдаги тадқиқотларда ҳам мазкур мавзу хусусида йўл-йўлакай тўхтаб ўтилган¹.

Тадқиқотни тайёрлаш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон адабиётшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Мазкур ишимизда шу йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда ўзбек мумтоз адабиётида маърифат талқини ва ориф образи тавсифи ҳамда орифнинг ҳоли, мақоми, маслаги каби муҳим масалалар кенг кўламда махсус ўрганилган.

Шу билан бирга, мазкур тадқиқот илм ва маърифат, ишқ ва ирфон, шариат ва тариқат, маърифат ва ҳақиқат мавзусидаги баҳслар ҳамда обит ва зоҳид, зоҳид ва ошиқ, ошиқ ва ориф, ориф ва маъруф каби тимсолларнинг сурати ва сийратига оид талқинларида учрайдиган муаммоли мунозараларни ёритишга ҳам амалий жиҳатдан кўмаклашади, десак хато бўлмас.

Тадқиқот мувафақиятининг асосий омили мавзунинг тўғри танланганлигидадир. Аввало, қалбимда ирфон чироғини ёққан ва маърифатга муҳаббат туйғусини уйғотган ҳамда ушбу китобни яратиш жараёнида ҳам меҳр билан маслаҳатларини асло канда қилмаган беназир Устозим филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Ҳаққулнинг порлоқ хотираларини ҳамиша ёд этиб, руҳи поклари олдида ҳамиша бош эгаман ва беҳад хайр-у дуолар қиламан. Ва яна мени ҳамиша қўллаб-қувватлаб келаётган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Бухоро давлат университети Ўзбек тили ва

диссертацияси автореферати. –Самарқанд, 2017;Муродова Д. Ориф образи ҳақида мулоҳазалар. //Ўзбек тили ва адабиёти, 2003, №2. –Б. 76-77.

¹Ўзбек педагогикаси тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997; Музаффаров Ф. Ғаззолий инсонга оид таълимотининг илмий-фалсафий асослари. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2014; Намазов Б. Хожа Муҳаммад Порсонинг фалсафий таълимоти. – Тошкент: Mumtoz, 2015; Избуллаева Г. Жалолиддин Румий асарларида юксак маънавиятли шахс тарбияси. – Тошкент: Фан, 2015; Турсунова М. Мадрасалар таълимида адабиёт ўқитиш усуллари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017; Хўқандий М. Хўқанди латиф маноқиби. –Тошкент: Мовароуннахр, 2018.

Тасаввуф ва маърифат

адабиёти кафедрасининг барча профессор-ўқитувчиларига дил-дилдан ташаккур дейман. Ҳақдан ҳамма-ҳаммаларига битмас соғлик, узоқ ва сермазмун умр, кенг феъл, кетмас давлат сўрайман.

Муҳтарам китобхон! Мазкур китобга мободро муборак назарингиз тушса-ю, саҳифалар ошганингиз сари улар янада тиниқлашаётган кўзгуга айланиб бораётганлигини пайқаб қолсангиз, асло хижолат чекманг! Чунки улар қанчалик бежирим кўзгуга айланмасин, фақатгина ёлғиз Сизга, сизни кўрсатади, холос. Саҳифалар охирлаб қолганида эса кимсиз?, нимага қодирсиз? ва нимага лойиқсиз?, каби саволларнинг биронтаси сизни мулзам қилиб қўймаса, уринишларимиз бесамар бўлмасмиди?! Яна ким билсин?, дейсиз. Аллоҳ билгувчидир!

1-ФАСЛ. ШАРҚ АДАБИЁТИДА ОРИФ ОБРАЗИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛЛАРИ

Тасаввуф адабиётида орифлик маслаги ва ориф образи

Ўзбек мумтоз адабиётининг салмоқли бир қисми тасаввуфий адабиёт намуналаридир. Комил инсонни вояга етказишда маълум бир усул-у арконларни яратган тасаввуф таълим мактабининг мақсади ва мазкур маслакни ифодалаган бадий ижоднинг муштарак томонлари маълум. Бу уйғунлик ирфоний-бадий адабиётнинг бош қаҳрамонларидан бўлган ориф образи ҳамда орифлик маслагиде янада яққолроқ намоён бўлади. Шу боис мазкур мавзу хусусида баҳслар юритишдан аввал тасаввуф тарихи, унинг ўрганилиш даражасига теран назар ташламоқ жоиздир. Маълумки, тасаввуф таълимоти диний амалларни юзаки бажариш, шариат талабларини ихлоссиз адо этиш, молу дунё, шон-шуҳрат, айш-у ишрат ва ҳоказоларга ҳаддан зиёд кўнгул боғлаш каби ҳолатларга зуҳд-у тақво орқали курашувчи маънавий ҳаракатлардан бири сифатида майдонга чиққан. Айтиш мумкинки, мазкур таълимот Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги бошқа маънавий-ахлоқий мактаблар сингари муайян моддий ва маънавий замин ҳамда ўзига хос тарихий шарт-шароитлар натижасида вужудга келган. Шу боис ахлоқий-таълимий мактаб ўлароқ тасаввуф – ижтимоий ҳодисотлардан бири ҳисобланади.

Чунончи, тасаввуф тарихини изчил ўрганган турк олими Усмон Турар “сўфий” ва “тасаввуф” атамаларининг пайдо бўлиш тарихи ҳақида фикр юритиб, шундай деган эди: “Фикҳ, тафсир, калом ва бошқа зоҳирий илмлар каби тасаввуф илми ҳам ҳижрий иккинчи, учинчи асрларда пайдо бўлди... Ҳижрий иккинчи асрда мусулмонлар орасида мол-дунёга ҳирс қўйиш кучайиб кетди ва уларни низомга соладиган илмга табиий эҳтиёж пайдо бўлди. Бироқ, ҳижрий III-IV асрлардагина тасаввуф мустақил илм сифатида ўрганиладиган бўлди. Илк даврлардаги зоҳидлар йўлидан борган – аҳли диллар –

Тасаввуф ва маърифат

“сўфий”, улар юрган йўл эса “тасаввуф” деб айтила бошланди”¹.

Адабиёт, айниқса, бош манбаси тасаввуф бўлган мумтоз адабиёт истиқлолдан сўнг адабиётшунослар томонидан тариқатлар ва маслаклар асосида ўрганила бошланди. Ва адабиётшуносларимиз ҳам тасаввуф тарихи, тасаввуф ва адабиёт хусусида тадқиқотлар яратиб, ушбу мавзуга доир ўзларининг қимматли фикрларини билдирдилар.

Жумладан, етук тасаввуфшунос Н.Комилов эса бу ҳақда ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён этади: “Тасаввуф гарчи ислом бағрида куртак ёзиб, Қуръон ва ҳадислар ҳикматидан озукланган, кўп ҳолларда шариат аҳкомига суянган бўлса-да, аммо у расмий диний схоластика – мутаассиб руҳонийларнинг зоҳирий ақидапарастлиги ҳамда ҳоким табақаларнинг айш-у ишратга ғарқ турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастлигига зид ўлароқ меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалаб келди. Шу сабаб бу таълимот тез орада эл орасига ёйилиб, фикрий изланишдаги, Ҳақ ва ҳақиқатга ташна зиёлилар, илм-у адаб аҳлининг юрагини банд этди”².

Атоқли адабиётшунос М.Ҳазратқулов тасаввуфнинг ижтимоий оқим сифатида юзага келиш сабабларини муайян тарихий фактлар орқали шундай изоҳлайди: “Ҳазрати Усмон халифалиги даврида (мил. 644-655.) мазҳаблар пайдо бўлиши учун қулай муҳит вужудга келди. Хусусан, халифалик марказидан норозилик кайфияти баралла ва ошкора намоён бўла борди ва бу ҳол турли-туман шаклларда ўз ифодасини топди. Шу даврдан бошлаб ниҳоятда кўп қиррали оппозицион жараён пайдо бўлди ва хорижия, исмоилия, мўътазилия, шуубия, ашъария ҳамда бошқа номлардаги фирқалар ўз таълимотларининг илмий асосларини яратишга интилиб, муайян амалий фаолият олиб бордилар”³.

¹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: 1999. – Б. 23

² Н. Комилов. Тасаввуф ва бадий ижод // “Ёшлик”. 1997, №8. – Б. 73

³ М.Ҳазратқулов. Тасаввуф. Душанбе. – Тошкент: Маориф. 1998. – Б. 6

Тасаввуф ҳақида ҳар бир валийнинг ўзига хос търифутавсифига гувоҳ бўламиз. Уларнинг барчасида моҳият ягоналиги бўлса-да, ҳол ва мартаба ҳар хиллиги, ифода маҳорати ҳам турлича бўлган. Бу ҳол замонавий адабиётшунослар нуқтаи назарида ҳам кўринади. Тасаввуфга муносабат муаллифнинг маслаги, ижтимоий-сиёсий дунёқараши билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу маънода устоз тасаввуфшунос Иброҳим Ҳаққул ушбу масалада ўз қарашларини қуйидагича ифода этади: “Тарихдан маълумки, ислом заминиде дунёга келган сўфийлик дастлаб Басрада майдонга чиққан ва Абдулвоҳид бин Зайд, Ҳасан Басрийнинг атрофидаги кишилар сўфийликнинг илк ҳалқасини ташкил этган. Чунки айнан ўша Басрада зуҳд ва ибодат ҳаёти ҳамда Аллоҳга таслимият тараққий топган. Мусулмонлар орасида энг фазилатли шахслар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг асҳоблари ҳисобланиб, улар Ҳазрати пайғамбаримизнинг суҳбатларига мушарраф бўлганликлари учун саҳоба дейилган... Бу хусусда мулоҳаза юритган Абдулкарим Қушайрий ишнинг оқибати ўлароқ “диннинг ҳукмларига риёзат ва ихлос ила риоя этган инсонларга “зуҳҳод ва уббод” (зоҳид ва обидлар) номи берилганлигини айтиб, ёзади: “Анча сўнгра бидъат мазҳаблари ўртага чиқди. Мазҳаблараро тортишиш бошланиб, ҳар бир мазҳаб халқни ўз томонига даъват қилишга киришди. Натижада “ҳар нафасда Аллоҳ билан бўлиш” ҳолини муҳофаза этган ва ўзларида зоҳир бўлган ғафлат мусибатларидан қутулмоққа жаҳд айлаган аҳли суннатнинг пешқадамлари мутасаввиф номи билан бошқалардан ажралдилар. Бу зумра¹нинг улуғлари ҳижрий икки юзинчи йилдан ушбу ном ила танила бошладилар”.

Кўриниб турибдики, тасаввуфнинг пайдо бўлиши ҳақида турли-туман фикрлар мавжуд. Мутасаввифларнинг эътироф этишларича, шарқ-у ғарбда ирфоний таълимот ва

¹Абдулкарим Қушайрий. Рисолаи Қушайрий. – Аралик: Даргоҳ йойинлари. 1991. – Б. 96

Тасаввуф ва маърифат

мактаблар ислом динига қадар ҳам мавжуд бўлган. Шу сабабдан бўлса керак, айрим ғарб олимлари тасаввуф таълимоти юнон ва ҳинд ирфоний-фалсафий таълимотлар таъсирида пайдо бўлган, деган қарашни ҳам илгари сурадилар. Бироқ комиллик шариати муҳаммадия билан белгиланади, комил инсон эса Расулуллоҳ (с.а.в.)дир. Шу боис тасаввуфнинг пайдо бўлиши Исломдан айри тушунилмаган. Тариқатдаги энг самарали усул суҳбат ҳам Муҳаммад (с.а.в.) ва саҳобалардан мерос экани барчага маълум. Мана шунинг учун ҳам Шарқ мусулмон уламолари уларнинг бу фикрларини инкор этадилар ва ўзларининг нуқтаи назарларини аниқ илмий далиллар билан ҳимоя қиладилар.

Маълумки, тасаввуф ва ирфон тушунчалари баъзи бир олимлар томонидан айна маънода қўлланилган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, тасаввуфнинг мақсади қалбларда маърифат уруғини сабр-тоқат билан ундириш ва нафсини тазкия этган ориф ва валий зотларни дунёга келтиришдир.

Тасаввуфшунос олим Абдулҳаким Шаръий Жузжоний бир мақоласида ушбу масалага шундай ойдинлик киритади: “Баъзиларнинг фикрича, тасаввуф ирфоннинг бир бўлими ва унинг кўринишларидан биридир, яъни тасаввуф бир йўл-йўриқ ва тариқат сифатида ирфондан ажралиб чиққан. Ирфон эса умумийроқ тушунча бўлиб, тасаввуфдан бошқа йўл-йўриқ ва мазҳабларни ҳам ўз ичига олади. Унга биноан бир киши сўфий бўлиб, ориф бўлмаслиги мумкин. Ёки бир киши зоҳиран тасаввуф тариқатида туриб, ирфондан ҳеч қандай баҳра олмаслиги ҳам мумкин. Баъзан эса ориф сўзи сўфий ва дарвешга нисбатан юксакроқ маънода ҳам қўлланган. Баъзилар эса ирфон – тасаввуфнинг илмий ва зехний томони ва тасаввуф – ирфоннинг амалий томони деб билганлар”¹.

¹ Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф таълимотининг илдизлари / Мулоқот, 1995, №1-2.

Асосан, ислом динининг жамиятдаги турли (фалсафий, этик, эстетик в.к.) муаммоларга муносабати тасаввуф таълимотида яратилган янгича тамойиллар асосида янада ривожланди ва мукаммаллашиб борди. Тасаввуф имон, ислом тушунчаларини эҳсон мартабасига юксалтирди. Яъни тариқат тоат-ибодатда илоҳий завқ ва ҳузур пайдо қилишга киришди.

Комилов қатор тадқиқотларида тасаввуф мавзусига тўхталади, жумладан, тасаввуф тариқатларининг ижтимоий ҳодиса сифатида жамият тараққиётига бевосита таъсир кўрсатиши ҳақида фикр юритар экан, шундай дейди: “Тариқат асосида тасаввуфнинг яхши, идеал жамият ҳақидаги қарашлари вужудга келган. Масалан, Жомийнинг “Хирадномаи Искандарий” ва Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonларида подшоҳсиз одамлар, яъни солиҳ кишилар жамияти ҳақида гап боради. Тасаввуф бундай жамиятга зўрлик, инқилоб йўли билан эмас, ҳар бир инсонни ахлоқий тарбиялаш орқали етиш мумкин, деб ҳисоблаган”¹.

Дарвоқе, жамият тараққиётини комил инсонлар белгилайди. Бундай ориф зот, етук ва баркамол шахсларни дунёга келтиришда тасаввуф мактаби тажрибасининг ўрни катта. Шарқ мусулмон дунёси тарихида шуҳрат қозонган идеал шахсларнинг, деярли, барчаси тасаввуф таълимотларидан хабардор кишилар эдилар. Улар тариқат арбоблари билан маслакдош ҳам бўлганлар.

Абдулҳаким Жузжоний яна бир мақоласида “Ҳиндистон ва Юнонда илми ирфон” масаласига тўхталар экан, Ҳиндистонда ирфон ғояларини ифода этган ўнлаб фалсафий мазҳаблар борлиги ва шулардан фақатгина “Вандатион” мазҳабини ирфон мазҳаби, дейиш мумкинлигини айтиб, ушбу таълимот вакиллариининг фалсафий қарашларини қуйидагича баён этади: “Ориф дунёвий алоқалар ва моддий боғланишлардан узилганидан кейин юксаклик даражасига

¹ Н. Комилов. Тасаввуф ва бадий ижод // Ёшлик. 1997, №8. – Б. 73

Тасаввуф ва маърифат

кўтарилади, ўшанда орифнинг руҳи, куллий (умумий) руҳнинг ўзи бўлиб қолади”¹.

Демак, орифларда Аллоҳ жамолидан ўзга дийдор орзуси, Аллоҳнинг иродасидан бошқа истак бўлмайди. Орифлар жузъий иродасини Куллий ирода соҳиби Аллоҳ таолога топширган валий зотлардир. Уларда нафақат дунё, балки уқбо қайғуси ҳам қолмайди. Мутасаввиф шоир Навоий ҳам:

*Йўққи ориф кимки йўқтур ўйла Кулл,
Бул муҳаққақ амрдин ғофилдир ул².*

каби мисраларни мана шу юксак орифона ҳол изҳори сифатида ёзган. Зеро, бундай орифлик маслаги ёрқин ифодаланган байтлар ирфон нури билан лиммо-лим тўлган қалбларда туғилади.

“Тасаввуф деганда, энг аввало, икки боқий ҳақиқатни ўйлаш лозим. Булардан биринчиси – Ишқ, иккинчиси – Маърифат”³, – деган қараш илмда маълум. Мутасаввифлар ҳам тасаввуфни ошиқлик ва орифлик даврига ажратишган. Шу ўринда Азизиддин Насафийнинг ишқ қанотининг учқурлиги ва қудратига урғу бериб, айтилган қуйидаги фикрлари ҳам қимматлидир: “Ишқ ошиқни ёндирадиган бир оловдир. Бу олов гуриллайдиган жой кўнгил, аммо унга кўз йўли билан борилади. Сўнгра ишқ мунаввар қалбни ватан айлайди”.

Дарҳақиқат, дунёнинг яратилиши ишқ туфайлидир. Инсонни барча махлуқотлар ичра мукаррам айлаган илоҳий қудрат ва неъмат ҳам ишқ эди. Орифлар султони Хожа Аҳмад Яссавий қатор ҳикматларида ушбу мавзуга алоҳида эътибор қаратиб:

*Ишқсиз киши одам эрмас англасангиз,
Бемуҳаббат шайтон қавми тингласангиз,
Ишқдин ўзга сўзни агар сўзласангиз,*

¹ Н. Комилов. Тасаввуф ва бадий ижод // Ёшлик. 1997, №8. – Б. 33

² А.Навоий. МАТ. 20 томлик, 12-том. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 193

³ И.Ҳаққул. Талант – жасорат жавҳари. – Тошкент: Муҳаррир нашриёти. 2018. – Б. 148

Илгингиздан имон ислом кетти бўлғай¹,

дейди. Инсонийлик моҳиятини ишқ, дея белгилаган султон ул-орифин Аҳмад Яссавий муҳаббатсиз кишиларни шайтон қавмидан деб ҳисоблаган. Ишқсиз дилларда имон, ислом йўқ, деган кескин хулосаларини айтади. Навоий эса бу борадаги мулоҳазаларини қуйидаги каби сатрларда шундай ифодалайди:

*Фано майхонасига сол мени эй ринди орифким,
Ғамимни ўксутар дайри фано, майхона андин кўп.
Навоий оҳи тун-кун булбулу парвонани ўртар,
Ки, ишқ ўтини даъво қилмағайлар ёна ондин кўп².*

Навоийнинг ушбу сатрлари ўз ишқи ҳақидаги фахриясидир. Бу ишқ шоирни Фано – йўқлик мартабасига юксалтирган. Энди унинг оҳи фиғони-ю, ёниб куйиши булбул-у парвонани ўртайди. Тасаввуфда ишқ ва ирфон ҳамиша муштарак. Шу боис тасаввуф адабиётида ориф ошиқ, ринди ориф, дарвеши ориф ва ориф фақр сингари образларнинг мавжудлиги ҳам эътиборга лойиқ масалалардандир:

*Ориф ошиқ бўлай десанг алам тортғил,
Ҳақ васлига етай десанг тунлар қотғил,
Бу дунёнинг ишратини ташлаб отғил,
Ташлаб отсанг моуманлик кетар, дўстлар³.*

Бироқ, Нажмиддин Кубро ҳазратларининг маърифатнинг қаноти ишқ қанотидан анча баланд ва юксак деган эътирофлари ҳам тасаввуф маърифати ва ошиқ қалблар завқу шавқини теранроқ англаб, мукаммал ҳис этишга кўмаклашади. Тасаввуф – ошиқлик ва орифлик йўли. Ҳақ йўлчисида ишқ жазбаси қанчалар кучли бўлса, ирфон мушоҳадаси ҳам шунчалар зиёда бўлади. Нафснинг барча ҳийлаю найранглари орифчалик ёрқин англайдиган аҳли дил йўқ. Зеро, орифлар нафсига ҳоким валий зотлардир.

¹ А. Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Ғ. Ғулом. 1990. – Б. 192

² А. Навоий. МАТ 20 томлик, 6-том. – Тошкент: Фан. 1990. – Б. 51

³ А. Яссавий, С. Боқирғоний. Ҳикматлар қуллиёти. – Тошкент: O'ZBEKISTON. 2011. – Б. 34

Тасаввуф ва маърифат

Барча тариқатларнинг бош мақсади ҳам шу: нафсни таниш ва уни тарбиялаш, нафси амморани нафси комила қадар юксалтириб бориш орқали иродали, жасоратли ва одил шахсиятни дунёга келтириш бўлган. Маълумки, тасаввуфдаги ҳар бир тариқат ёки мазҳаб, аввало, орифлик валояти қурби билан инсоннинг руҳи ва виждонига ҳоким бўлишни кўзлаган. Тариқатлардаги усули-арконни белгилашда ҳам ишқ ва ирфоннинг ўрни муҳимдир. Улар бир-бирини талаб этувчи, тўлдирувчи ва юксалтирувчи илоҳий инъомлар саналади. Бироқ баъзи тариқатларда ишқ, маълум тариқатларда эса маърифат устувордир. Бу ҳол тажрибасини изчил ўрганган турк олими Абдуқодир Сизгин шундай изоҳлайди: “...Юсуф Ҳамадонийнинг икки халифасидан бири – Абдуҳолиқ Ғиждувоний сайр ва сулук йўлини, Аҳмад Яссавий ҳазратлари эса ишқ ва жазба йўлини таржих этишган...”¹

Тасаввуф таълимоти ва орифлик маслагидан таъсирланган Шарқ мумтоз адабиётида бош ғоя нафсни таниш эди. Ушбу машаққатли риёзат узлуксиз бир жараён сифатида шаклланди. Ва жоҳил нафс босқичма-босқич тазкия этилиб, камоллик касб эта бошлади. Навоий ҳазратлари инсоннинг ушбу мужоҳадасини “Камол эт касбким, олам уйидин” сатри билан бошладиган қитъасида ёрқин изоҳлайди:

*Камол эт касбким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотаом ўтмас бияйних
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ².*

Англашилмоқдаки, соликнинг сайр-сулукдан асосий мақсади – нафсига ориф бўлиш. Бунинг учун эса, аввало, инсон ўзига берилган кенг имконият ва муҳим вазифани тўлақонли англамоғи керак. Мазкур асосий вазифа Аллоҳ азза ва жалла марҳамат этган: “Мен инс ва жинсни ибодат

¹ Сизгин А. Ҳожи Бектош вали ва бектошийлик. – Истанбул. 1988. – Б. 89

² А.Навоий. МАТ. 20 томлик, 1-том. – Тошкент: Фан. 1987. – Б. 631

учун яратдим...”, ояти каримасида келган ҳақиқатдир. Демак, инсоннинг яратилишидаги бош мақсади – Роббисига ибодат қилиш, ибодатнинг туб моҳияти эса нафсни таниб, илоҳий маърифатни қўлга киритмоқдир:

*Нафским, ул айшини мудом истагай,
Санга гуноҳ ўзига ком истагай.
Ганж уза истарки, йилон топса баҳр,
Андин эмас баҳра, вале ғайри заҳр.
Чекма анинг комини устаб азоб,
Тавба била қилғил анга эҳтисоб¹.*

Навоийга кўра, тариқат йўловчиси ҳеч қачон нафсга таслим бўлмаслиги ва уни заҳарли илондек чақиб зиён етказишига асло йўл қўймаслиги учун ҳар дам хушёр бўлиш баробарида сидқ ила тавба этиб бориши ҳам лозим. Мутасаввиф Сўфи Оллоёрнинг таъбири билан айтганда, “нафс” аталмиш саркаш туяга (қутуриб озор бермасидан аввал – бошданок) бурундуқ солиб, унинг тизгинини маърифат арқони билан маҳкам тутмоқ ҳам айни муддаодир:

*Ўзинг паст айласанг нафсинг забардаст,
Бошинг чайнаб солур чун уштуруи маст,
Бурунға боди кибр эсмай бурундин,
Бурундиқ сол анга қўпмай бурундин...
Бу меҳнат бирла ул аммораи дун,
На бўлғай мутмаина бўлса бир кун².*

Айтиш мумкинки, нафси мутмаинна орифлар мақомидир. Бу мақомда Аллоҳ лутфи, иродаси ва солиқнинг риёзати билан орифлик рутбаси инъом этилади. Яъни, бунда дастлаб нафси амморадаги жаҳолатни маломат ила енгган лаввома нафс, илҳом берадиган нафси мулҳама томон одимлайди. Кейинчалик нафси мулҳамада ишқ туғғени басират кўзининг очилишига туртки бўлади. Натижада эса, тамкин ҳолга келган нафс маърифат нури билан илоҳий жамолни тамоша қилиш ва мушоҳада этиш сифатларига

¹ А.Навоий. МАТ. 20 томлик, 7-том. – Тошкент: Фан. 1991. –Б. 323

² С.Оллоёр. Саботул ожизин. – Тошкент: Чўлпон. 1991. – Б. 91

Тасаввуф ва маърифат

эриша бошлайди. Ва толибда орифона барқарорлик ҳоли, тамкинлик пайдо бўлади. Демак, Навоийнинг ғазал ва дostonларида *“Навоий, истабон тамкин, кишидин истама таҳсин”, “Тут онгаким, иши бўлди тамкин, Оти Султон, ўзи дарвиш оийин”¹, “Еттинчи қуллаға айлаб гузора, Зухалға дер эди айлаб назора. Ки: “Эй баҳри виқору кўҳи тамкин, Шиору шеванг ўлғай ҳилму таскин”², “Фахи эттики жилва қилмиш оийин, Шодурвони жалолу тамкин”³* каби тамкинлик ҳоли таъриф-тавсифида битилган мисра ва байтлар ҳам талайгина.

Нафснинг тарбиясини Расулуллоҳ (с.а.в.) – жиҳоди Акбар, дея бежиз айтмаганлар, зеро у ўта машаққатли риёзат, чекиниб бўлмайдиган курашдир. Шу маънода нафсни таниш ва унга қарши туришнинг хосиятлари ҳақида айтилган Баҳоуддин Нақшбанднинг мана бу сўзлари эътиборга моликдир: *“Киши ўзининг нафсига тухмат қилиши керак. Кимки Ҳақ субҳонаҳу инояти билан ўз нафсининг ёмонлигини таниган, унинг ҳийла-найранглариини англаган бўлса, бундай ишни қилиш унга осон бўлади. Бундай йўлдан юрувчиларда ўзгаларнинг гуноҳини ҳам ўзларидан деб билиш ҳоллари кўп бўлади”*. Бошқаларнинг гуноҳини ҳам ўзидан деб билиш ҳоли, фаришталик даъвосидан йироқ, тамкин моқомига юксалган, асл моҳиятни чуқур биладиган ориф зотларга хосдир. Чунончи, орифибиллоҳ Навоий айтган:

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас:

То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.

То зулму ситам жониға бедод ўлмас,

Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас⁴,–

каби байтлар, албатта, орифона мушоҳада натижасида юзага келган. Риёзат ва ранж чеккан нафс покланиб, қалб ойнаси тиниқлашади. Натижада юқоридаги каби сатрлар ориф қалбларга илҳом этилади. Алишер Навоийнинг бу хулосалари

¹ А.Навоий. МАТ. 20 томлик, 6-том. – Тошкент: Фан. 1990. – Б. 495

² А.Навоий. МАТ. 20 томлик, 8-том. – Тошкент: Фан. 1991. – Б. 388

³ А.Навоий. МАТ. 20 томлик, 9-том. – Тошкент: Фан. 1992. – Б. 24

⁴ А.Навоий. МАТ. 20 томлик, 14-том. – Тошкент: Фан. 1998. – Б. 259

барчамизни бу шафқатсиз ва маккор оламда нафс офатига йўлиқиб, синиб парчаланмаслик учун орифлардан ибрат олиб, ўта хушёрлик билан бардавом ҳаракатда бўлишга чақиради:

*Нафс амрида ҳар нечаким толпинғайсен,
Кўп гарчи бутунлик тиласанг, синғайсен.
Ком истаю неча элга ёлинғайсен,
Нафсингга хилоф айлаким, тинғайсен¹.*

Тасаввуфда ориф истилоҳ даражасидаги калимадир. У нафақат Аллоҳ таоло маърифатига эга улуғ зот, буюк шахсиятни, шунингдек, тасаввуфдаги юксак рутбани кўрсатишда ҳам асос бўлади. Бироқ араб тилига мансуб “ориф” сўзи – исломгача бўлган даврларда ҳам қўлланилган. Кейинчалик эса бошқача маъно-моҳият касб этгани маълум. Чунончи, қадим даврларда араблар жамоа ва ташкилот бошлиқларини, амир ва қўмондонни “ориф” дейишган. Араб қабилаларида орифлар қабила раисларидан кейинги нуфузли ўринда туришган. Пайғамбар (с.а.в.) замонида рўй берган урушларда орифлар қўмондон сифатида фаолият кўрсатганлиги Мовардийнинг “Ал-аҳком ал-султония” асарида қайд этилган. Аббосийлар даврида эса ўн кишидан иборат аскарӣ гуруҳ раҳбарларига “ориф ал-аъло”, юзбошиларга эса “ориф ал-мио” дейилган экан².

Мана шу каби маълумот ва манбаларга асосланган тадқиқотчи Д.Муродова ўз қарашларини шундай хулосалайди: “ориф” атамаси исломгача ва исломнинг дастлабки даврларида кўпроқ раҳбарлар ва ҳарбий амалдорларга нисбатан қўлланган. Замонлар ўтиши билан “ориф” сўзи ушбу маъноларидан узоқлашиб борган. Кейинчалик у шариат маҳкамаларида интизомни муҳофаза қиладиган кишиларга, қабила оқсоқолларига, талабалар

¹ А.Навоӣ. МАТ. 20 томлик, 15-том. – Тошкент: Фан. 1999. – Б. 178

² Islam ansiklopedasi. – Anadolu. 1997. – Б. 564

Тасаввуф ва маърифат

дарсларини назорат этувчи юзбошиларга ва ҳаттоки, меъморларга нисбатан ҳам ишлатилган”¹.

Ушбу маълумотлар бизга шундан дарак бермоқдаки, кўп асрлар давомида ориф сўзи асосан раҳбарлик, назоратчилик ва ҳарбий соҳа вакилларига нисбат бериб келинган.

Модомики шундай экан, ўринли савол туғилади: Шарқ адабиётида, асосан форс-тожик ва туркий шеъриятда ғоятда эҳтиром билан эъзозланган ориф образининг тасаввуф адабиётига кириб келишига нима сабаб, қандай омиллар бўлган?

Маънавий-ахлоқий тарбия мактаби тасаввуф ҳақида атрофлича тўхталишимизнинг сабаби бор, албатта. Зеро, ориф мазкур таълимотдан баҳра олган соҳиби маърифатдир. У шариатнинг амалларини тўла-тўқис адо этган, ботиний ҳолларни яшаган тариқат йўлчисидир. Мазкур ишқ ва ирфон йўлчилигида ҳолдан ҳолга, мақомдан мақомга юксалиб, сўнгги марҳалагача етган ориф Аллоҳнинг солиҳ қуллари қаторида туради. Бироқ ориф калимасининг тарихий-этимологик илдизлари бўлиб, уларни ҳам ўрганиш зарур, бу изланиш истилоҳнинг мазмун-моҳиятини янада теран англашимизга асос бўлади.

Тасаввуфшунос Н.Комилов: “Илоҳшунослик илми бўлган ирфон ёки маърифат (“маърифат” сўзи арабча “арафа” сўзидан ясалган) тариқатнинг ҳосиласи ва бевосита давомидир. Бошқача айтганда, тариқатдан мақсад маърифатдир. Сўфийлар назарида маърифат фикрдан олдин кетадиган ва шубҳага заррача асос қолдирмайдиган илмдир. Маърифат илми ботиний илм деб ҳам юритилган”², – дея мазкур мавзуга оид мулоҳазасини шу тарзда ифода этган.

Маълумки, тасаввуфда нафси мулҳама мақомидаги солиқ қалбига илҳом берилади. Бу ирфоний-бадий адабиётларда хотир, ворид, илҳом номлари билан келади. Ва

¹Д. Муродова.Ориф образи ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. №2. – Б. 76-78

² Н.Комилов. Тасаввуф. – Тошкент: MOVAROUNNAHR-O'ZBEKISTON. 2009. – Б. 37-38

сўфийлар бу хотирларни уч турга ажратади: хотири нафс, хотири шайтон, хотири Ҳақ. Айтиш мумкинки, риёзат давомида жаҳд этган солиқ орифлик даражаси (босқичи)ни қўлга киритгач, ҳар дами хотири Ҳақ бўлади. У ҳар нарсада, ҳар воқеа-ҳодисотда Аллоҳнинг феъли ва сифотини мушоҳада эта бошлайди. У ҳар он ҳар нарса Аллоҳдан эканлигига иқрордир. Яъни, ҳеч бир нарса, мўъжиза (каромат) ва фавқулодда кутилмаган ҳодисот орифни Яратганга бўлган унсиятидан, имон-у эътиқодидан бир дам ҳам айира олмайди. Чунончи, Навоий айтади:

*Ориф он дон, ки гар афлок зи ҳам бишкофад,
Ба шухудаш нарасад манбаи нуқси футур¹.*

Мазмуни: *Мабодо фалак иккига айрилганида ҳам, имон-эътиқодига умуман нуқс-у зарар етмаса, аниқ билгилки, ўша киши ҳақиқий орифдир.*

Орифларга хос ҳол ва хусусиятлар ҳақида сўзлар эканмиз яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Султонул орифин Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бирида: *“Чунки туштум майдонга, майдонни тўла кўрдум, Юз минг орифни кўрдум – барча жавлон ичинда²”,*– дея фахрланганида чинданам ҳақ бўлган. Аслида ҳам Орифлар – маърифат майдонида ҳамиша тўхтовсиз ҳаракатда бўлганлар. Чунки улар илмларини оширган сайин, нақадар ожиз, нечоғлиқ Аллоҳга эҳтиёжманд эканликларини янада чуқур англаб бораверганлар. Шу маънода мумтоз адабиётимизда кўп бора тилга олинadиган *“тавбани синдурмоқ”, “тавбадан тавба этмоқ”* каби иборалар орифларга хос бўлиб, Навоий ҳам ботинида кечган ушбу юксалиш ҳолини қуйидагича тасвирлайди:

*Гар қилса киши қилиб гуноҳе тавба,
Ул журмға бўлса узрхоҳи тавба.
Қилмоқ неча гоҳ журму гоҳи тавба,*

¹ А.Навоий. МАТ. 20 томлик, 18-том. – Тошкент: Фан. 2002. – Б. 18

² А.Яссавий, С.Боқирғоний. Ҳикматлар куллийети. – Тошкент: O'ZBEKISTON, 2011. – Б. 263

*Бу журм ила тавбадин, илоҳи, тавба*¹.

Ҳар бир юксалишда ўзини янгидан маломат қилувчи, ҳар гал тавбасидан тавба этувчи орифдир.

Усмон Турар: “Сўфийлар ботин илмига: маърифат, ирфон, илми ладун, илми ваҳби, илми асрор, ғайб илми, фиросат, илми мукошафа, илми ҳузурий каби ном берганлар”², – дейди. Тасаввуфшунос И.Ҳаққул эса “илми ботинда биринчи галда, валилик қуввати ва орифлик имтиёзига ишонилган”³лигига урғу беради. Тасаввуф манбаларида сайри сулук тўрт босқичга ажратилган. Улар: шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат, дея номланган. Орифлар босқичма-босқич таълимни адо этган, ушбу илми ладундан сабоқ берувчи маънавий мактабни муваффақиятли тамомлаган сўфийлар, тавҳид мақомига кўтарилган валийлардир.

Тадқиқот натижасида шу нарса аён бўлдики, тасаввуф таълимотининг илк давларида “ориф” истилоҳи муридларга вазифа тайин этувчи ва уларни назоратда тутиб, тарбиялаб боровчи раҳбар зотларга нисбатан қўлланилган экан. Зеро, улар тариқат босқичларини босиб ўтган, ҳол-у мақомларни яшаган, бир сўз билан айтганда, Аллоҳни таниган комил инсонлар бўлишган. Шу маънода тариқатда муҳим ўрин, баланд мақомга соҳиб бўлган орифлар сўфийлик адабиётида ҳам асосий етакчи образга айланди. Ва тариқатлар кўпайгани ҳамда ривож топганлиги баробарида ориф тимсол-у рамзларининг ҳам адабиётдаги мавқеи кенгайди ва кучайди. Натижада, тасаввуфдаги каби мумтоз адабиётимизда ҳам орифона ғоялар мавқе эгаллади.

Орифлик маслаги: тил, тафаккур ва моҳият ўзига хослиги хусусида у ёки бу тарзда фикр-мулоҳазалар билдириш, аввало, машҳур сўфийларнинг “илм” ва “маърифат” калимаси шарҳи ҳамда ориф образи тасвири

¹ А.Навоий. МАТ. 20 томлик, 1-том. – Тошкент: Фан. 1987. – Б. 657

² Türier O. Tasavvuf tarihi. – İstanbul: Seha. 1995. – Б. 239

³ И.Ҳаққул. Талант – жасорат жавҳари. – Тошкент: Муҳаррир нашриёти. 2018. – Б. 145

ҳақида билдирган ранг-баранг таъриф-у тавсифларига эътибор қаратиб мушоҳада юритмоқни тақазо этади. Шунинг учун маъно аҳлининг мазкур мавзуда билдирган нодир фикрларига тўхталишни лозим топдик. “Рисолаи Қушайрий”да келтирилишича, улуғ мутасаввиф Абу Бакир Заҳрабазий маърифат ҳақида фикр юритиб, ўз мулоҳазаларини қуйидагича ифода этган: “Маърифат бир исмдир. Қалбга таътил ва ташбиҳ ақидасининг пайдо бўлишига сабаб бўлган таъзим туйғуси мавжудлиги маъносида келар. Илк фарз – маърифат. “Мен инс ва жинни менга ибодат этсинлар дея яратдим (Зориат: 51/56)”, - оятидаги танимоқ сўзи – маърифат. Аллоҳ каломидида келган “танисинлар” сўзи “маърифат” сўзига тенглаштирилган. Маликни танимаган, моликни танимас. Ақлнинг – далолати, ҳикматнинг – ишорати, маърифатнинг – шаҳодати бордир. Ақл – далил, ҳикмат – раҳбар бўлса, маърифат шоҳидлик қилади”¹.

Абул-Қосим Жунайддан “Ориф кимдир?”, – дея сўралганда: “Ул зот сен сукут этган ҳолингга сенга сиригни англатган (руҳиятингни англай олган) кишидир. Аллоҳ таоло ҳақида маърифат соҳиби бўлган орифлар амалларини Аллоҳ таолодан олурлар ва бу амалларга кўра ҳаракат этиш натижасида яна Унга қайтурлар”, – деб жавоб қилган экан. Шайх Нурий эса бу ҳақдаги фикрларини шундай баён этган: “Тасаввуф нафснинг барча орзуларини тарк этмоқдир. Замонамизда энг азиз бўлган (ва кўп нодир бўлган) икки зот бордир. Илми ила амал этган олим, ҳақиқатни англаган ориф”. Шунинг билан бирга “Очлик зоҳидларнинг, зикр орифларнинг таомидир” (Абу Муҳаммад Абдуллоҳ Ҳарроз), “Аллоҳ ҳақида маърифат соҳиби бўлган (орифи биллоҳ) ҳузури (унсияти)ни кун-бакун қувватлар” (Абу Ҳамза Хуросоний), “Энг буюк неъмат нафсдан чиқмоқ ва узоқлашмоқдир. Нафс сен билан Аллоҳ орасидаги энг қалин

¹Абдулкарим Қушайрий. Қушайрий рисоласи. – Аралик: Даргоҳ йойинлари, 1991. – Б. 98

Тасаввуф ва маърифат

пардадир”¹ (Абу Бакр Тамастоний), “Зоҳид дунё учун ғариб, Аллоҳ таоло ҳақида ирфон соҳиби бўлган ориф охират учун ғарибдир. Зухд – зоҳидлар қонининг тўпланмаси ва бирикмаси, орифлар қонининг эса тўкилмасидир. (Зоҳид нафсини, ориф эса Роббини тушунар. Ориф фано мартабасига етишган, зоҳиднинг нафси боқияси бордир), Обиднинг қиймати Маъбудига кўрадир, Орифнинг қиймати Маъруфига кўрадир. Убудият Аллоҳни мушоҳада этиш учун қилинган ибодатни кўрмоқ ҳолидан узоқ қолмоқдир. Ниҳоятининг одоблари доирасида истиқомат қилмоқ – орифнинг ҳақи ва вазифасидир. Орифнинг қалби сукут этаркан, Аллоҳнинг барча ҳукмларига қаршилиқ қилишдан тамоман халос бўлур. Мутавакил Аллоҳнинг гўзал ишларига қувонар, ориф эса Аллоҳнинг ҳар қандай ишига розидир. Чунки, ориф ҳар он ризо ҳолидадир. Дерларки, авомнинг сукути тил ила, орифларнинг сукути қалб ила, ошиқларнинг сукути сирга оид хотираларини кўрмоқ билан бўлар”² (Мутасаввиф Насробозий) каби сўфий ва мутасаввифларнинг фикрлари ҳам аҳамиятлидир.

Орифлар беқарор ҳолларни барқарорлаштирган, кўркув ва умид, торлик ва кенглик, ранг-барангликдан озод бўлган, рангсизликка эришган муқим ҳол соҳибидир. Чунончи, ушбу фикрлар ҳам шунга ишора этади: “Орифларнинг риёси муридларнинг ихлосидан афзалдир. Ориф доим амалини Аллоҳдан кўрар, сабаблардан кўрмоқни риё санар. Амали Яратганнинг амали билан ҳузур ва сокин бўлар. Мурид эса доимо амалларини сабаблардан деб билар. Ҳа, йиғламоқ орифларнинг Аллоҳ таолога томон сайрида бир ҳолдир. Аллоҳга унсият ҳосил қилганда, Унинг лутфи ва вуслат завқи билан орифлар бу ҳолдан халос бўлур”³ (Абу Сайид Ҳарроз).

¹ Абдулкарим Қушайрий. Қушайрий рисоласи. – Аралик: Даргоҳ йойинлари. – Б. 171

² Абдулкарим Қушайрий. Қушайрий рисоласи. – Аралик: Даргоҳ йойинлари. – Б. 254, 257, 262, 343, 344, 350

³ Абдулкарим Қушайрий. Қушайрий рисоласи. – Аралик: Даргоҳ йойинлари. – Б. 354, 395, 495

Демак, муридлар ҳамиша маънавий йўлда ҳаракатдадир. Улар риёзату машаққат тортиб, орифлик мақомига кўтарилади. Йиғламоқ, айниқса, саҳарлардаги гиря-ю нола ориф ошиқларга хос ҳолдир. Бу Яссавий ҳикматларида ҳам ёрқин ифодасини топган:

*Саҳарларда қўпуб, йиғлаб, нола айла,
Нолишингдин еру кўклар наво қилсун.
Ҳаққа сиғиниб кўз ёшингни жола айла,
Андин сўнгра Ҳақ дардинга даво қилсун!¹*

Орифларнинг Яратганга қурбати, айниқса, тун кечалардаги бедорлиги, зор-у нолаларида аён бўлади. Натижада уларларнинг ихлос ила убудияти Яратганга унсиятига олиб келади:

*Аллоҳ дегил, эй Қул Аҳмад, ёшинг оқғай,
Ўтган ориф ҳиммат билан элинг тутқай,
Йиғлаб юргил, Раҳим Мавлим раҳми келгай,
Хожа қулин ҳаргиз зоеъ қўймас бўлур².*

Бундай хос қулларга ҳижрон ва висолнинг, борлиқ ва йўқликнинг тафовути йўқ. Орифлар ҳар он ҳар ерда Аллоҳ билан биргадир. Улар учун уйқу ва бедорликнинг ҳам аҳамияти йўқ. Шу маънода улар нафас соҳиблари бўлиб, ҳар нафаси Ҳақ биландир. Орифибиллоҳ Юнус Эмро орифлар эришган бу юксак маънавий ҳолни шундай таъриф ва тавсиф этади:

*Ориф анга дерлар, ул нон бўлур,
Маърифат оламинда бир уммон бўлур...
Ҳақ деяжак нафаси Ҳақдин келур,
Сўйлаяжак сўзлари Қуръон бўлур³.*

Орифлар маърифат уммонидир. Зеро, уларнинг ҳар нафаси Аллоҳнинг зикри, ҳар бир сўзи Аллоҳнинг каломидир. Сўфиён Саврий ҳам орифларнинг ҳар дам Ҳақ зикри

¹ А.Яссавий, С.Боқирғоний. Ҳикматлар куллийети. – Тошкент: O'ZBEKISTON. 2011. – Б. 139

² А.Яссавий, С.Боқирғоний. Ҳикматлар куллийети. – Тошкент: O'ZBEKISTON. 2011. – Б. 62

³ Yunus Emro. Guldeste. Kultur Baranligi. 1996. – S. 74

Тасаввуф ва маърифат

билангина нафас олишларига ишора қилиб, бундай дейди: “Ҳар банданинг бир жазоси бордир, Аллоҳни таниган орифибиллоҳнинг жазоси зикрдан узилишидир”¹. Демак, орифларнинг иштиёқи Парвардигорини зикр этишдир. Улар бир он бўлсин сўзи ва амалида Яратганни ёддан чиқармайди.

Қушайрий мутасаввифларнинг ориф шахсиятига берган таърифлар-ни келтирар экан, маърифат ва ориф ҳақидаги ўз мулоҳазасини бундай хулосалайди: “Уламо наздида маърифат илм маъносида келур. Уларга кўра, ҳар илм бир маърифатдир, ҳар маърифат эса бир илмдир. Аллоҳ ҳақида олим бўлган ҳар киши орифдир, ҳар ориф эса олимдир. Маърифат – хусусий тажриба, амалиётда ҳосил қилинган билим. Бу билим ҳар бир мурид қалбида янгитдан турли кўламда кашф этилади. Демак, маърифат илҳом натижасида хос бандаларга ҳадя этилган илоҳий инъомдир. Илм эса умумий, куллий, назарий, мужаррад билим. Қалбнинг маълумотларни билишига – маърифат ва ирфон, ақлнинг маълумотларни билишига – илм дейилган. Маърифатнинг манбаси – сезги (кашф, илҳом), илмнинг манбаси далилдир. Маърифат – сўфийларга тегишли бўлган илми ладундир. Орифлар мана шу маърифат ва илҳомга мазҳардирлар.

Маълумки, тариқат мазҳабда жидду жаҳд этиб, вусулга эришган киши – фақр ҳисобланади. Албатта, фақрлик ҳақиқати эҳтиёжмандликдир. Зеро, банда ҳамиша Яратганга муҳтождир, ҳақиқат аҳли наздида ғани – Холиқ, фақр эса халқнинг сифатидир. Фақр учун қатъий талабларга асосланган йўл йўқдир. Хожа Аҳмад Яссавий “Фақрнома”да орифликни фақр²нинг сўнгги мақоми деб таърифлар экан,

¹ Абдулкарим Қушайрий. Қушайрий рисоласи. Ҳозирлаган: Сулаймон Улудағ. – Аралик: Даргоҳ йойинлари. 1991. – Б. 29

²Тариқат ва мазҳаб йўлидан юриб, восилига вусул бўлган бузрук киши Фақрдир. Ва фақрликнинг ҳақиқати ҳожатмандликдир. Зеро, банда ҳамма вақт эҳтиёжманддир. Бандаликнинг асли мамлукликдир. Мамлуклик – ўз моликига муҳтожликдир. Ҳақиқат аҳли наздида ғани – Ҳақ бўлиб, фақр – қул ёки халқнинг сифатидир. Фақр учун маълум бир қатъий талабларга асосланган йўл йўқ. Яъни фақр қайси йўлда ва қайси макону замонда бўлмасин у ҳамиша Ҳақ билан биргадир. Шунинг учун ҳам унинг ҳақиқатидан кўпчилик огоҳ бўлолмайди.

уни Муҳаммад Мустафодан мерос қолганлигини айтади ва ушбу фикрини шундай асослайди: “Фақр мақоми саккиз турур: аввал тавба турур, ибодат турур, муҳаббат турур, сабр турур, шукр турур, ризо турур, зухд турур, орифлик турур. Аввали ҳазрати Одам алайҳиссаломдин қолди, обидлик ҳазрати Идрис алайҳиссаломдин қолди, шукр ва муҳаббат ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломдин қолди, сабрлик ҳазрати Айюб алайҳиссаломдин қолди, розилик ҳазрати Мусо алайҳиссаломдин қолди, зоҳидлик ҳазрати Исо алайҳиссаломдин қолди, орифлик ҳазрати Муҳаммад мустафосаллаллоҳу алайҳи васалламдин қолди”¹. Усмон Қобилов ҳам “Нубувват мотиви ва мумтоз поэтика” номли монографиясида Хожа Аҳмад Яссавийнинг ушбу фикрларига таяниб бундай ёзади: “Худди шунингдек, тасаввуфнинг борлик олами ҳақидаги ўзига хос кайҳоний таълимоти ҳам набийлар билан боғланади. Шу сингари орифона руҳдаги асарларда набий сиймолар бадий тимсоллари талқини ҳам

Фақрнинг мақоми – мақоми илоҳийдирки, бу мақомнинг йўли ҳар кимга ҳам очилавермайди. Шу боис “Ал-фақру фаҳрий”(фақрлик фаҳримдир) дейилгандир. Чунончи, Ироқий айтади:

*Дар ҳалқаи фақирон Қайсар чаҳ кор дорад,
Дар дасти баҳри нўшон соғар чаҳ кор дорад.
Дар роҳи ишқбозон зин ҳурифо чаҳ хезад,
Дар мажлиси хамушон минбар чаҳ кор дорад.*

Фақр – тариқатнинг тўртинчи мақоми. Фақр – шу мақомга мансуб киши. Иброҳим Бухорий Калободий фақрга таъриф бериб: “фақрлик – молинг бўлмаслик, бўлса ҳам сенга мансуб бўлмаслик, фақр эса ҳақиқат маърифатига ниёзманд кишидир”, деган экан. Шунингдек, фақрнинг Аллоҳдан бошқага муҳтожлиги бўлмайди ва у таваккул эътиқоди билан яшайди. Фақр – тариқат йўлига кирган орифнинг тўртинчи мақоми, фақрлик – бу моддий етишмовчилик ёки тиланчилик қилиш эмас, балки, Аллоҳу таборақ олдида ўзини ожиз, ғариб ва фақир ҳис қилишдир. Бу мақомнинг уч босқичи бор: биринчи босқичида ориф нима топса, шунга қаноат қилади. Иккинчи босқичда ориф ўзида дунё молидан кечиш ҳиссини тарбиялайди. Сўнгги босқичда у шундай даражага эришадики, у учун бойлик ва камбағалликнинг фарқи бўлмайди. Қаранг: Сайид Жаъфар Сажжодий. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. – Техрон. ҳижр.:1339. – Б. 303-305; Алишер Навоий ТАТ, ўн жилдлик, ўнинчи жилд, Ғафур Ғулом. – Тошкент. 2011. – Б. 658; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннахр. 2004. – Б. 250

¹Абдурахмон Ғўзал. Яссавий “Фақрнома”си. Усмонли туркчадан таҳрир ва айрим қисқартириш-лар билан ўзбекчалаштирувчи Нодирхон Ҳасан. – Тошкент: 2014. – Б. 95

Тасаввуф ва маърифат

кенг ўрин эгаллаган. Сўфийлик маърифатидаги ориф ва маърифат (Муҳаммад алайҳиссалом), зухд ва зоҳидлик (Ийсо алайҳиссалом), обид ва ибодат (Идрис алайҳиссалом), сабр ва матонат (Айюб алайҳиссалом), шукр ва шокирлик (Иброҳим алайҳиссалом), ризо ва розилик (Мусо алайҳиссалом) каби ҳол мақомлари набийлар тимсолида зоҳир этилади”¹.

Хуллас, аҳли тариқат нафс даражаларини еттига ажратади. Булар: аммора, лаввома, мулҳама, мутмаинна, розия, марзия ва ниҳоят комила нафсдир. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўринлари, ҳатто ранглари ҳам тасаввуф қўлланмаларида батафсил изоҳланган. Шунингдек, нафс мужодаласида эришиладиган латоифалар ҳам атрофлича шарҳланган. Қалб, руҳ, сир, хафий ва аҳфодан иборат беш латоифа. Булар баъзи тариқатларда баъзи фарқлари билан ранг жиҳатидан ҳам ажратилган: қалб – сариқ, руҳ – қирмизи, сир – оқ, хафий – қора, аҳфо – яшил рангда. Тариқат тарихидан маълумки, ҳар бир мақом бир пайғамбардан меросдир: жумладан, қалб латифаси – Одам(а.с.), руҳ – Иброҳим(а.с.), сир - Мусо(а.с.), хафий - Ийсо(а.с.), аҳфо эса Муҳаммад(с.а.в.)га тегишлидир. Аллоҳнинг ориф бандалари узлуксиз риёзат жараёнида мана шу латоифотга, яъни кам уйқу, оз таом, доимий таҳорат, зикр, тиловати Қуръон, зухду тақво, вараъ каби зоҳир ва ботин амалларини адо этиб, кашфи кароматга эришадилар. Ва бу Ҳақ йўлчилари: сўфий, эран, ошиқ, фақр, дарвиш, валий, абдол мухтасар қилиб айтганда, ориф зотлардир.

Шуни таъкидлаш жоизки, тасаввуф – нафсни таниш ҳикмати, яъни маърифатдир. Инсон, аввало, ўзининг яратилиш, имтиҳон дунёсига келиш сабабини теран англамоғи керак. Бу мушоҳадалар ўз-ўзидан инсонда нафсини тарбиялашга, Парвардигорини танишга қатъият, сабр-тоқат пайдо қилади. Ва бу иштиёқ, интилиш ва изланиш орифлик маслагидир. Алал оқибат маърифат талабгори

¹Усмон Қобилов. Нубувват мотиви ва мумтоз поэтика. – Самарқанд: СамДУ нашриёти. 2019. – Б. 114

башарий сифатларни англаган, илоҳий сирларни ҳис этган нафс соҳиби – орифга айланади. Тариқатнинг асл мақсад-муддаоси ягона – нафсни ориф айлашдир.

Форсий халқлар адабиётида ориф образи такомили ва маърифат талқини

Адабиёт – ҳаёт инъикоси, деган хулоса маълум ва машҳурдир. Дарҳақиқат адабиётда даврнинг ахлоқий, ижтимоий, сиёсий жиҳатлари у ёки бу тарзди ўз ифодасини топади. Шу маънода адабиёт ва тарих ҳақиқати ёнма-ён яшайди. Ҳижрий I-II асрлардан бошланган маънавий-ахлоқий таълимот тасаввуфнинг адабиётга таъсири ҳам беқиёс бўлган. Шубҳасиз, Шарқ адабиёти ривожини, юксалиши тариқатлар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Жумладан, олий адабиёт намунасини яратган ва қатор халқлар адабиёти ривожига муҳим ҳисса қўшган форсий адабиёт илдизи ҳам тасаввуфнинг умумжаҳоний ғояларидан озуклангани айтиш ҳақиқатдир. Бу тасаввуф қўлланмаларида эътироф этилган бўлиб, тасаввуфшунос Н.Комилов ҳам мазкур масала юзасидаги фикрларини қуйидагича баён этган: “XI асрдан бошлаб Шарқнинг, деярли, барча нуфузли шоир ва ёзувчилари мутафаккир ва олимлари тасаввуфдан озиқланиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик ғояларидан руҳланганлар”¹.

Ғарб олимлари ҳам Шарқ адабиёти хусусида улкан тадқиқотлар олиб борган. Натижада унинг асоси ва бош манбаси тасаввуф эканига иқдор бўлишган. Рус Шарқшуноси Е.Э.Бертельснинг ушбу фикрлари ҳам жуда қимматлидир: “Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида аниқ-равшан тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Бу адабиётдан воқиф бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам тўла-тўқис англаш қийин”².

¹ Н.Комилов. Тасаввуф. – Тошкент: MOVAROUNNAHR – OZBEKISTON. 2009. – Б. 4

² Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука. 1995. – Б. 54

Тасаввуф ва маърифат

Дарҳақиқат, Шарқ адабиёти тасаввуфий ғоялар билан бирга образ ва рамзлар билан ҳам бойиди. Мазкур образлардан бири, шубҳасиз, орифдир. Хусусан, XIII-XV асрлар форсий халқлар адабиёти равнақида ҳам орифона ғоялар, тасаввуфий тушунча ҳамда тимсолларнинг ўрни бениҳоя баланддир. Таъкидлаш жоизки, ушбу тушунча ва тимсоллар даставвал араб халқлари маънавий олами ва ирфоний адабиётида шаклланиб, кейинчалик форс-тожик адабиётига ўтган. Бобо Кўҳий (933/34-1050/51), Абусаид Абулхайр (967-1049), Носир Хисрав (1004-1088), Абдуллоҳ Ансорий (1006-1088), Муҳаммад Ғаззолий (1058-1111), Ҳаким Саной (вафоти 1140/1150), Шайх Рўзбеҳон Буқлий (1129-1213), Низомий Ганжавий (1141-1209), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Мажидиддин Бағдодий (1150-1217), Фаридиддин Аттор, (1145-1221), Авҳадиддин Кирмоний (1168-1236), Разииддин Али Лоло (вафоти 1243), Шамсиддин Табризий (1188-1248), Сайфиддин Бохарзий (1190-1261), Саъдиддин Ҳамавий (1252), Бобо Афзал (1195/96-1256 ёки 1265/66), Саъдий Шерозий (1203-1291), Жалолиддин Румий (1207-1273), Нажмиддин Розий (вафоти 1278), Фахриддин Ироқий (1213-1289), Паҳлавон Маҳмуд (XIII аср ўрталари-1322), Маҳмуд Шабустарий (1252-1320), Амир Хисрав Деҳлавий (1253-1325), Камол Хўжандий, (1318/23-1401), Ҳофиз Шерозий (1326-1389), Абдулвафо Хоразмий (вафоти 1432), Қосим Анвор (1355-1433), Яъқуб Чархий (1363-1447), Ҳусайн Хоразмий (1368/69-1435), Абдурахмон Жомий (1414-1492) каби форсийзабон мутасаввиф шоир ва олимлар асарларида ушбу маслак ва образлар энг юксак даражада таъриф-у талқин этилган. Ишда эҳтиёж сабаб ушбу алломалардан айримларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятларига қисман ҳамда баъзи бирларига эса имкон қадар муфассалроқ эътибор қаратишга ҳаракат қилдик.

Аввало, форс адабиётининг буюк вакили Абусаид Абулхайр ҳақида тўхталиш жоиздир. Адабиётшунос Эргаш Очилов Абусаид Абулхайр ҳақида: “Шайх Абусаид

Абулхайрнинг тўлиқ исми Абу Фазлуллоҳ ибн Абулхайр Муҳаммад ибн Аҳмад Меҳнавий бўлиб, у Хуросондаги Ховарон вилоятининг Шарқда машҳур бўлган Меҳна қишлоғида туғилган. Унинг сўфийлик йўлига киришига отаси – Абулхайр сабаб бўлган. У тасаввуф аҳлини дўст тутар ва уйида тез-тезда сўфиёна мажлислар уюштирар эди. Бундай мажлислар уларнинг иштирокчиси бўлган Абусаидни Ҳақ ошиғига айлантиради... Абусаид Абулхайрга “қабул назари” Шайх Абулқосим Бишр Ёсиндан тушган: у Абусаиднинг келажагини башорат қилиб, “Олам анинг билан тирилгусидур”¹, – деган эди. Сўнг Сарахсда Шайх Абдулфазл Сарахсийга мурид бўлиб, ундан тариқат одобини ўрганади. Устозининг даъватига кўра Нишопурга бориб, ўз даврининг машҳур олими Абдурахмон Суламий қўлида диний илмларини камолга етказиб, иршод даражасини олади². У шайхлик хирқасини Шайх Абулаббос Қассоб Омулий қўлида кияди”³ каби маълумотларни ҳавола этади.

Мана шундай комил муршидлар тарбиятида камолга эришган Абусаид Абулхайр мутасаввиф олим, сўфий шоир эди. Навоий ҳам “Насойим ул-муҳаббат”да бу ориф зот ҳақидаги бир-биридан қизиқарли маълумотларни келтиради. Жумладан, Шайхдин сўрдиларки, тасаввуф недур? Дедик, “Мияндин борини чиқариб ташла! Қўлингдагини борини эҳсон қил! Бошингга нима келса, хотиржам қарши ол!”⁴ Абусаид Абулхайрнинг ушбу жавоби тасаввуф моҳияти, хусусан, орифлик даражаси ҳамда моҳиятини кўрсатиб беради. Навоий ушбу асарда унинг шоирлик маҳорати, валийлик мақомини кўрсатувчи қуйидаги маълумотни ҳам айтиб ўтган: “Устоз Абу Солиҳки, шайхнинг муқриси эрди, бемор бўлди. Ҳазрат Шайх Абубакр Муаддабғаки, фарзандларининг адиби эрди, дедиким, давог ва қалам

¹ А.Навоий. МАТ. 20 томлик 17-том. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Фан, 2001. – Б. 207

² IX-XVII аср туркмен эдебиятынын шахырлары. Справочник.(Чапа тайярлаян С.Дурдыев). – Ашгабат. 1967. – Б. 11-12

³ Э.Очилов. Донишмандлар тухфаси. – Тошкент: ЎЗБЕКИСТОН, 2009. – Б. 18

⁴ А.Навоий. МАТ. 20 томлик, 17-том. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Фан., 200. – Б. 213

Тасаввуф ва маърифат

келтур ва қоғазки, Абу Солиҳ учун бир нима битайли! Ул ҳозир қилғач, бу рубоийни буюрдиким, битиди:

Хурлар нигоримни кўришга саф тортдилар.

Ризвон таажжубланиб, қарсак чалиб юборди.

У қорахол юзларига парда тортти.

Абдол қўрққанидан “Қуръон”га чангал урди.

Ва Абубакр Муаддабга дедиким, элтиб, Абу Солиҳга боғлади. Филҳол сиҳат топти ва ҳамул кун чиқти”¹. Абусаид Абулхайр сайри сулукда илми камолга етгач, ўз хонақоҳини очади ва муридлар тарбиясига машғул бўлади. Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож каби машҳур тариқат пирларини ўзига устоз санаб, уларнинг анъаналарини давом эттирган Абусаид Абулхайр ўзи ҳам юзлаб шогирд, муносиб халифалар етиштиради. Улар орасида “Абу Али Фарюмадий, “хужжат ул-ислом” Муҳаммад Ғаззолий, Озарбайжонда тўрт юз хонақоҳ қурдирган Абу Наср Ширвоний”² сингари тасаввуф оламида машҳур арбоблар бор. Абусаид Абулхайр буюк олим Абу Али Ибн Сино билан ҳам бир неча бор учрашиб, суҳбатлашгани ҳақидаги хабарлар ҳам бизгача етиб келгандир. Албатта, бу икки буюк истеъдоднинг учрашуви бесамар кечмаган. Уларнинг қалб кўзи очилишида маънавий бир калит бўлгани шубҳасиз. Уларнинг орифона мушоҳадасида ҳам бу яққол намоён бўлади.

Ибн Сино “Ал-ишорат” номли асарининг орифлар мақомига бағишланган бўлимида уларнинг мусиқа тинглашга эҳтиёжи борлигидан сўзлаб: “Ориф риёзатга муҳтож эрур. Риёзат уни уч манзилга етказди. Биринчиси, Ҳаққа яқинлик. Иккинчиси, нафси амморани нафси лаввомага итоат қилдириш. Бунда хаёл ва ваҳм қуввати суфлий оламдан узилиб, қудсий оламга томон йўналади. Учинчиси, уйғониш ва ҳассос ҳолга эришмоқ учун сирни латифлаштириш”³, – дейди.

¹ А.Навоий. МАТ. 20 томлик, 17-том. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: 2001. – Б. 212-213

² Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. –Тошкент: 2004. – Б. 86

³ Маҳкам Маҳмуд таржимаси. Абу Али Ибн Сино “Ат-танбеҳ ва-л-ишорат”

Олимнинг изоҳлаши бўйича биринчи мақсадни бажаришга ҳақиқий зуҳд ёрдамчилик қилади. Иккинчи ғоянинг юзага чиқишини тафаккур ва таҳаммулга асосланган ишонч ва ибодат таъминлайди. Учинчи чегарани эгаллашда эса латиф фикр, руҳоний ишқ ва оҳангга суянилади.

Ибн Синонинг уқтиришича: “...Ориф ва орифлик камолини мусиқадан ажратиб бўлмайди”¹.

Тасаввуфга оид форсийда битилган назарий китоблар ва луғатларда орифга кўплаб таърифлар берилиб, унинг феъл-атвори, ахлоқий-маърифий сифатлари, ҳоли ҳақида турлича фикрлар илгари сурилган:

“Ориф – яъни шуносандаҳ ва касе астқи, ҳазрати илахий ўро ба мартабати шуҳуд зоти ва асмоъи худ расонида бошад. Ва ин моқоме ба тариқи ҳол ва мукошифаҳ бар ў зоҳир гаштах бошад. На ба тариқи мужарради улум ва маърифати ҳол”².

Мазмуни: Ориф – танигувчи киши демакким, Аллоҳ уни ўз зоти ва исмларини мушоҳада этиш мартабасига етказгандир. Яъни, маънавий-руҳий тажриба, илҳом ва мушоҳада йўли билан илоҳий маърифатга эришиб, Аллоҳни кашф этгувчи зот орифдир. Сайри сулук номли узун йўлчиликда инсон махлуқотларнинг гултожи шарафи имтиҳон этилади. Бу синовдан фақат Ҳақни таниш орқали ўтиш мумкин.

Ориф – доно, шуносанда. Воқиф ба дақойиқ ва рамуз, огоҳ. Онқиҳ Худо ўро ба мартабат шуҳуди зот ва асмо ва сифоти худ расонида бошад ва ин мақом ба тариқи ҳол мукошафа бар ў зоҳир шуда бошад на ба мужарради улум ва маърифати ҳол. Фарқи ориф бо ҳаким ва файласуф дар кайфият истидлол ва роҳ идроки ҳақойиқ аст. Ҳаким ба қавиҳ ақл ва истидлол мантиқий пае ба кашфи ҳақойиқ мебарад, ва

китобидан тўққизинчи нигоҳ орифлик (илоҳий маърифат эгаларининг) мартабалари ҳақида \ Бухоро мавжлари, 2016, №4. – Б. 29-30.

¹ Ўша манба. – Б. 29-30.

² Сайид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳти орифон ва муттассавиф. – Техрон. Ҳижр. 1339.

– Б. 283

Тасаввуф ва маърифат

ори́ф аз роҳи риёзат ва таҳзиби нафс ва сафойи ботин ба кашф ва шуҳуд мерасад¹.

Мазмуни: *Ориф – донишманд, танигувчи, англаган, Ҳақ маърифатидан огоҳ. Ориф Аллоҳни ҳақиқий маънода билгувчи киши. Олимга ўхшаб билгувчи маънода келсада, ориф олимдан фарқ қилади. Олим илмий бир таҳсил ва интилиш билан мақсадга етса, ориф маърифатни илҳом ва ҳол орқали қўлга киритади. Оллоҳни кашф ва мушоҳада йўли билан билиш орифнинг хос хусусиятидир.*

Форсигўй мутассавифларнинг ҳам эътирофларига кўра, Маърифат² – инсоннинг ўзини ва Роббини таниш

¹ Муҳаммад Муъйин. Фарҳанги форсий. Жилди 2. Дол – қоф. – Техрон: Муасасаъ интишорат Амири Кабир. Ҳижр. 1382. – Б. 2260

² Абдулкарим Қушайрий(986-1073)нинг айтишича: “Маърифат – уламолар тилида илм маъносида келур. Уларнинг наздида ҳар илм бир маърифатдир, ҳар маърифат эса бир илмдир. Аллоҳ ҳақида олим бўлган ҳар киши ориф ҳамдир. Ҳар ориф ҳам олимдир”. Сўфийлар Ҳақни қалб ва кашф ила англаб таниганларига “маърифат” ҳамда ақл ва идрок ила англаб таниганларига “илм” демишлар. Маърифат – таниш, билиш ва англаш деган тушунчаларни ифодалайди. Унга маъно аҳли томонидан турлича шарҳ ва таърифлар берилгандир: Маърифат – инсоннинг ўзини ва Раббини таниши. “Кашф ул-махжуб” муаллифининг айтишича, фуқаро сингари бошқа кишилар ҳам Аллоҳ ҳақидаги илмга “маърифат” номини берганлар. Тариқат шайхлари эса Аллоҳ ҳақидаги сикхатли ҳолни “маърифат” дея атаганлар. Ва шунга кўра “Маърифат илмдан кўп карра устундир”, деганлар. Имом Ғаззолийнинг таъкидига кўра, “Қалбда маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради. Қалбнинг ҳолати ўзгаргач, аъзоларнинг амаллари ҳам ўзгаради. Яъни амал ҳолга, ҳол илмга, илм эса тафаккурга боғлиқ бўлиб қолади”. Тавҳид поғонасига тездагина етса бўлади, аммо маърифат поғонасига етиш қийин. Бир дарвешнинг оёғига тикан қадалса, уни қаердан эканлигини билмоқ керак”. Маърифат – ақлу дониш, амалий билим, таниш, фаҳм, тасаввуфга хос илм; ҳол сирлари ва илоҳий ҳақиқатларга тегишли илм-ирфон. Ибн Ато айтади: “Маърифат икки қисмдан иборат. Бири – Ҳақ маърифати, иккинчиси эса ҳақиқат маърифатидир”. Шиблийга кўра “Маърифат ҳайратнинг давомидир”. Хужвирийнинг эътироф этишича: “Маърифатнинг ҳақиқати орифнинг қалбида пайдо бўлади. Маърифат – қалбнинг ҳаёти(тириклик манбаи) бўлиб, ҳар бир кишининг қадру қиммати унинг маърифати билан фарқланади. Маърифатсиз кўнгил нурланмайди ва илоҳий асрорни кашф эта олмайди. Бундай қалб файзсиз бўлгани боис Тангри олдида қадр тополмайди”. Баъзилар айтадиларки: “Маърифат – зуҳду тақво, сайру сулук, шариат ва тариқат талаб этган амалларни ўташ асосида англашилган ҳақиқат илмидир”. “Рисолаи Қушайрий”да келтирилишича, “Маърифат – ориф учун бир қўзғудир. Унга боққан замон Мавлосининг жамолини кўргай”. Қаранг: Abdul Kerim Kuseyri. Kuseyri risolasi. Hozirlayan: Suleyman Uludag. – Aralik: Dergah Yayinlari. 1991. –Б.489-490; Ibn Arabi. Marifet kitabi. Tercume: Ercan Alkan, Osmon Sacid Ari.Islam klasirleri dizisi. – Istanbul.

салоҳиятидир. Яъни, улар маърифат бир нур¹ бўлиб, имон аҳли шу маърифат нурлари орқали Яратганга яқинлашадилар ҳамда абадий саодатга эришадилар, – деган фикр-қараш билан умр кечирганлар. Чунончи, Орифибиллоҳ – Шайх Маҳмуд Шабустарий бу ҳақда шундай дейди:

ز هر جزی که دید, اول خدا دید²

دلۍ کز معرفت نورو سفا دید

Диле, к-аз маърифат нуру сафо дид,

Зи ҳар чизе, ки дид, аввал Худо дид.

Мазмуни: Агар кимнингдир кўнгил кўзи маърифат нурлари ила мунавварлашган бўлса, у албатта, ҳар бир нарсда Худони кўради.

Маърифатни маъно аҳли “ирфон” деб аташган ва уни Аллоҳнинг эҳсони санаб, илмга нисбатан имтиёзи юқори деб билишган. “Маърифат” калимаси билиш, билиб олиш, таниш, қайтадан таниш ва билим маъноларида ҳам ишлатилади. “Ирфон” сўзи умумий маънода зоҳирий илмдан фарқли ўлароқ, бирор нарсани аниқ ва ҳар томонлама мукамал билишни англатади³. Бундай билим кашф ва илҳом⁴га

2008. –Б.48,140,143,197,198,276,286; Сайид Жаъфар Сажжодий.. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. –Техрон: ҳижр.1339. –Б.374-379; Алишер Навоий ТАТ, ўн жилдлик, ўнинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011. –Б.647-648; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. –Б.227

¹ Нур – ёритувчи, ойдинлаштирувчи қувват. Ан- Нур Асмойи Ҳуснадан бири. Аллоҳнинг зоҳир исми билан тажаллисига нур дейилган. Коинотдаги суратларда ўртага чиқадиган вужуд. Шунингдек, яширин бирор нарсанинг илми ладуний ила юзага чиқиши ва қалбдан мосивони ҳайдайдиган илоҳий воридотга ҳам нур дейилган. Сўфий Шайхларга кўра, Нурдан мурод – илоҳий нурлар мажмуасига айланган ёхуд Ҳақ тажаллиси ила порлаган орифларнинг қалб кўзгусидир. Ва яна уларнинг фикрича, барча мавжудотлар Ҳақ жамолидан таралган нурларнинг акси ёки соясидир. Қаранг: Сайид Жаъфар Сажжодий. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. –Техрон: ҳижр.1339. –Б.404; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004.

–Б.231

²Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 13

³Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 10-11

⁴Кашф – ҳис ва ақл билан идрок этиш мумкин бўлмаган ҳақиқатларни қалб кўзи ила кўриш; парда ортидаги ғайбий хусусиятлар ва ҳақиқий нарсаларни кўриб,

Тасаввуф ва маърифат

таянишини назарда тутадиган бўлсак, тасаввуфнинг амалий босқичи саналган тариқатдан мақсад маърифат эканлиги аёнлашади¹. Мана шу маърифатнинг маъно-моҳиятини англамасдан, тариқатлар мақсад маслагини билиш имконсиздир. Чунки илмдан фарқли ўлароқ маърифат Ҳақ йўлчисининг қалбига ворид бўлувчи илҳом – илми ладун билан боғлиқ.

Имом Ғаззолийга кўра, соғлом қалб тўхтовсиз равишда зикруллоҳ ва маърифатуллоҳдан завқ олади. Чунки маърифат соҳилсиз, тубсиз бир денгиз бўлиб, у ҳикмат озуғидир. Хужжат ул-ислом мазкур мавзу ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини давом эттириб: “Одам ботиний кўзи очилмагунча, то маърифат ҳосил қилмагунча Ҳақ жамолини кўролмас. Ҳақ таоло жамолини мушоҳада қилолмас. Бас, маърифати илоҳийнинг калиди Ҳақ таолонинг ажойиб яратиш ва ғаройиб қудратларини мушоҳада қилмоқдур... Ва дилни ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг жамоли бокамолин мушоҳада қилмоқ учун халқ қилибдур... Ва дилнинг ғизоси(озиғи) Ҳақ таолонинг маърифати ва муҳаббатидур², – дейди.

уларни ҳис қилиб, улар сиридан воқиф бўлмоқлик; илҳом ва Аллоҳдан келган илм. Валилар кашф соҳибларидир. Тасаввуфда: кашфи назарий, кашфи нурий, кашфи илоҳий, кашфи маънавий, кашфи мужаррад, кашфи мухайял, кашфи хавотир, кашфи замойир, кашфи аҳволи қубур ва кашфи аҳволи қулуб каби тушунчалар мавжуд. Илҳом – илоҳий файз йўли билан қалбда пайдо бўладиган маъно ёки ҳақиқатлар. “Kuseyri risolasi”да келтирилишича, Шайх Нурий: “Муҳаббат пардаларини йиртмоқ, сирларни кашф этмоқдир”, деган экан. Қаранг: Abdul Kerim Kuseyri. Kuseyri risolasi. – Aralik: 1991. – Б. 22-25, 199-203, 502-523; Ibn Arabi. Marifet kitabi. Tercume: Ercan Alkan, Osmon Sacid Ari. – Istanbul: Islam klasirleri dizisi, 2008. – Б. 181,189; Сайид Жаъфар Сажжодий. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. – Техрон: ҳижр.1339. – Б. 327-328; Алишер Навоий ТАТ, ўн жилдлик, ўнинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011. – Б. 64; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 223-225

¹Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат – Тошкент: 2006, – Б. 37-47. Яна буҳақда қаранг: Эшонқулов Ҳ.П., Боғиев Н.Н. Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида ориф образи \ Бухоро давлат университети илмий ахбороти. 2014, №1, – Б. 56

²Муҳаббат – севги, меҳр, яқинлик ва садоқат ҳисси. Ишқнинг мартабаларидан бири, яъни ёмон одат ва феъллардан покланиб, яхши ҳамда гўзал хулқлар ила севгилига яқинлашмоқ, унга лойиқлик. Муҳаббат “ҳибба” ўзагидан яралган сўз бўлиб, “устига тупроқ тортилган уруғ” маъносини англатади. Ҳаётнинг асли ва

Туркий тилдаги асос манбалардан бири “Насойим” форсийгўй шоирлар ҳақида қимматли маълумотлар берувчи тазкирадир. Асарда юзлаб машҳур форсий забон сўфийлар номлари тилга олинар экан, уларнинг ориф, абдол, сўфий, дарвиш ва фақр ҳақидаги маънавий камоли, ҳол ва мақомлари ҳақидаги муҳим фикрлари ҳам эътибордан четда қолдирилмаган. Энг аҳамиятлиси эса тазкирада зикр этилган ҳар бир валий миллатнинг бетакрор ориф зотларидир.

Чунончи, Музаффар Кирмоншоҳий Қирмисий ориф ҳақида фикр юритиб, “Ориф – қалбини Мавлосига, жасадини халқига бағишлаган кишидир,”¹- деган бўлса, Холий Нисобурий “Ориф улдурки, ҳар не еткургайлар тоза, ул муридлариға еткургай тоза”²,- деган экан. Ва яна “Орифлар кимлардур?,”- дея сўралганда, Жаъфар Хулдий “Алар эмасдурлар алар ва агар алар алардурлар, эмасдурлар алар”,- деб жавоб берган бўлса³, Фаридун Қўнявий Маъруф би-Заркуб “Ориф улдурки, сенинг сиррингдин сўз айтқай ва сен хомуш бўлғайсен..,”- дея жавоб қилган экан⁴. Шайх Рўзбеҳон Абу Наср Бақлий эса орифлар маънавий камолининг нечоғли юксак даражага етиши уларнинг кўнгул кўзлари қанчалик равшан кўра олишига боғлиқ бўлишидан бизни хабардор этиб, “Орифлар самоъи мажмуида кўнгуллар тарҳи учун уч

асоси ана шу уруғда бўлганидек, диний, маънавий руҳоний ҳаётнинг уруғи, илдизи-ю дарахти ҳам муҳаббатдир. Дил муҳаббатнинг тахтидир. Тахтнинг ҳақиқий эгаси ташриф буюргач, тану жон эгаси ундан айрилади. Шунинг учун ҳам муҳаббат дардига чалинганларни “қалбини бой берган дилсизлардир”, деганлар. Бироқ муҳаббат васлига мушарраф этгучи вусул шаробидан тотмаган киши ғофил бўлганлиги туфайли ушбу олий ҳиммат ва неъматнинг қадр моҳиятига етмас. Чунончи, Боббо Тоҳир айтади:

*Дар дили беҳабарон жуз ғами олам ғам нист,
Ваз ғами ишқи ту моро хабар аз олам нист.*

Қаранг: Ibn Arabi. Marifet kitabi. – Istanbul: Islam klasirleri dizisi, 2008. – Б. 184,275; Сайид Жаъфар Сажжодий. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. – Техрон: ҳижр.1339. – Б. 352-357; Алишер Навоий ТАТ, ўн жилдлик, ўнинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011. – Б. 647-648; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 230

¹ А.Навоий. МАТ 20 томлик, 17-том. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Фан, 2001. – Б. 54

² Ўша манба. – Б. 200

³ Ўша манба. – Б. 158

⁴ Ўша манба. – Б. 333

Тасаввуф ва маърифат

нимага муҳтождурлар: равойиҳи таййиба (тавба латофати ва хушбўйлиги) ва важҳи сабиҳ (сабаб ёки йўл гўзаллиги) ва савти малиҳ (ҳол ва кайфият чиройи). Ва машойихдан бу қавлдин ижтиноб буюрубдурлар. Невчунким, бу иш бир орифга мусалламдурки, кўнгли поклиги камолга етмиш бўлғай ва кўзи Ҳақ субҳону таолодан ғайрини кўрмакдин ёпилмиш бўлғай”¹, - дея таъкидлаган. Ориф комил инсондир. Камолот орзуси эса ҳамиша инсониятга олий мақсад, буюк маслакка айланган. Шу тариқа покланишнинг усул-у арконларини илоҳий манбаларга таяниб яратишган. Яъни орифлик улуг бир мартаба саналган. Ва бу даража ҳақида баҳс этмаган ирфоний манба ҳамда валий шахс йўқдир.

Ибн Синонинг фикрича, “Ориф охират завқи ва мукофоти учун эмас, “валилик ишоратларини англамоқ учун” Аллоҳга юз бургандир². “Ат-танбеҳ ва-л-ишорат” номли асарининг тўққизинчи нигоҳи – орифлар мартабалари ҳақида бағишланган бўлимида у яна қуйидаги фикрларни баён этган: “Ўз танасини руҳнинг қафаси деб ўйлайдиган ва аста-секин бу қафасни ёриб чиқиб, озод руҳ бўлиб, илоҳиёт оламида яшашни орзу қиладиган инсонлар – орифлардир. Унинг ҳам бир қанча даража, мартабалари бор. Орифлар ана шу ҳис-туйғуларини бошқаларга ошкор қилмай пинҳон сақлайди. Агар бошқалар илоҳий оламдан беҳабар бўлса, орифларни қоралайди, кофирга чиқаради, хабардорлар эса орифларга таҳсин айтади”³.

Илоҳий қудратнинг муқаддаслиги ҳақида доимо фикр юритиб, илоҳий сир-асрор ҳақиқатининг нури билан руҳини мунаввар этишга саъй-ҳаракат қилган одам – орифдир. Орифликда охират неъматларини орзу этиб, бу дунё неъматларидан воз кечиш, фақат шу мақсадни кўзлаб тоатибодат қилиш адашиш ҳисобланади. Чин ориф шунинг учун

¹ Ўша манба. – Б. 179-180

² Иброҳим Ҳаққул. Сўздаги ўзлик. – Тошкент: Баёз, 2013. – Б. 29

³ Маҳкам Маҳмуд таржимаси. Абу Али Ибн Сино “Ат-танбеҳ ва-л-ишорат” китобидан тўққизинчи нигоҳ орифлик (илоҳий маърифат эгаларининг) мартабалари ҳақида \\\ Бухоро мавжлари, 2016, №4. – Б. 29-30

ҳам бу дунёда илоҳий ҳақиқат нурига етишув йўлида риёдан, ёлғондан, шон-шуҳратдан воз кечади. У доим шу йўлда машқ қилгани учун илоҳий ҳақиқат нури унинг кўзини қамаштирмайди. Ориф бирор илоҳий сирни истаса, ўзини қийнамаган ҳолда нур манбаини шу қоронғуликка қаратади. Шу сифати билан у илоҳий валийят – авлиёлик йўлига киради. Орифликнинг биринчи босқичи – қуйи мартабаси муридлик, шогирдликдир. Муридлар дарвешона ҳаёт кечиради, ўзларининг айтишича, Ҳақ ва ҳақиқатнинг ошиғи бўлишади. Улар бу дунё ташвишларига парвосиз, руҳи ором топган, сабр-қаноатли, дину эътиқодига садоқатли бўлиб камолга етади. Муридлар уч амални машқ қилиб, имон қувватини оширадилар: 1) ҳақиқатга зид келувчи барча қоидаларни (бидъат, ёлғон, ғийбат ва бошқаларни) рад этадилар. 2) ҳаяжонли истак, майл, ҳавасларга берилмаслик учун осий (туғёнли) руҳини (ўзидаги) вофий (вафоли) таянч – хотиржам руҳга бўйсундирадилар, шунда уларнинг тафаккур қувватлари бад ўйлардан фориғланиб, чин инсонга хос, юксак, илоҳий мушоҳадалар билан машғул бўлади. 3) муқаддас илоҳий сирларни кашф этиш.

Булардан ангашиладики, орифлар риёзатга муҳтож эрурлар. Риёзат уларни уч манзилга етказади. Биринчиси, Ҳаққа яқинлик. Иккинчиси, нафси амморани нафси лаввомага итоат қилдириш. Бунда хаёл ва ваҳм қуввати суфлий оламдан узилиб, қудсий оламга томон йўналади. Учинчиси, уйғониш ва ҳассос ҳолга эришмоқ учун сирни латифлаштириш. Бироқ, Ибн Синонинг билдиришича, орифлар наздида руҳни поклаб, зуҳд-у тоат билан ҳалол яшашга интилиш – фаоллик, нафсга итоат қилиш – ожизликдир. Ҳақиқатга ўхшаб кўринган лаззат, майл-истак, орзу-ҳавасларга берилиш залолат янглишувдир. Жон дили билан ҳақиқатга содиқлик нажот йўлидир. Орифлик таълими, чин маърифат, воз кечиш, ажралиш, тийилиш, узоқлашишга асосланади. Шулардан кейин солиқ Ҳақнинг феъли ва сифотларини танишни ўрганади. Орифлик

Тасаввуф ва маърифат

маърифати Ҳақ даргоҳига, ҳақиқатга етишиш билан яқунланади.

Ибн Сино ушбу бўлимда орифнинг табиати ва фазилати ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган. Унинг эътироф этишича, ориф табиатан камтарин, очиқ юзли, хушмуомала, кичикка иззат, каттага ҳурмат кўрсатиб, нотаниш одамга ҳам, машҳур одамга ҳам бир хилда муомала қилувчи инсондир. У ҳақиқатга етиш йўлида бахтиёр, очиқ юзли, у одам танламайди, шунинг учун ўзини ҳаммага тенг кўради. Унинг назарида бойлик, мол дунё учун елиб югураётганлар ҳам меҳр-шавқатга сазовор. Ориф ғийбатлардан юз ўгиради, тубан ишларни кўрганда ҳам, ёмонлик қилганлардан ҳам жаҳли чиқмайди, ачинади. Чунки у бу одамларнинг охиратда ожиз, бахтсиз бўлиб қолишларини билади. Хайр-эҳсон қилса, бировга билдирмайди. Хато қилганга дашном бермайди, аксинча, ундан дўстона маслаҳатини аямайди. У ёмон одамларга ҳам яхшилик билан жавоб қайтаради. Саналган бу фазилат-у хусусиятлар мусулмон оламида қадриятлар, урф-одатларга айланиб, одамзоднинг қалбига, шунингдек, ҳаёт тарзига сингиб кетган.

“Ишорат” асарида ёзилишича: “Ориф сирли ёхуд ғайбий бир нарсадан сўз очса, борлиқда – табиат олами бағрида шу нарса ва ҳодисанинг изоҳи, албатта, рўй бера бошлайди¹. Ибн Сино мутасаввифлардан фарқли ўлароқ, инсоннинг маънавий мақомларга юксалиши, яъни маърифат касб этишини ақл ва ибодат асосида амалга ошишини таъкидлайди. Унинг фикрича, борлиқнинг сири ва шу сирга оид ҳақиқат нурларини кашф этган ва шу мақсадда тушунчасини жабарут оламига қаратган кишига ориф дейилади. Улуғ олим ориф фақат Ҳақ билан машғул бўлишини, бошқа бирор нарса унинг диққатини Ҳақдан четлаштиролмаслигини айтади.

¹Hayrani Altintas. Ibn-i Sina dusuncesinde tasavvufi kavram olarak arif va irfan. Uluslararası Ibn Turk, Harezmi, Farabi, Beruni, ve Ibn Sina Sempozyumu bildirileri. (Ankara, 9-12 eylul 1985). – Ankara: 1990. – Б. 115

Ибн Сино орифнинг яна бир фазилатига алоҳида урғу беради. Бу – орифдаги жасурлик¹. Чунки ориф Ҳаққа кўнгил берганлиги боис ёмон бир туйғуга асир бўлмас, ҳеч бир ёмон туйғуни ўзига яқин йўлатмас².

Форс-тожик адабиёти пешволари орифларни “ишқ” деб аталмиш миллат вакиллари бўлиб, улар дини, мазҳаби, миллати, ирқидан қатъий назар барча-барчага, бутун олам аҳлига, махлуқот-у мавжудотга бирдай юксак эътибор ва эъзоз билан муносабатда бўлувчилардир деб билганлар. Мавлоно Балхийнинг мазкур сатрларида ушбу қарашлар ўз ифодасини топган:

عاشقانرا ملت و مزحبا خداست³

ملتى عشق ز ملتها جوداست

*Миллати ишқ зи миллатҳо жудосит,
Ошиқонро миллат ва мазҳаб худосит.*

Мазмуни: миллатчиликдек балодан қутулганлар – асл ҳақиқатни (олам аҳлини ягона Аллоҳнинг бандалари эканини) аллақачон уққан чин ошиқлар эрурлар.

Мавлоно Румий ҳам бу масалада шунга ўхшаш фикрда бўлган. Йўқса:

*“Чи тадбир эй мусулмонон ки ман худро намедонам,
На тарсою, яҳудиям, на габрам, на мусулмонам.
..На аз Ҳиндам, на аз Чинам, на аз Булғору Сапқинам,
На аз мулки Ироқиям, на аз хоки Хуросонам”...*

*Мазмуни: На ҳолдир, эй мусулмонлар, ки ман ўзни
билолмасман.*

На тарсо-ю яҳудийман, на габр-у на мусулмонман.

..На Ҳиндистон, на Чинданман, на булғорлик, на славян.

¹ Дилдора Муродова. Ориф образи ҳақида мулоҳазалар //Ўзбек тили ва адабиёти. 2003, №2, – Б. 76-78

² Hayrani Altintas. Ibn-i Sina dusuncesinde tasavvufi kavram olarak arif va irfan. Uluslararası Ibn Türk, Harezmi, Farabi, Beruni, ve Ibn Sina Sempozyumu bildirileri. (Ankara, 9-12 eylul 1985). – Ankara: 1990. – Б. 115

³ Доктр Абдулҳаким Табибий. Сайри тасаввуф дар Афғонистон . – Қобул: Мезон, 1997. – Б. 26

Тасаввуф ва маърифат

*На Ироқдан-у на Хуросон мулкидан келдим,- демаган бўлур эди*¹.

Мавлононинг билдиришича, Орифлар маъно олами ва ҳақиқатлар уммонига сайр этувчилар бўлганлиги сабабли уларга тил бир нуқсонли нарса бўлиб туюлган, улар сўзлашдан кўра сукутни мақбул ва афзал кўришган. Мана шунинг учун ҳам ориф офати лисондан тамоман халосдир. Чунки, орифлар ҳикматнинг боши сукутда деб билишган ва шунга ҳар дам амал қила олишган. Румийнинг машҳур “Маснавий”сида бу мавзуга махсус боб ажратилган. Бу тўғрида Аҳмад Афлокийнинг “Маноқиб ул-орифин” асарида ҳам қимматли маълумотлар берилган.

Форс-тожик адабиётининг яна бир етук шоири Маҳмуд Шабустарий – мусулмон халқлари маънавий оламини юксалишида муносиб ҳисса қўшган Шарқнинг улуғ мутафаккирларидан саналади. У 687 ҳижрий – милодий 1289 йилда Табриз яқинидаги Шабустар кентида туғилган. Унинг тўлиқ номи Шайх Саъдуддин Маҳмуд бин Аминиддин Абдулкарим бин Яҳё Шабустарийдир. Хайёмпурнинг “Фарҳанги суханварон” номли китобида қайд этилишича, йигирмадан ортиқ илмий ва адабий манбаларда Шабустарийнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар баён этилган².

Маҳмуднинг ёшлигиданоқ шеър, адабиёт, айниқса, тасаввуфга меҳри ва иштиёқи жуда баланд бўлган. У бошланғич маълумотни туғилган маскани Шабустарда олган. Кейинчалик, ўша даврнинг машҳур мутасаввиф олимлари Баҳоаддин Ёқуб Табризий, Ҳофиз Ҳусайин Карбалоийларнинг қўлида тарбия топган. Унинг “Гулшани роз” асарида бу ҳақда шундай байтлар бор:

¹ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2009. – Б. 293

² Бу ҳақда қаранг: Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 7; Латипов Ҳ. Маҳмуд Шабустарий ва унинг “Гулшани роз” асари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. №4, – Б. 57-60; Шабустарий М. Гулшани роз. – Тошкент: Тамаддун, 2013. – Б. 4-5

شیخ و استاد من امن الدین دادی الحق خوابهای جنن
من ندیدم دگر جنان استاد کافرین بر روانی پاکش باد¹

*Шайх ва устоди ман Аминиддин,
Доди ул-ҳақ жавобҳои чунин.
Ман надидам дигар чунон устод,
Ки офарин бар равони покаш бод.*

Мазмуни: Менинг шайх ва устозим Аминиддин. У менга азал сирларидан кўп сабоқлар берди. Унинг покиза тариқат йўлига офарин.

Шабустарийнинг эътироф этишича, илму маърифатини бойитиш учун у Шарқнинг бир қанча ўлка ва шаҳарларини кезган:

صرف کردم به دانش توحد
کردم ای دوست رزو شب تک تاز
ده ده و شهر شهر می گشتم
بسکه دیدم به هر نواحی من
کردم آنکه مصنفاتی عجب
هیچ نکوزاشتم ز بیش و ز کم
دل من هم نمی کرقت آرام

مداتی من ز عمر خوش مدد
سفرها به مصر و شام حجاز
صال و مه همجو دهر می گشتم
علما و مشایخ این فن
جمع کردم بسی کلام غریب
از فتوحات و از فصوص حکم
بعد از آن سعی جد و جهد تمام

*Муддати ман зи умри хойиш мадид,
Сарф кардам ба дониши тавҳид.
Дар сафарҳо ба Мисру Шому Ҳижоз,
Кардам, ай дўст, рӯзу шаб тику тоз.
Солу маҳ ҳам чу даҳр мегоштам,
Дех-деҳу шаҳр-шаҳр мегоштам...
Уламо ва машойихи ин фан,
Баски дидам ба ҳар навоҳи ман.
Ҷамъ кардам баса каломи ғариб,
Кардам онки мусанаффоти ажиб
Аз футуҳот аз фусуси ҳикам,
Ҳеч нагузоштам зи пеш ва зи кам.*

¹Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 3

²Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 2

*Бад аз он саъй жидду жаҳд тамом
Дили ман ҳам намегирифт ором.*

Мазмуни: Мен умрни ўткинчи орзу-ҳавас майлларига эмас, тавҳид илми сирларини англашга сарфладим. Эй дўст, Миср, Шом, Ҳижозга сафар айлаб, тун-у кун елиб югурдим. Ойлаб, йиллаб дунё кезардим. Қишлоқма қишлоқ, шаҳарма-шаҳар юрардим... Жуда кўп машойихлар, уламолар билан учрашдим. Уларнинг пурмаъно суҳбатлари, ҳикматли сўзларини тинглаб, илоҳий илм асрорини қалбимда жамладим. Ва ниҳоят, ўзим ҳам булар ҳақида асарлар ёзишга киришдим. Фикрларим баёнида маърифат пешволарининг берган сабоқлари ва ҳар бир масалага оид билдирган муносабат-у мулоҳазаларидан бекам-у кўст фойдаланишга ҳаракат қилдим. Бу хайрли мақсадга шу қадар жидду жаҳд билан киришдимки, натижада иш якунига қадар тан-у жоним бир лаҳза ором олмас, юрагим эса қарор топмас эди.

Шабустарий "Гулшани роз"дан аввал "Ҳаққул-яқин" ("Ишончли ҳақиқат"), "Рисолаи шоҳид" ("Шоҳид ҳақида рисоалар"), "Миръот ул-муҳаққиқин" ("Орифлар кўзгуси") ва "Минҳож ул-обидин" ("Тақводорлар йўли") каби асарларни ёзган. Лекин унинг номини дунёга машҳур қилган китоб "Гулшани роз" бўлган¹.

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий бу ҳақда "Насойим ул-муҳаббат"да шундай дейди:

"... Яна "Шоҳид"дурки, ул ҳам ишорат аҳли тили билан маориф баён қилибдур, ул дағи таърифдин мустағнийдур. ..Яна "Гулшани роз"дурким, ҳам зоҳир аҳлининг рангину пуркор маснавийлари ва ҳам ҳақиқат аҳлининг ширину файзосор сўзларида андин равонроқ ва пурчошнийроқ ва шўрангизроқ ва шавқомизроқ назм айтса бўлғайки, йўқдур²!

¹Бу ҳақда қаранг: Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 6; Латипов Ҳ. Маҳмуд Шабустарий ва унинг "Гулшани роз" асари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. №4, – Б. 57-58; Şebusteri.Gulsen-i raz. – Istanbul: Sark-Islam Klasiklari,1989. – Б. 4

² Бу ҳақда қаранг: . Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. МАТ, 17-жилд. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.

Дарҳақиқат, "Гулшани роз" фақат тасаввуф аҳлининг эмас, балки сўфийлик ва ирфон сир-асрори билан қизиққан, деярли, барча табақадаги ўқувчилар эътиборини жалб эта олган бетакрор асардир. Шабустарийнинг ҳаёти ва адабий меросини тадқиқ этган олим – Орифи Сайёр келтирган маълумотларга кўра, Соҳибқирон Амир Темур Мавлоно Жалолиддин Румийнинг "Маснавий"си билан бир қаторда "Гулшани роз"ни ҳам иштиёқ билан мутолаа қилгани, айниқса, бу асардан беҳад завқ олгани ва унинг шарофатидан Озарбайжонга қўшин тортганида, Маҳмуд Шабустарийнинг ватани бўлгани учун ҳам Шабустар кентини четлаб ўтганини айтади¹.

Темурийзодалардан Абул Қосим Бобур ҳам ушбу асарга ошуфта бўлганлигини Алишер Навоий "Тасаввуф рисолаларидин "Ламаъот" била "Гулшани роз"ға кўп машуф эрди"², - дея таъкидлайди.

"Гулшани роз"да илгари сурилган ирфоний ғоялар остида бир қанча нодир китоблар яратилган. Асарни турк

466-467; Латипов Ҳ. Маҳмуд Шабустарий ва унинг "Гулшани роз" асари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. №4, – Б. 57-58.

¹ Бу ҳақда қаранг: "... Дар он мавқеъ ду китоброки хар ду ба забони форсий навишта шуда аст хавондам, яки "Маснавий" толиф Жалолиддин Румий ва дигари "Гулшани роз" толиф Шайх Маҳмуд Шабустарий. Хар ду китоб шеър аст, ва ман аз ҳавондани китоби "Маснавий" сахт мутнафар шудам, ва билъакс, аз хавондани китоби "Гулшани роз" лазат бурдам... Ман ба қадри ҳавондани "Гулшани роз" лазат бурдамки, баъд аз инки Озарбайжонро ба хун ва оташ кашидан аз қатли ом сакнаи шабустар худадорий кардам, зеро сароянда "Гулшани роз" шабустарий буд. Рўзики ман ба Шабустар расидам, мардум азбими жон гирехта буданд. .. Китоби ў ба исми "Гулшани роз" хайли чизҳо омухтам ва Шайх Маҳмуд Шабустарий дар он китоб маро бо асрори азалий ва ибдио ошно кард".

Мазмуни: Форс тожик тилда ёзилган ҳар икки китоб: бири, Жалолиддин Румийнинг "Маснавий"си ва иккинчиси, Шайх Маҳмуд Шабустарийнинг "Гулшани роз" асарларини ўқиш бахтига муяссар бўлдим. Айниқса, Шабустарийнинг "Гулшани роз" асарини ўқиб лаззатландим. Мен Озарбайжонга лашкар тортганимда, Шабустар аҳлини қатли ом қилишдан воз кечдим. Чунки, Шабустар "Гулшани роз" муаллифининг ватани эди. ... "Гулшани роз" дан мен анча нарсаларни билиб олдим. Ва Шайх Маҳмуд Шабустарий ўз китоби билан мени азал ва ибтидо сирларидан хабардор айлади. Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952.

– Б.25

² Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ 13-том. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 277

Тасаввуф ва маърифат

тилига ўгирган олим Абдулбоқий Гулпинорлининг айтишича, Имади Фақийнинг “Мисбаҳ ул-ҳидойё”, Иброҳим Теннурийнинг “Гулзорнома”си шундай китоблардандир. “Гулшани роз” нафақат шарқ олимлари, балки ғарб олимлари эътиборини ҳам ўзига қарата олган асар бўлиб, у араб, турк, урду тилларига таржима қилиниши билан бир қаторда инглиз, олмон ва рус тилларига ҳам ўгирилган¹.

Шабустарийнинг ушбу манзумаси ҳажман кичик бўлса ҳам, моҳият эътибори билан теран асардир. У ҳижрий 717, милодий 1319 йилда, Амир Хусайн Табризийнинг талаби билан Амир Хусайн Ҳиравийнинг саволларига жавоб тарзида яратилган. Ўшанда шоир чамаси 30 ёшларда бўлиб, илму ирфонни мукаммал эгаллаган ва юксак маънавий мақомларга эришганди. Буни муаллифнинг:

ز هجرت ناکهان در ماه ساوال²

کزشته هفت و ده از هفتصد سال

*“Гузашта ҳафт ва даҳ аз ҳафтсад сол,
Зи ҳижрат ногаҳон дар моҳ савол.*

Яъни, ҳижрий 717 йилда, кутилмаганда, менга савол йўлладилар”,-сўзларидан ҳам англаса бўлади.

Хусайн Ҳиравий йўллаган саволлар анча вақтлардан буён баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган ориф, маъруф, Аналҳақ, ваҳдат, касрат, сайру сулук, шароб, шамъ, кўз, лаб, зулф, хат, хол, куфр, бут, бутпараст, зуннор, тарсо, тарсобача, харобот каби ирфоний тушунча ва истилоҳлар мазмун-моҳиятига қаратилган бўлиб, булар Шабустарийни орифнинг маънавий-руҳий камоли – ҳоли ва орифлик мақоми ҳақида чуқур мулоҳазалар юритишга ундаган эди. Муаллиф “Гулшани роз”да орифлик мақоми ва ҳоли ҳақида

¹Бу ҳақда қаранг: Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 19-20; Латипов Ҳ. Маҳмуд Шабустарий ва унинг “Гулшани роз” асари ҳақида. //Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. №4, – Б.57-58; Şebusteri. Gulsen-i raz. – Istanbul: Sark-Islam Klasiklari, 1989. – Б.4; Шабустарий М. Гулшани роз. – Тошкент: Тамаддун, 2013. – Б.4-5

²Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б.6

сўз юритар экан ўзидан олдин яшаб ўтган ҳамда ўз замондошлари бўлган машҳур мутассавиф-алломаларнинг фикр-мулоҳазаларини эътибордан четда қолдирмайди. Билъакс, уларга таяниб фикр юритади.

Чунончи, Жунайд (Бағдодий) дейдики, орифликнинг боши барча илмларни Аллоҳдан деб билишдир, киши “ўзи эгаллаган илмларни ҳам Ҳақ камолининг ифодаси одам илмини эса нисбий, нуқсонли ва Аллоҳ илмига нисбатан тўлишиб борадиган” дея ҳисоблашдан бошланади¹. Бу ҳақда “Гулшани роз”да қуйидаги сатрлар бор:

دگر باره در آن کر نیست تا بند هر آنکه که باشد محصن تقلید
هر ان کس را که انزد راه ننمود ز استعمال منتق هیچ نکشود²

*Дигарбора дар ў гар нест таъйид,
Ҳар оина, ки бошад маҳзи тақлид...
..Ҳар он касро, ки Эсад роҳ нанмуд,
Зи истеъмоли мантиқ ҳеч нақшуд.*

Мазмуни: Агар Аллоҳдан бир мадад бўлмаса, зоҳирий тартиб-қоидаларга зўр бериб амал қилсанг ҳам, кўнглингда ҳеч бир моҳият касб этолмайсан. Яъни, Яратгanning ўзи қалбингга назар солмас экан, зоҳир илми билан маърифатга асло эришолмайсан.

Шабустарий илм ва унинг хусусиятлари ҳақида мулоҳазасини баён қиларкан, илмнинг бир бутунликдаги умумий кўриниши (қол илми + ҳол илми) – маърифат (ирфон илми)ни данакка қиёс этса, алоҳида хусусий кўриниши жиҳатдан қол илмини – “данакнинг пўсти”, ҳол илмини – “данакнинг мағзи” деб атайди. Шу билан бирга уларнинг умумийлик ва хусусийлиги, ўхшаш ва зид томонлари, афзаллик даражаларини мумкин қадар мукамал тавсифлашга ҳаракат қилади. Чунончи, шоир айтади:

¹ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – Б.279 -280

² Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б.61-62

ننابد مغزهر كو بوست نشكست	ز جوزش قشر سبز افتاده در دست
به نسبت با علوم قال با حال	از آن جا بازدان احوال اعمال
كه صورت دارد الا نسبت معنا	نه علم است ا آنكه دارد ملل دوننا
ملك خواهی, ساك از خود دور انداز ¹	نكردد جمع هرگز علم با آز

*Зи чавзаш қишри сабз афтода дар даст,
Наёбад мағз ҳар к-ӯ, нўст нашкаст.
Аз ин ҷо боздон, аҳволи аъмол,
Ба нисбат бо улуми қол бо ҳол.
На илм аст он ки дорад майли дунё,
Ки сурат дорад, аммо нест маъно.
Нагардад ҷамъ ҳаргиз илм бо оз,
Малак хоҳӣ, саг аз худ дур андоз.*

Мазмуни: Данақнинг нўстини синдириб мағзни олмагунча мақсад ҳосил бўлмаганидек, илмларни эгалламагунча ирфон илми асрорини англай олмайсан. Яъни, орифлар мақомига эришиб, гўзал Ҳурлиқо (Аллоҳ) жамолини қалб оинасида кўрмоқ истасанг, маърифат нурлари ила маънавий-руҳий оламингни мунаввар қил. “Нафс” деб аталмиш итти қўнғил хонасидан ҳайда. Унинг майллари қутқуси ва таъмасидан буткул қутилгин.

Шабустарийнинг наздида бутун олам – Аллоҳ нурининг зухурланиши эрур. Ҳақнинг кўринмаслиги шу нурда яширин эканлигидадир. Яъни Аллоҳ ўзини борлиққа тажассум этган. Оламнинг сир-ру асрори, илм-у ҳикмати, хислат ва хусусиятлари, қонуниятлари Унинг таззаҳуридир. Шоир айтади:

كجا او كردد از عالم هویدا؟	حمه عالم به نور اوست بیدا
ندانستی کسی کاین بر تو اوست	نبودی هیچ فرق از مغز تا بوست
حق اندروی بیدأست بنهان ²	جهان جومله فروغ نور حق دان

*Ҳама олам ба нури ўсит пайдо,
Гужо ў гардад аз олам ҳувайдо.
Надонстӣ касе к-ин партави ўст,*

¹Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б.10-11

²Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 14; 12

*Набудй ҳеч фарқ аз мағз то нӯст.
Ҷаҳон ҷумла фуруғи нури Ҳақ дон,
Ҳақ андар вай пайдосит пинҳон.*

Мазмуни: Киши билмайдикӣ, бутун олам Аллоҳ жамолидан таралган нур мажмуасидир. Ушбу нур Ундан келиб, Унга қайтур. Яъни, фақат У бордир, борлиқ Унинг сояси бўлиб, У ўз сояси ортида яширингандир.

Орифларнинг айтишича, Тангри дунёнинг ҳамма жойида мавжуд. Шундай экан инсон Уни ўз борлиғидан ташқарида излашига ҳожат йўқ. Орифлик мақомига кўтарилмоқни ният қилган толиб дастлаб ўзига, сўнг ўз атрофидаги нарса ва ашёларга боқиб, Худонинг сифотларини таниш, англаш маърифатини тўла эгаллаши шартдир. Ақсинча, илми ирфондан беҳабар кишилар бу йўлда ўз бошларига ташвиш ортиришдан бошқасига ярамайдилар. Уларнинг Асл манзилга эришиш илинжида чеккан риёзати, ғайрати ва барча хатти-ҳаракатлари бесамар кечади. Чунончи, Шабустарий айтади:

به نور شمع جود در بابان
بسی سرکشتگی در بیش دارد¹

زهى نادان كه او خورشيد تابان
كسى كو عقل دور اندیش دارد

*Зиҳй нодон, ки ў хуршиди тобон,
Ба нури шамъ ҷўяд дар биёбон.
Касе, к-ў ақли дур андеш дорад,
Басе, саргаштағй дар пеш дорад.*

Мазмуни: маърифатдан беҳабар одам қоронғуда шам тутиб, даштдан қуёш излаган нодонга ўхшайди. Кимки фақат идрок илми билан Аллоҳни излашга жаҳд қилса, у ўз бошига битмас балолар ёғдиришдан нарига ўтолмайди.

Абу Наср Саррожга кўра: “Мўмин билан орифнинг орасидаги фарқ шундайдир: мўмин оламга Аллоҳ нури билан боқади, ориф эса Аллоҳнинг ўзи ила назар ташлайди. Мўминнинг қалби бордир. Орифники йўқ. Мўминнинг кўнгли

¹Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952, – Б. 10; 12

Тасаввуф ва маърифат

зикри илоҳий ила ором олади, ориф эса Аллоҳдан бошқа ҳеч нимадан роҳатланмайди”¹. Шабустарий ҳам орифларда кечадиган бу мўътабар туйғуни шундай таъриф этган:

وجود متلق اورا در شهود ست
و با هستی، که هستی باک در باخت²

دل عارف شناسای وجود ست
به جز هست حقیقی هست نشناخت

*Дили ориф шуносойи вуҷуд аст,
Вуҷуди мутлақ ўро дар Шухуд аст.
Ба чуз ҳастӣ ҳақиқӣ аст нашнохт,
Ва ё ҳасте, ки ҳастӣ пок дарбохт.*

Мазмуни: орифнинг қалби Мутлақ – жамол кўзгуси, сир-у асрор мазҳари. Ориф оламга қалб кўзи билан назар ташлар экан, фақат мутлақ борлиқни – Ҳақни кўради. Яъни, орифни моддий борлиқ талаблари ва хусусиятлари унчалик қизиқтирмайди. Чунки унинг қалби ва руҳияти Оллоҳга доимий қаратилгандир.

Шунинг учун ҳам Абу Туроб Нахшабий орифнинг фазилатлари ҳақида фикр юритиб, “Ҳеч бир нарсдан кирланмайдиган ва ҳамма нарсани ўзи ила поклайдиган кишидир ориф”³, - деган эди. Демак, ҳар қандай ҳолат ва шароитда ҳам қаҳрни – меҳрга, зулмни – адолатга, жоҳилликни – маърифатга, нафсни – фаросатга таслим этиш, орифнинг хос хусусиятидир. Орифларга хос ушбу ибратли фазилатлар ҳақида Шабустарий ёзади:

بس از وی حکمت و عفت شجاعت
شره حمجن خمود از وی شوده دور
نداراد ظلم از آن خلقتش نکو شد⁴

اسول خلق نيك آمد عدالت
به عفت شهوت خود كرده مستور
عدالت جون شعار زات او شد

*Усули хулқи нек омад адолат,
Пас аз вай ҳикмату иффат, шуҷоат.*

¹Ҳаққул И. Ирфон ва Идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 83-84

²Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952, – Б. 42

³Ҳаққул И. Ирфон ва Идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 83

⁴Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952, – Б. 63

*Ба иффат шаҳвату худ карда мастур,
Шараҳ ҳамчун ҳамуд аз вай шуда дур.
Адолат чун шиори зоти ӯ шуд,
Надорад зулм, аз он хулқаш нақў шуд.*

Мазмуни: барча олий фазилатлар – шижоат, иффат, адолат, гўзал хулқ кабилар орифнинг зотиға илоҳий кўркдир. Шу сабабдан ҳам у ич-ичдан нурланиб боради. Ношойиста хислатлар унинг ёниға яқинлаша олмайди. Бировға зулм қилмаслик, ҳаммага бирдай адолат кўрсатиб, оламға меҳр-муҳаббат нурларини таратиш унинг азалий шиори, қарори ва бароридир.

Тасаввуфда тариқат аҳллари учун турли мақом ва вазифалар белгиланган бўлиб, энг сўнгги мақом орифлар мақомидир. Сиём (парҳез) тутиш, қиём (қойим) туриш ва доимий муруқабаға киришиб, жаҳондаги монеълик (тўсиқ, парда)лардан кўнгилни покизалашға эришиб, ўзида ва атрофидаги барча нарса, ҳодиса-ҳаракатларда бирламчи асл моҳиятни илғаш орифлик мақомининг талаби ҳамда орифнинг бардавом бажариб борадиган ибратли амали бўлган.

“Гулшани розда” ушбу жаҳоний монеъликларнинг номлари бирма-бир келтирилар ва уларни бартараф этиш чоралари (йўриқлари) хусусида сўз юритилар экан, талаб аҳлини йўл қийинчиликларига бардош бера оладиган даражада тайёргарлик кўришға ҳамда орифлик мақоми ва ҳолиға муносиб бўлишға чорлайди:

تهارت کردن از وی حم چهار است
دوم از معسست وز شر وسواس
که با وی آدمی حمجون بهمه است
که اینجا منتهی می کردش سر¹

موانع جون درین عالم چهار است
نخستین باکی از احداث و انجاس
سوم باکی از اخلاق زممه است
چهارم باکی سر است از غیر

*Мавонез чун дар ин олам чаҳор аст,
Таҳорат кардан аз вай ҳам чаҳор аст.*

¹Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952, – Б. 43

*Нахустин покй аз аҳдосу анҷос,
Дувум аз маъсият в-аз шарри васвос.
Сеюм покй аз ахлоқи замима аст,
Ки бовай одамий ҳам чун баҳима-аст.
Чаҳорум покии сир аст аз ғайр,
Ки инжо мунтаҳй мегардадаш сайр.*

Мазмуни: Шунӣ билгилки, дунёвий монеъликлар тўрттадир. Уларни орифларга хос тарзда бартараф қилиш йўл-йўриқлари ҳам тўрттадир: биринчиси танингни ва тўнингни ҳамиша тоза тутмоқ, иккинчиси юрагингни пок тутмоқ, учинчиси бузуқ хулқ ва ахлоқдан – ҳайвоний хислатлардан ўзни ҳимоя этмоқ, тўртинчиси тилни тийиб билиш – сир тутиш демакдир.

Шабустарийнинг эътироф этишича, чин орифнинг мақсад ва матлаби битта – Аллоҳга, Маъшуқи азалнинг жамоли ва висолига иштиёқмандлик, одам ва Аллоҳ муносабати хусусида мушоҳада юритиш демакдир. Яъни, фоний ва боқий дунё ҳузур ҳаловати ҳамда охират завқи ва мукофоти истакларидан кечиб, давомли муҳофаза ила покланган кўнгилни, Тангри даргоҳига муносиб даражада ҳозирламоқдир. Чунончи, Шоир айтади:

Брун андаз аз худ ҷомла ра баъ
бе лаӣ нафӣ крд ау хане ҷаруб
набад елм еарқ сурт ен¹

وجود تو همه خارست و خاشاک
کسی کو از نوافل کشت محبوب
ز حسنی تا بود باقی براو شن

*Вуҷуди ту ҳама хор асту хошок,
Бурун андоз аз худ ҷумларо пок.
Касе к-ӯ аз навофил гашта маҳбуб,
Балое нафӣ кард ӯ хона жорӯб
Зи ҳастӣ то бувад боқӣ барӯ шайн,
Наёбад илми ориф сурати айн.*

Мазмуни: Тану жонингни дунёвий тўсиқлар, бандлардан озод қил. Кўнгил хонасини хору хаслар (дунёвий ва уқбовий

¹Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952, – Б. 42-43

хоҳиш ва қизиқишлар, монеликлар) дан жаҳд ила поклаб, ҳақиқий дўстга – Мутлақ жамол соҳибига ҳозирла. Шунинг билиб қўйки, агар қалб уйида бу хор-у хаслардан бир заррача қолса, Аллоҳ унга назар солмайди. Орифлик мақомига эришолмайсан.

Шабустарийга кўра, ориф ҳамиша ваҳдат сиридан воқиф бўлиш учун ҳақиқат сари тинимсиз илгарилаб бораётган толибдир. У ҳар он маънан ва қалбан уйғоқ. Шунинг учун ҳам унинг мунаввар нурга лиммо-лим қалби борлиқ Соҳибининг сир-ру асроридан бохабар:

که این چون نقطه و آن دور محبط است
نباشد در وجود تنر و بهرام¹

مکر دل مرکز عرش بسط است
وجود بشه دارد حکمت ای خام

Магар дил маркази арши басит аст,
Ки ин нуқта ва он даври муҳит аст.
Вужуди пашша дорад ҳикмат ай хом,
Набошад дар вужуд тайр ва баҳром.

Мазмуни: орифнинг кўнгли – Тангри таолонинг тахти. Шу маънода у борлиқнинг марказий нуқтаси бўлиб, барча даврларда ҳодисотлар унинг атрофида турли даража ва шаклларда қайта-қайта, такрорий ҳолда воқеаланаверади. Бироқ қанотдек илоҳий ҳикмат-у маърифат бўлмаганида, пашша парвоз этаолмаганидек, ориф кўнглидек мислсиз маърифат манбаси – сир-ру асрор баҳри бўлмаса, шубҳасиз, оламлар ҳам кўк юзини кўрмаган бўлар эди.

Ориф ўз Маъруфининг жамолини қалбида тоабад сир сақлаши, у билан бардавом бирлашиши учун ҳар дам кўнгул хонасини тозалаб супуриб артиши, руҳияти, шуурини ўзга нарсалардан (тўсиқлар; тўн, тан ва кўнгил кирлиги, пасткашлик, ахлоқсизлик, қўрслик, мансабдор, дунёдор бўлишга, ҳирсга майл ва бошқалар) – касратдан узиш, мосуводан қутилиш мақсадида давомли муроқабага кириб,

¹Шабустарий М. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 25-26

Тасаввуф ва маърифат

Ўзда ўзликдан зарра ҳам қолдирмаслик учун курашувчи чинакам ҳуриятпарвар комил инсондир.

Демак, орифлик мақомига юксалиб, Аллоҳнинг зоти, сифоти, исми ва феълларини мушоҳада этмоқ ҳузурига ҳамма ҳам бирдай эришавермаган. Талабгорлар жуда кўп бўлган. Бироқ уларнинг аксарияти турли қийинчиликлар ва машаққатларга дош беролмай, йўлнинг ярмидан ортига қайтган, йўлдан адашган ёки йўлнинг маълум бир водийида қолиб кетганлар. Ушбу мушкул синовлардан ўтиб, сараланган кишиларгина кўзланган асл манзилга – орифлик мақомига етиб келганлар. Зеро, Маҳмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз” асари мана шу сермашаққат йўлдан юриш одоби, талаб ва қоидалари, Асл манзилга эришганлар – орифлар ҳузури, ҳол ва мақоми хусусида баҳс юритар экан, талаб аҳлини ахлоқан покланиб маънан юксалишга, яъни Асл манзил ва мақсад иштиёқида яшашга илҳомлантириб келаётган ўзига хос бетакрор асардир.

Шу ўринда айтиш ва эътироф этиб ўтиш жоизки, машҳур рус шарқшунос олими Е.Э.Бертельс тасаввуф истилоҳлари тадқиқига бағишланган “Зулф ва юз” мавзусидаги энг салмоқли мақоласини ёзишда ҳам асосан Маҳмуд Шабустарий битган:

Манурс аз ман ҳадиси зулфи пурчин,

Мажнунбонид занжири мажонин.

Наёбад зулфи ў як лаҳза ором,

Гоҳи бом оварад, гоҳи кунад шом.

Мазмуни: Мендан у жингалакларга тўла соч ҳақида ривоят сўрама, телбаларнинг занжирини тортиб силкитма. Унинг зулфи бир лаҳза тиним билмайди, гоҳ тонг олиб келади, гоҳ шом қилади¹, каби ўнлаб байтларга таяниб иш тутгани ҳам “Гулшани Роз”нинг истилоҳлар олаmidан баҳс этувчи энг нодир асарлардан бири эканлигидан далолат беради.

¹ Е.Э.Бертельс. Зулф ва юз. Таржимонлар: У.Отажонов, А.Ҳабибуллаев // Жаҳон адабиёти.

– Тошент, 2005. – Б. 147

Хуллас, форсийзабон алломалар наздида ҳам ориф – огоҳ, ошно, хабардор, уйғоқ, англаган ва таниган, тўғри йўлга тушган, ҳолдон, ирфон соҳиби, қалб кўзи очиқ валий. Шунинг учун ҳам орифнинг ҳолатларида шошқинлик, бесаранжомлик, шикоят ва тангдиллик мутлақо кўзга ташланмайди.

Одамзод яралибдики, маънавий комилликка эҳтиёж сезган. Яхшилик, эзгуликка интилиб, кўнглига хотиржамлик излаган. Ҳамиша ёмонлик, ёвузликлардан қочиб, ўз нафсини ислоҳ қилишга ҳаракат қилган. Натижада ўз-ўзидан турли ахлоқий-маънавий мактаблар юзага келган, улар мақсадларига эришиш учун турли фикр-қарашларни илгари суришган. Мусулмон оламида тенгсиз тарбия мактаби саналган тасаввуфнинг пайдо бўлишида ҳам ўзига хос ижтимоий, сиёсий ҳамда маънавий омиллар сабаб бўлган. Ҳижрий II асрда шакллана бошлаган зуҳдий тасаввуф ҳижрий III-IV асрларда ирфоний тус олиб, ўзининг маълум методикасига эга мактабга айланди.

Тасаввуфнинг таянч манбаси Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардир. Зотан, у Аллоҳни таниш илми, яъни маърифатни тарғиб қилар экан, илму ирфон манбаи Аллоҳнинг каломи ва пайғамбар суннати эканлиги шубҳасиздир. Бани башар Аллоҳ таоло ва барча махлуқотлар ҳақидаги илмларни илоҳий китоблардан олди. Ва ўзини танишга, дунёга келиш сабабини билишга иштиёқманд бўлди. Вужуд ва руҳ, нафс ва кўнгил қаршилигининг мазмун моҳиятини англашга ҳаракат қилди. Сайри сулукда қаттиқ ранж-у машаққат чекди. Бу нотаниш, таҳликали йўллардаги қўрқувни Парвардигорига умидворлик билан, кўнглидаги ҳузунни ишқ ва ирфон ила ҳузури завққа айлантирди. Шу боис ошиқ ва ориф тариқатда асосий образлардан ҳисобланади.

Маърифат, ирфон, ориф каби сўзлар бир асос, яъни арабий “арафа” – билмоқ, танимоқ лафзидан келиб чиққан. Орифнинг ибодатидан мақсад Аллоҳ таолони таниш бўлиб,

Тасаввуф ва маърифат

бу маърифат воситасида нафсини таний бошлаган. Шу боис ориф обит, зоҳид каби образларга зид қўйилади. Ориф тасаввуфий истилоҳ даражасига кўтарилгунча ҳам араб халқларида обрўли, мансабдор шахсларга нисбатан қўлланилган. Ориф сўзининг тарихий-этимологик жиҳатларига ойдинлик киритилганда, орифнинг ирфоний адабиётдаги образ моҳиятини белгилашда дастлабки маъноларидаги мазмундан тубдан узоқлашиш бўлмаганлиги кўринади. Чунки олдин ҳам қавмдаги энг буюк, ҳурматли ва ибратли шахсларга нисбатан ориф дейилган.

Тасаввуф таълимотида бош маслак саналган орифлик адабиётда ҳам асосий ғояга айланди. Толиб, солиқ, ошиқ, дарвиш, ринд, соқий каби қаҳрамонлар ичида ориф образи алоҳида мавқе ва ўринга эга бўлди. Зеро, тавба, зуҳд, сабр, ишқ, ризо каби ҳоллар маълум бир пайғамбар (а.с.)лардан мерос қолган мақомлар саналади. Орифлик эса хотами набий Расулуллоҳ (с.а.в.) мақомидир.

Адабиётда таъсир ва анъана масаласига ҳамиша эътибор қаратишган, натижада холис таҳлил ва тўғри талқинлар юзага келган. Айтиш мумкинки, орифлик маслаги ва ориф образи дастлаб араб ҳамда форс адабиётларида пайдо бўлиб, мукаммал бир равишда таъриф-у талқин этилди. Форс адабиётининг тенгсиз вакиллари Абусаид Абулхайр, Ибн Сино, Мавлоно Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, жумладан, Маҳмуд Шабустарийнинг ирфоний асарларига эътибор қаратилди. Айниқса, тасаввуфий ғоя ва мақсад, сўфиёна адабиётдаги рамз-у мажоз ҳақидаги саволларга жавоб тарзда ёзилган “Гулшани Роз” асари атрофлича таҳлил этилди. Мазкур асар орифлик мақом мартабасига етиш йўлини кўрсатувчи ишорат тилида маҳорат билан ёзилган. Ундаги тасаввуфий тимсол, образ ва мажозлар ҳақидаги қарашлар моҳиятини англаш туркий ирфоний адабиётни ҳам тушунишда, таҳлил ва талқин этишда катта ёрдам беради.

2-ФАСЛ. ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ОРИФ ОБРАЗИ, МАЖОЗИЙ ТАСВИР ҲАМДА ИСТИЛОҲЛАР

Яссавий ва унинг издошлари ижодида ориф образи

Борлиқнинг энг муҳим бўлаги бўлмиш Ҳазрати инсон яралгандан буён Ўзлиги ва Моҳиятини мушоҳада этишдан тўхтаган эмас. Бунга сабаб, инсоннинг Холиқини билишга қизиқиши, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини илоҳий гўзаллик орқали ҳис этишга урунишидир. Чунки, Аллоҳдан йироқлик – нафсга, шайтонга, жаҳолат ва ёвузликка эрк бериш дегани. “Нафсини таниган – Роббини танир” ҳадисини мутассаввиф алломалар ҳаёти ва ижодида дастурул амал деб билишган. Дарҳақиқат, камолот йўли – нафсни тарбиялаш ва поклаш йўли. Бу йўл соҳиблари ошиқ, дарвеш, фақр ва орифлар бўлиб, уларнинг эзгу мақсади инсониятни нафсни танишга, унинг жаҳолат, ғафлат ва ҳаво сари етакловчи найранглари тузоғига илинмасликка даъват этиш бўлган. Шайх Абу Саид Абулхайр нафснинг комига тортадиган ҳойи-ҳавас гирдобига тушмасликка даъват қилиб, “Аллоҳ басдур, қолғони ҳавасдур, тийилмоғи шарт бўлгани нафсдир”¹, -деган бўлса, орифибиллоҳ Абу Муҳаммад Росибий бу ҳақда фикрини қуйидагича баён этган: “Ўзинг ва Ҳақ олдидаги энг катта парда – нафсинг билан машғуллигинг ва ишларингда ўзинг каби ожиз бандаларга эътимод қилишингдир”². Шайх Шужоъ Кирмонийга кўра эса, “Кимки нафсини шаҳватдан, кўзини ҳаромларга боқишдан сақланса, ботинини доимий муроқаба билан таъмир қилса ва зоҳирини суннат билан безаса, унинг фаросати хато қилмайди”³.

Нафс муаммоси асрлар давомида тасаввуфий шеърятда алоҳида эътиборда бўлганини Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр ва

¹А.Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 211-213

²Ўша манба. – Б. 188-189

³Ўша манба. – Б. 63-64

Тасаввуф ва маърифат

Бобораҳим Машраб каби алломалар асарлари ҳам тўла тасдиқлайди. Чунончи, орифлар султони – Аҳмад Яссавий айтади:

*Нафсинг сени боқиб турсанг нелар демас,
Зори қилсанг Оллоҳ сари бўйин сунмас.
Қўлга олсанг ёбон қушдек қўлга қўнмас,
Қўлга олиб тун уйқусин қилғил бедор¹.*

Дарҳақиқат, нафс ўз ҳолига ташлаб қўйилса, ёки унинг майлига, хоҳишларига озгина хайрихоҳлик билдирилса, қафасдан қутилган тустовуқ дам ўтмай бир неча қирларни ошгани сингари нафс ҳам инсон эътиборини, хаёли ва руҳиятини Аслиятдан бениҳоя узоқларга этиб қўйиши муқаррар. Орифлар наздида инсон бундай даҳшатли ҳолга тушиб қолмаслик учун умр давомида ҳар он маънан уйғоқ бўлмоғи, моҳиятга қараб интилишда–ҳаракатда бардавомликни сақлай олмоғи шарт ва зарурдир. Барча мутассавиф алломалар ва орифлар каби Аҳмад Яссавий ҳам нафсни камолотга раҳна солиб турган борлиқдаги энг хафли душман деб билган. У ҳам нафс деганда инсондаги шайтоний, ҳайвоний, хусусан, шаҳвоний қувватларни ўзида мужассамлаштирган бир даҳшатли мавжудлик қиёфасини ҳис этган. Унингча, дод-у фарёдлар билан бу даҳшат исканжасидан қутилиб бўлмас. Бу даҳшат балосидан холос бўлмоқ учун Ҳақ ошиқлари – пайғамбарлар, авлиёлар, пирлар ва орифлар юрган йўлдан юришга интилиш, улардаги фазилатлардан ибрат олишга киришиш айна муддаодир:

*Қул Хожа Аҳмад, нафс илгидин қилурман дод,
Пиру муғон бўлғаймукин анга жаллод.
Беҳабарлар эшитмаслар доду фарёд,
Қон йиғлағил эшитсин ул Парвардигор².*

Орифлар нафс билан боғлиқ муаммолардан тамоман халос бўлмоқ – покланмоқни ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган, Яратганнинг иродаси билан амалга

¹А.Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1990. – Б.102

²Ўша асар. – Тошкент, 1990. – Б.104

ошадиган мўъжиза деб билганлар. Уларнинг фикрича, Аллоҳ бу мартабага муносиб кўрган бандаларининг қалбида дастлаб ишқ дарди балоларини пайдо қилади. Унинг дарди хуружи билан тўлғонган қалб ишқ ўтида тобланиб борар экан, аста-секинлик билан машақатлар торта-торта нафси аммора комларидан; мовуманлик, мансаб, шон-шуҳратга бўлган қизиқишлардан ва дунёпарастлик, шаҳватпарастлик ҳирсларидан тамоман узоқлашиб, чинакам ошиқликни касб эта бошлайди. Яссавий назарида ҳам мана шу чин ошиқлик энг олий мартабадир:

*Ишқи текса куйдиргиси жону танни,
Ишқи текса вайрон қилур мову менни,
Ишқ бўлмаса топиб бўлмас Мавлом сени,
Ҳар не қилсанг ошиқ қилғил Парвардигор¹.*

Ишқ – кўнгил бериш, жондан севиш. Мутассавифлар истилоҳида Ҳақнинг зухурига сабаб бўладиган дастлабки сифат². Орифлар бутунлай жид-ду жаҳд ва талаб қилиб, илоҳий жалол ва жамолга ошуфта бўлганни “Ошиқ” деб атаганлар³. Уларнинг наздида зоҳидлар – зоҳиран ўзини дунёдан юз ўгирганини намоён этувчилар бўлса, обитлар – кўп ибодат қиладиган, доимий машғулоти ибодат ва тоат бўлган, қилган ибодатларига таянадиган, шу билан нажот топишига ишонадиганлардир⁴. Бироқ, биргина зоҳидлик ва обидлик расм-русмларини адо этиш – нафс балоларидан тамоман қутилиш ёхуд, нафси покка (нафси мутмаинна, нафси комилага) эришиб, Ҳақ дийдорига лойиқ бўлиш дегани эмас. Чунки ўтмишда қилган тоат-ибодатлари ҳурмати ва чеккан риёзатлари шуҳратига бино қўйиб, мовуманлик, шуҳратпарастлик ва худпарастлик каби нафси

¹Ўша манба. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1990. – Б. 105

²Сайид Жаъфар Сажжодий. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. – Техрон:Ҳижр.1339. – Б. 275-276; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 224-225

Маҳмуд Шабустарий; Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 47

³Ўша манба. – Техрон: 1952. – Б. 65

⁴Ўша манба. – Техрон: 1952. – Б. 127

Тасаввуф ва маърифат

амморанинг найрангларига алданиб, имонсиз кетганларнинг саноғи беҳад кўп бўлган. Хуллас, орифларга кўра, қалбда Ҳақ ишқи туғён урмаса, қалб чин ошиқ бўлмаса, киши бир дам ҳам “нафси бад”дан халос бўла олмайди.

Маълумки, туркий халқлар тарихида илк бор тариқат ва тасаввуф адабиётининг асосчилари Хожа Аҳмад Яссавий ва Юнус Эмролардир. Уларнинг ҳикматларида **ишқ, зикр, файз, муҳаббат, шариат, суҳбат, ҳикмат, маърифат, тариқат, ҳақиқат** сингари қатор ирфоний тушунчалар бағридаги маъно-моҳиятлар ҳамда **толиб, мурид, муршид, эран, маъшук, ошиқ ва ориф** каби ўнлаб тасаввуфий образларга хос юксак фазилатлар кенг ёритиб берилгандир. Чунончи Шайх Аҳмад Яссавийдан ўқиймиз:

*Эй дўстларим, **ориф**лар холис **суҳбат** этарлар,
Ул **суҳбат**да **маърифат** дурларини сочарлар...
Мурид бўлсанг **муршид**га, маҳкам бўлғил, эй **толиб**,
Муридларин **муршид**лар ҳар боб билан синарлар.
Ҳиммат тутса **эран**лар, кўзни юмиб-очқунча
Дарёларни букарлар, **тоғ**ларни ҳам кесарлар...
Ўзларининг муродин **чин ошиқ**лар тиламас,
Маъшукининг муродин доим алар тиларлар.
Қул Хожа Аҳмад, воқиф бўл, **файзу** раҳмат эшигин
Зикру тоат вақтида фаришталар очарлар¹.*

Суҳбат Пайғамбар (с.а.в.) ва саҳобалар йўли экани маълум. Шу боис барча тариқатларда суҳбатга катта аҳамият беришган. Шариат амалларини тўла адо этган Ҳақ йўлчиси тариқат мактабига қабул қилиниб, мурид саналади. Бунда бир мураббий этагидан маҳкам тутилади. Шундагина маърифатга тўла суҳбатлардан баҳраманд мусоҳиб орифлар қаторида бўлади. Улар файзи баракотидан улуғ насибалар олади. Шу зайлда орифлик мартабасига юксаладилар. Яссавий ҳазратлари бу мартаба эгаларини эранлар дейди. Юнус Эмро ижодида ҳам айнан ушбу мавзу ва истилоҳлар

¹Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллийети. – Тошкент: O'ZBEKISTON, 2011. – Б. 265-266

кенг тавсиф этилган:

*...Тажаллидан насиб этса кимига,
мақсуди бўлурму андин ичкари.
Кимга дийдор кунда шуъла тегса,
Унинг шуъласи бор, кундан ичкари.
Сенинг ишқинг мени мендин айирмиш,
Не ширин дард бу, дармондан ичкари.
Шариат, тариқат йўлдур, юрганга,
Ҳақиқат, маърифат андин ичкари.
Сулаймон қуш тилин билар, дедилар,
Сулаймон бор, Сулаймондан ичкари.
...Ким динин тарк этса куфрдир иши,
Бу не куфрдур имондан ичкари?
Кечар экан, Юнус ҳеч бўлди Дўстга,
Ки қолди эшикда ундан ичкари¹.*

Дарҳақиқат, Яссавий салафлари маънавий оламида ва яссавийлик тариқати маслагиди маърифатни эгалламаган солиқ ишқ² мартабасига юксала олмайди, деган тушунча

¹Юнус Эмро. Нечун йиғларсен, эй булбул. – Тошкент: O'ZBEKISTON, 2018. – Б. 15

²Ишқ майли муфрит бўлиб, ошиқ ва маъшуқларнинг иштиқоқи ундандир. Ишқ – улфатдошлик ва дўстга муштоқлик маъноларида ҳам келади. Ишқ “ашақа” сўзининг ўзгичадан ясалган бўлиб, бу сўз бир гиёҳ номини атайди. Ашақа шундай гиёҳки, у атрофидаги ўсимликларга ўралиб олиб, уларнинг танасидаги сувни сўриб олади ва рангини сарғайтиради ҳамда муддатида олдин қовжиратиб қуритади. Ишқ ҳам ошиқнинг рангини сариқ айлаб, дунё аҳлидан айиради ва дунёвий қизиқишлардан мосиво қилади. Ишқ дардига йўлиққан ошиқлар ё доим бемор юрурлар. Ва ё девона бўлурлар. Ва ё охир ҳалок бўлурлар. “Ишқ” дегани бир оташдурки, у қалбда пайдо бўлади ва маҳбубининг вужудини куйдиради. Ишқ балойи дарё ва жунуни илоҳий бўлиб, қиёми қалб ва маъшуқа орасида бир воситадир. Мавлавий айтади:

*Ишқ жўшад баҳрро монанди дек,
Ишқ сояд кўҳиро монанди рек.
Ишқ бишкофад фалакро сад шикоф,
Ишқ ларзонад заминро аз гизоф.
Гар набуди баҳри ишқи покро,
Ки вужуди додаме афлокро.*

Ишқ – тасаввуфда ҳусни мутлаққа бўлган шиддатли севги. Ваҳдати вужуднинг бошланғичи ва охири бўлмаганидек, Ҳақ тажаллисининг ҳам ибтидо ва интиҳоси йўқдир. Унинг зоти ҳар жойда зоҳир эрур. Ва мазҳарлари зоти билан ўхшаш. Ҳақнинг илк зухурига “Ҳақиқати Муҳаммадия” дейилади. Ишқ илоҳдан ато этилган раҳмоний бир улфат. Улфатдошлик туйғуси эса ҳар бир руҳ соҳибига хос.

Тасаввуф ва маърифат

хукмрон бўлган. Ва айнан мана шу тушунча йўл бошида бўлган барча амал ва фикрлар эгалари – солиқ ва муридларни маърифатни тўлиқ эгаллашида то ҳақиқат¹га қадар илҳомлантириб борган. Уларга кўра Ҳақ йўлига киришни истаган мурид, аввало, ирфон соҳиблари – орифлар², улуғ

Ишқ икки хилдир. Ҳақиқий ва мажозий. Ҳақиқий ишқ – ҳусни мутлаққа, мажозий ишқ эса одам ва олам гўзаллигига ошиқлик эрур. Қаранг: Сайид Жаъфар Сажжодий. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. – Техрон: ҳижр.1339. – Б. 275-276; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 224-225

¹Ҳақиқат – чиндан мавжуд бўлган – нарсa, асл моҳият. Аллоҳни билиш, борлиқ олам сирларини тўғри ва теран идрок этиш. Ҳақиқат – шариатнинг ботинидир. Шунинг учун ҳақиқат тасаввуф маъносида ҳам кенг қўлланилган. Бу ҳақда Абу Наср Саррож бундай дейди: “Шариат илми – хизмат илмидир. Ҳақиқат илми – мушоҳада илмидир... Шариат – баён илми, ҳақиқат – бурҳон илми. Шариат илми муомала учундир. Ҳақиқат илми мувоқаба учун. Шариат илми феълларга хос, ҳақиқат илми ҳолларга махсус. Шариат илми ривоят учун, ҳақиқат илми ҳидоят учундир... Қалбнинг доимий суратда Аллоҳнинг ҳузурида бўлиши, бир лаҳза бўлса ҳам шубҳага бормаслиги илоҳий оламда мушоҳада қилинадиган, аммо ифода қилиб бўлмайдиган, кашф ва илҳом йўли билан билинадиган маънавий ҳақиқатлар маърифат. Тариқат сири, яъни латоифалар нури зоҳир бўлса, ҳақиқат дейилади”. Қаранг: Сайид Жаъфар Сажжодий. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. – Техрон: ҳижр.1339. – Б.150-152.; Алишер Навоий ТАТ, ўн жилдлик, ўнинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011. – Б. 659-660

²Ориф – ирфон соҳиби, англаган ва таниган. Сўфийларнинг нуқтаи назарида ирфон Аллоҳ туҳфаси бўлгани учун илмдан устун эрур. Ориф – Аллоҳнинг шухуд, асмо ва сифотларини идрок этган, мавҳум борлигидан кечиб, Ҳақ борлиғи ила бор бўлган кишидир. Ориф – танувчи, билувчи. Аллоҳни, Унинг сифатларини, феълларини ва исмларини кашф ва мушоҳада йўли билан танийдиган. Орифи биллаҳ: маърифат ва ирфон эгаси, комил инсон, ҳикмат ва асрорга ошно, фано мартабасига эришган валий. “Kuseyri risolasi”да ёзилишича, Зунун мисрий: “Зоҳидлар охиратнинг султонларидир. Ҳолбуки, зоҳидлар орифларнинг фақиридирлар”, демишдир. Ва яна айтибмишки: “Аллоҳ таоло ҳақида энг кўп маърифатга эга бўлган ва Унга энг узоқ ҳамда давомли ҳайрат этган киши орифдир”. Ориф – ирфон соҳиби. Том маънодаги ҳақшунос. Сўфийларнинг тушунчасида илм – ақлга, ирфон туйғуларига асосланади. Ориф бўлмоқ учун китобий билимлардан беҳад юксалмоқ керак. Ориф Аллоҳ томонидан бахш этилган “ладун” ишорати билан унинг мавжудлигини идрок этади ва мавҳум борлиқдан кечиб, Тангри борлиғи билан умр ўтказади:

Эй дил, зи тариқи аҳли сурат бигузар,

Оина шав ва зи ҳар кудурат бигузар.

Гар нури сафое орифон мевавоҳи,

Аз ҳар чаҳ туро нист зарурат бигузар.

Қаранг: Abdul Kerim Kuseyri. Kuseyri risolasi. – Aralik: 1991. – Б. 490-492; Ibn Arabi. Marifet kitabi. – Istanbul: Islam klasirleri dizisi, 2008. – Б. 284; Сайид Жаъфар Сажжодий. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. – Техрон: ҳижр.1339. – Б. 268-270;

шайхлар ва муршидлар хизматларида бўлиб, улардан сабоқ олмоғи зарур:

*Орифларни суҳбатидин баҳра олғон,
Худойиға яқин бўлди, билдим мано.
Пири комил мукамилга хизмат қилиб,
Ихлос билан сир-асрорин билдим мано¹.*

Сўфий²ларга кўра солиқ ҳақиқатга севги-муҳаббат ва илоҳий иноят орқали эришиши мумкин. Бу ҳақда Юнус Эмро бундай деган:

*Ҳақ жаҳонга тўладир, бандалар Ҳақни билмас,
Уни Сен сендан изла, У сендан айро бўлмас.
...Келинг таниш бўлайлик, ишни қулай қилайлик,
Севайлик, севайлик, дунё ҳеч кимга қолмас³.*

Ирфон аҳлининг фикрига кўра эса, толиб орифлар суҳбатида бўлиб, уларнинг изидан бориб, руҳни покизалаш баробарида шариат ва тариқатдаги муайян маросим ҳамда амалий шарт-шароитларга риоя қилиш билан ушбу натижага эришади.

Алишер Навоий ТАТ, ўн жилдлик, ўнинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011. – Б. 652-653; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 225

¹Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллийети. – Тошкент: O'ZBEKISTON, 2011. – Б.112

²Сўфий – маъно жиҳатдан софий сўзига монанддир. Бу сўзни соф – поклик, яъни, ахлоқий тозаланиш ва руҳий камолот мазмунида тушунтирган олимлар ҳам бор. “Ғиёс ул-луғот”да ўқиймиз: “Сўфий – хирқапўш, зероки, юнгни суф дейилади. Фуқаронинг истилоҳида ўз дилига нигоҳ қаратган, ҳаёлини Ҳақдан бошқа нарсдан фориқ этган киши сўфий деб аталади”. Хужвирий айтади: “Хирқапўшлар – азалий софликка восил бўлганлардир. Бундан бошқа тиловат ва таваллочилар гуруҳига ҳам сўфийлар дейилган”. Жунайд Бағдодий таърифига кўра эса: “Иши фақат Худо билин бўлган, Вужуди мутлақнинг мавжудлигининг тани олувчилар сўфийлар деб аталади”. Баъзилар айтадиларки: “Сўфийларни шу жиҳатдан сўфий дейдиларки, улар ҳамиша илоҳий сирларни соф, сўзларини (осори онон) пок тутадилар. Шу сабабдан айтадиларки, сўфийлар ўз қалбларини Худо учун соф этган кишилардир. Ва ёки сўфийлар борки уларнинг Худо йўлида айтган сўзлари, муомала-муносабатлари ва ҳатти-ҳаракатлари соф бўлиб, риёдан холидир”. Қаранг: Сайид Жаъфар Сажжодий. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. – Техрон: ҳижр.1339, – Б. 251-254; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 241

³Юнус Эмро. Нечун йиғларсен, эй булбул. – Тошкент: O'ZBEKISTON, 2018. – Б. 39

Тасаввуф ва маърифат

Яссавийлик тариқати талабига кўра орифларнинг даргоҳида қолиб, сабоқ олмоқни истаган солиқ, аввало, ўзини бунга ҳар жиҳатдан муносиб кўриб, ҳатто ботиний файзни ҳам сир¹ тута олиши керак бўлган. Яъни, Навоий айтмоқчи: унга “Файзи ганж етса, иши дам урмайин”² яширмоқдир. Яссавий орифларга хос ушбу юксак фазилатни бундай тараннум этади:

*Қаро отини минмагунча қаро кўрмас,
Қаро лочин қўнмағунча сирни кўрмас,
Сир кўрган орифлари мунда турмас,
Сир кўруб, жонни қийноб юрунг, дўстлар³.*

“Сир” ва “сайр” истилоҳлари бағридаги моҳият Юнус Эмрони ҳам ниҳоятда илҳомлантирганини унинг қуйидаги сатрларидан англаш мумкин:

*...Кўр энди сирли сайрни, сайр ичидаги сирни,
Қул билмас бу тадбирни, кимга дейди бу нусул?
Парча-парча бутунсан, на консан, на маъдансан,
Суръати пур маъносан Подшоҳни сен ҳам кўр.
Кел энди ҳижобинг оч, сендан айрил, Сенга қоч,
Сен ҳам топурсан меърож, Сенга келур жумла йўл⁴.*

Хожа Аҳмад Яссавий кўпинча ориф билан ошиқнинг ўртасида ҳеч тўсиқ қўймайди. Шунинг учун ҳам у

¹Сир – яширин, пинҳон нарсa. Тасаввуфда Аллоҳ ила қул орасидаги яширин ҳақиқат. Тил ила изҳор этилмас маъно. Рух – ишқ, қалб – маърифат, сир – мушоҳада манзили эрур. Сир инсон вужудидаги руҳга ўхшаш бир латифлик. Рух қалбдан устун бўлганидек, сир руҳдан устун мавқега эга. Сирни сирга улаш – илоҳий бирликка етишмоқликни англатади. Лоҳижий айтади: “Сирларни шу жиҳатдан сир дейдиларки, маъно эгалари ва қалб аҳли арбобларидан бошқалар унинг моҳиятига идрок ила эриша олмагайлар”. Мавлавий айтади:

*“Ёр бо ёр хуш бинишиста шуд,
Сад ҳазорон лавҳи сир доништа шуд.
Лавҳи маҳфуз аст пешони ёр,
Рози кунинаш намонад ошкор”.*

Қаранг: Сайид Жаъфар Сажжодий. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. – Техрон: ҳижр.1339. – Б. 218-220; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 240

²Алишер Навоий. МАТ. 4-том. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 512

³Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллиёти. – Тошкент: O'ZBEKISTON, 2011. – Б. 321-322

⁴Юнус Эмро. Нечун йиғларсен, эй булбул. – Тошкент: O'ZBEKISTON, 2018. – Б. 27

ҳикматларининг бирида: "Тонгла Маҳшар ошиқларни Аллоҳ чорлар¹" деса, иккинчи бир ҳикматида "Тонгла Маҳшар орифларни Оллоҳ чорлар²", дейди. Биз бу каби фикрларга таянган ҳолда "Яссавийга кўра ҳақиқий ишққа эришган толиб айна пайтда ориф ҳамдир", деган яна бир янги мулоҳазани ўртага ташлашимиз мумкин:

*Шариатдур ошиқларни фарзонаси,
Ориф ошиқ тариқатнинг дурдонаси,
Қайга борса жононадур ҳамхонаси,
Бу сирларни Арш устида кўрдум мано³.*

Аҳмад Яссавий "Фақрнома"да орифликни фақр⁴нинг сўнгги мақоми деб таърифлар экан, уни Муҳаммад

¹Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллийети. –Тошкент: O'ZBEKISTON, 2011. – Б. 59

²Ўша манба. – Б. 58

³Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1992 – Б. 208

⁴Тариқат ва мазҳаб йўлидан юриб, восилига вусул бўлган бузрук киши Фақрдир. Ва фақрликнинг ҳақиқати ҳоҷатмандликдир. Зеро, банда ҳамма вақт эҳтиёжманддир. Бандаликнинг асли мамлукликдир. Мамлуклик – ўз моликига муҳтожликдир. Ҳақиқат аҳли наздида ғани – Ҳақ бўлиб, фақр – қул ёки халқнинг сифатидир. Фақр учун маълум бир қатъий талабларга асосланган йўл йўқ. Яъни фақр қайси йўлда ва қайси макону замонда бўлмасин у ҳамиша Ҳақ билан биргадир. Шунинг учун ҳам унинг ҳақиқатидан кўпчилик огоҳ бўлолмайди. Фақрнинг мақоми – мақоми илоҳийдирки, бу мақомнинг йўли ҳар кимга ҳам очилавермайди. Шу боис "Ал-фақру фахрий"(фақрлик фахримдир) дейилгандир. Чунончи, Ироқий айтади:

*Дар ҳалқаи фақирон Қайсар чаҳ кор дорад,
Дар дасти баҳри нўшон соғар чаҳ кор дорад.
Дар роҳи ишқбозон зин ҳурифо чаҳ хезад,
Дар мажлиси хамушон минбар чаҳ кор дорад.*

Фақр – тариқатнинг тўртинчи мақоми. Фақр – шу мақомга мансуб киши. Иброҳим Бухорий Калободий фақрга таъриф бериб: "фақрлик – молинг бўлмаслик, бўлса ҳам сенга мансуб бўлмаслик, фақр эса ҳақиқат маърифатига ниёзманд кишидир", деган экан. Шунингдек, фақрнинг Аллоҳдан бошқага муҳтожлиги бўлмайди ва у таваккул эътиқоди билан яшайди. Фақр – тариқат йўлига кирган орифнинг тўртинчи мақоми, фақрлик – бу моддий етишмовчилик ёки тиланчилик қилиш эмас, балки, Аллоҳу таборақ олдида ўзини ожиз, ғариб ва фақир ҳис қилишдир. Бу мақомнинг уч босқичи бор: биринчи босқичида ориф нима топса, шунга қаноат қилади. Иккинчи босқичда ориф ўзида дунё молидан кечиш ҳиссини тарбиялайди. Сўнгги босқичда у шундай даражага эришадики, у учун бойлик ва камбағалликнинг фарқи бўлмайди. Қаранг: Сайид Жаъфар Сажжодий. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. – Техрон. ҳижр.1339. – Б. 303-305; Алишер Навоий ТАТ, ўн жилдлик, ўнинчи жилд, Ғафур Ғулом. – Тошкент. 2011. – Б. 658;

Тасаввуф ва маърифат

Мустафодан мерос қолганлигини айтади. Яссавий эътиборини қаратган орифона ҳақиқатлардан яна бири Холиққа бардавом назардир. Яъни, фақат орифга хос мулоқабатдир¹. Мулоқабат жараёнида нафсининг турли найрангларида ўзини қутқазиб, ҳар нафас Ҳақ висолига восил бўлаётган орифнинг кўнгли мусавффолашиб, руҳ ва тахайюл оламида эврилишлар юзага келади. Натижада, у ниҳоятда кучли ва ғоятда нурли ҳол соҳиби даражасига кўтарилади. Масалага шу нуқтаи назардан қаралганда, Яссавийнинг айрим ҳикматларидаги мана бу каби фикрлар, бизнингча, ҳақиқатга яқиндир:

*Ориф ошиқ жон мулкида алам тортса,
Ўн саккиз минг қомуғ олам ғул-ғул бўлур.
Кўнгул қуши шавқ қанотин тутиб учса,
Жумла вужуд ёдин сайрар булбул бўлур².*

Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 250 *Фақр ҳақида қаранг*: Рамазонов Н. Навоий ижодида фақр талқини ва фақир образи. – Тошкент: Фан, 2015. – Б. 192

¹Мулоқабат – сулук аҳлининг наздида дунёга дахлдор ишлар ва қизиқишлардан қалбни муҳофаза этишдир. Баъзилар айтадиларки, мулоқабатга киришиш, ҳар нарсада Худони кўра олишга қодир бўла бориш демакдир. Яна дейдиларки, мулоқабатнинг ҳақиқати ёлғиз Ҳаққа ибодатдир. Баъзи бировларнинг эътирофи эътишча, мулоқабат илми хавф бўлиб, хослар мулоқабатидан мақсад умидбахшлиқдир. Ва яна айтадиларки, мулоқабатнинг аломати эъсордир. Тариқатда мулоқабат мулоҳазасига киришишдан биргина мақсад Ҳаққа эришмоқдир. Мулоқабат – мулоҳазада бирор нарсага диққат ила нигоҳ ташламоқ, Худо фикрига берилиб, дунёга тааллуқли ҳаёл, ўткинчи майллардан фориғ бўлмоқ. Тасаввуфда мулоқабат икки хилга ажратилган: бири авомнинг мулоқабаси бўлиб, бунда Ҳаққа толиб киши Аллоҳнинг амрларини адо этади. Унинг ўз аҳволидан огоҳ ва талабгор эканини англаб, айни шу мулоҳазадан ғофил қолмайди. Иккинчиси – мулоқабати хавос. Унда солиқ жазбан муҳаббат билан ҳусни мутлақнинг сири бўлган аҳадиятини давомли тарзда барча ашёда мулоҳаза ва мулоҳаза қилади ҳамда шу жараёнда ашённи тамоман эсдан чиқаради. Айни ҳолда Аллоҳ таолонинг анвориға назар айлаб, асрориға мулоқиб бўлади. Мулоқиб – мулоқабат этувчи, ўзликдан холис бўлган, Аллоҳга боғланган киши. Қаранг: Сайид Жаъфар Сажжодий. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. – Техрон: ҳижр. 1339. – Б. 362-363; Алишер Навоий ТАТ, ўн жилдлик, ўнинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011 – Б. 658; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 228-229

²Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1990. – Б. 150

Аҳмад Яссавий ҳикматларида орифлик ҳоли Пири муғон – Ҳақ Мустафо дуоси, Парвардигор лутфи билан инъом этиладиган энг олий тухфа экани ва бу ҳол илоҳий муҳаббат завқи ила тўлғонган ҳамда ишқ ўтида ёнган қалбларда кашф этилажагини эътироф этади. Шу сабабдан ҳам Шайх бир ҳикматида орифлик ҳоли завқу шавқига иштиёқмандларга қарата бундай дейди:

*Оллоҳ дегил, эй Қул Аҳмад ёшинг оқғай,
Ўтган ориф ҳиммат билан элинг тутқай,
Йиғлаб юрғил, Раҳим Мавлим раҳми келгай,
Хожа қулин ҳаргиз зоеъ қўймас бўлур¹.*

Ориф ўзининг ички ҳаёти, маънавий-руҳий ҳолати билан қуруқ тоат-ибодат қилган обитлардан, ақидапараст зоҳидлардан, шунингдек, дарвеш, фақр, қаландар, ринд, ҳатто ошиқдан ҳам ҳар дам Ҳақ васлига эришган чин ошиқ бўлганлиги билан ажралиб турган. Шу боисдан ҳам у барчага ибрат қилиб кўрсатилган:

*Масжид кириб намоз қилсам зоҳидлардек,
Ишқ ўтига қуюб ёнғон ошиқлардек,
Ялғон сўзни тилга олмай содиқлардек,
Орифлардек Ҳаққа воси бўлғаймукин²?*

Шайх Нажмиддин Кубронинг билдириши ва уқтиришича: “Инсоннинг ботини охират, зоҳири эса дунёдир. Ботиний ҳол ила боғланиш охиратдан, зоҳирий ҳол билан боғланиш эса дунёдан ажралмасликни билдиради. Ҳолбуки, орифи биллоҳ учун дунё ҳам ҳаром, охират ҳам. Шу сабаб ориф зоҳир-у ботин таҳдидларидан айри ва узоқ бўлиши шарт... Эй ориф! Кўриб турганингдек, тасаввуфнинг аввали нафсий васф ва сифатлардан, охири эса ғайриятдан қутулмоқдир. Бу сифатлардан фориғ бўлмагунча, Ҳаққа элтувчи ҳеч қандай йўл топилмайди:

¹ Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллийети. – Тошкент: O'ZBEKISTON, 2011. – Б. 62

²Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 44

*Кел бери, кел, мосиводан узлат эт,
Бадаху Мавлога қараб бор, суҳбат эт.
Қадам истасанг бисоти қурбатга,
Нафсингни бос, ки бу йўлда ғайрат эт”¹.*

Яссавий нуқтаи назарида ҳам орифни ўзгалардан яққол ажратиб кўрсатадиган яна бир хислат – унинг зоҳирий мавжудликлардан мутаассир бўлмай, қалбини ўткинчи ҳирсу ҳаваслар ҳамда мосиводан буткул халос эта олганлигидир:

*Ориф ошиқ дунё учун ғам емади,
Бу дунёда иззат-ҳурмат бер демади.
Кеча-кундуз кўз ёшидан ойрулмади,
Ғафлат бирла ғамларига ботмас бўлур².*

Ёки:

*Ориф ошиқ бўлай десанг алам тортғил,
Ҳақ васлиға етай десанг тунлар қотғил.
Бу дунёни ишратини ташлаб отғил,
Ташлаб отсанг моуманлик кетар, дўстлар³.*

Нажмиддин Кубро фақат ирфон соҳибига хос яна бир гўзал фазилат, яъни, орифона фаросат ва англаш қурби ҳақида фикр юритиб бундай дейди: “Басирати очик бўлганлиги боис ориф халқ ҳолларини англайди, аммо халқ бундан беҳабар қолади:

*Бир танловдир бу вужуди одам дунёда боқ,
Унга асmodан берибтур Ҳақ ҳилол ила вароқ.
Меваси илми илоҳийдир, эй бемазоқ,
Орифи биллоҳ бўлганларки топмишлар завқи Ҳақ”⁴.*

Қул Хожа Аҳмад Яссавий ва унинг издошларига кўра халқ ҳолларини англаган ва Ҳақ дийдорига мушарраф бўлган ориф ишқ аҳлига раҳнамолик қилиш (пайғамбаримиз

¹Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 43-44, 61

²Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 24

³Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллиёти. – Тошкент: O’ZBEKISTON, 2011.

– Б. 34; Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1990. – Б. 143-146

⁴Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 79-80

Муҳаммад с.а.в. умматларининг етакчиси бўлиш) ҳуқуқига ҳам эгадир. Чунончи, Мискин Юнус Эмро айтади:

*Тингланг, мени ёронлар қимматли туйғудир ишқ,
Қадрсизга берилмас, ҳурматли туйғудир ишқ.
Ҳам жафодир, ҳам сафо, Ҳамзани отти қора,
Ишқ биландир Мустаффо, давлатли туйғудир ишқ¹.*

Шу сабабдан бўлса керак, Яссавий ошиқ орифларнинг суҳбатини нажот ва саодат мажлиси деб ҳисоблайди:

*Аллоҳ суйган ошиқлари инграб юрар,
Орифларни суҳбатиға ўзин урар.
Меҳнат топса ошиқлари жавлон қилар,
Тонгла маҳшар ошиқларни Аллоҳ чорлар².*

Мискин Хожа Аҳмад орифлар мажлисини сидқ ва ихлос билан таърифлар экан уларнинг ҳар жабҳада маънан жуда ҳам илдамлаб кетганлигини ибрат қилиб кўрсатади:

*Тан сўзламас, жон сўзламас, имон сўзлар,
Жондин кечган чин ошиқлар Ҳақни кўзлар.
Орифларға хизмат қилиб, йўлин тузлар,
Ул ошиқни ҳалойиққа султон қилур³.*

Ёки:

*Ориф бўлиб ошиқ бўлса доно кетор,
Ондоғ ошиқ дийдор учун жонин берор.
Ондоғ қулға тонгми отор, кунми ботор,
Туну куни тинмай зори қилғум келур⁴.*

Тасаввуф шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат дея аталган тўрт босқичдан иборат. Ҳар бир босқичнинг ўзига хос махсус вазифалари, амалий топшириқлари бор. Биринчиси кам-кўстсиз адо этилгандан сўнггина навбатдаги босқичга ўтилади. Шариатнинг фарз амаллари барчага маълум. Уларни маърифат истаётган ориф, шубҳасиз, бажариши шарт. Шундагина имон, ислом мартабасидан эҳсон даражасига

¹Yunus Emro. Guldeste. Kultur Baranligi. 1996. – S. 83

²Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 59

³ Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллийети. – Тошкент: O'ZBEKISTON, 2011. – Б. 144

⁴Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 65

Тасаввуф ва маърифат

кўтарилади. Зоҳирий фикҳ нафсини ислоҳ этаётган солиқни ботиний фикҳ саналган руҳий тарбиянинг тариқат остонасига олиб келади. Шунда йўлчи Аллоҳ хабар берган: “Аллоҳга худди Уни кўриб тургандек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб тургандек ибодат қилиш” ҳолига соҳиб бўлади. Унинг ҳар дами, ҳар нафаси Аллоҳ билан бўлади. Бу юксак мақомни Шайх Нажмиддин Кубро шундай шарҳлаган эди: “Чин сўфий Аллоҳ мушоҳадаси завқи билан маст бўлганлигидан ҳар нафасда икки байрамни нишонлар: бири нафас олишда, иккинчиси эса нафас чиқаришда”. Нафас соҳиблари ҳақиқат босқичини қўлга киритади. Улар эса ирфон эгалари орифлардир. “Девони ҳикмат”даги мана бу ҳикмат тасаввуф илмидан хабар беради. Аҳмад Яссавий ҳақиқатдин хабар берувчиларни ориф жонлар дейди:

*Аё дўстлар, хабар бериб шариатдин,
Тариқатда Аллоҳ ёдин айтинг, дўстлар!
Ориф жонлар хабар берур ҳақиқатдин,
Аллоҳ тею Ҳақ зикрини айтинг, дўстлар¹!*

Дарҳақиқат, Яссавий ҳикматлари тасаввуф ҳақидаги бадий-ирфоний бир дастур ул-амалдир. Ҳар бир ҳикматда тасаввуфий бир ҳақиқат, рамз-у ишорат мавжуд. Руҳий тарбия хусусидаги манбаларда қалб покланишида зикрнинг беқиёс аҳамияти қайта-қайта такрорланган. Нафс мақомлари атвори сабъ – етти даражага бўлинар экан, илк даража нафси амморанинг зикри “Ла илаҳа иллаллоҳ”, лаввома нафсининг зикри “Аллоҳ”, нафси мулҳама зикри “Ҳу”, нафси мутмаинна зикри “Ҳақ”, нафси розиянинг зикри “Ҳайй”, марзия нафсининг зикри “Қайюм”, нафси комилада эса “Қаҳҳор” зикри айтилади². Демак, тариқат пирининг ҳикматидаги “Ҳақ зикрини айтинг, дўстлар” хитоби маърифат босқичини нафси мулҳамадан ҳақиқат даражасига кўтарилган, нафсга

¹Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллийети. – Тошкент: O‘zbekiston, 2011.

– Б. 38

² Бу ҳақда тўлиқ маълумот учун қаранг. Усмон Турар. тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999. – Б. 85-89

ҳокимлик қилаётган нафси мутмаинна соҳиблари, яъни орифларнинг зикридир. Айтиш мумкинки, орифлар ирфоний адабиётнинг асосий қаҳрамонларидандир.

Зиҳи, султон, орифлар зоҳир-ботин сочарлар,

Ё Илоҳо, десалар, кесар иллат давосин,

Исбот учун иллаллоҳ қиличини чопарлар...

Шавқ шаробин ичганлар, кечиб жондин, ҳу дерлар¹.

Мазкур ҳикматдан ҳам орифларнинг нафс мужодаласидаги асосий вазифаларидан бири – Зикр эканлигига гувоҳ бўламиз. Орифлар иллаллоҳ – Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ қиличи билан нафс, шайтон аталмиш рақибларни енгадилар. Ва улардаги муҳим ҳол важд – завқ-у шавқ шаробини ичишдир. Бу мақом эгалари ошиқ ва орифлар Ҳу, Ҳақ зикрларини айтишган. Умуман, тасаввуфда ошиқлик ва орифлик мартабаси бир-бирини тўлдирувчи, комиллик касб этувчи мартаба бўлиб, улар ифодада теранлик, тасаввурда ёрқинлик пайдо қилади. Шу боис “ориф ошиқ”, “ошиқ ориф” бирикма ҳолида келадиган ҳолатлар жуда кўплаб учрайди. Яссавий ҳазратлари:

Ориф ошиқ шавқи билан қиёмат кун,

Худойиға баҳсу жавоб қилар эрмиш,

Бу оламда тортқон жабру жафоларни,

Кўксин ёриб, Ҳақ қошиға солар эрмиш², – дейди.

“Девони ҳикмат”даги ҳол ва мақомларнинг ифодалаш услуби салафлари томонидан ҳам давом эттирилди. Масалан, шоҳ ва шоир Убайдий ҳикматларида ўқиймиз:

Ориф ошиқ Ҳу зикрин айтиб, ҳоримас бўлур,

Зикр айтмойин зокирнинг кўнгли ёримас бўлур³.

Ёки маърифат эшигининг очилиш шартлари ҳақида Яссавий шундай деган эди:

¹ Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллийети. – Тошкент: O'zbekiston, 2011.

– Б. 123

² Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллийети. – Тошкент: O'zbekiston, 2011. – Б. 76

³ Убайдий. Ҳикматлар. – Тошкент: Movaraunnahr, 2020. – Б. 56

*Шариатнинг бўстонида жавлон қилдим,
Тариқатнинг гулзоринда сайрон қилдим,
Ҳақиқатда қанот тўқуб, тайрон қилдим,
Маърифатнинг эшигини очтим, дўстлар¹.*

Демак, орифликка интилаётган нафс, аввало, шариат бўстонида маломат-у ҳиммат камарини маҳкам боғлаб, жавлон қилиши, шундан сўнг тариқат гулзорида сайр қилиши ва ниҳоят, ҳақиқат осмонида парвоз қилиши мумкин. Ориф истаган маърифат бу илми ладун – Аллоҳ қалбларга илҳом этадиган ворид ҳисобланади. Ирфоний адабиётдаги маърифат моҳиятини англамасдан ориф образи ва орифлик маслагини изоҳлашнинг имкони йўқ:

*Шариатсиз дам урмаслар тариқатда,
Тариқатсиз дам урмаслар Ҳақиқатда,
Ҳақиқатсиз дам урмаслар маърифатда,
Барчасини маърифатдин билмоқ керак².*

Таъкидлаш лозимки, орифлар – маърифат соҳиби, яъни Аллоҳни таниган зотлар. Бу маърифат шариати муҳаммадияга амал қилиш билан, яъни мўминлик мақомидан бошланади. Орифнинг қалбида маърифат нури Қуръони карим ва ҳадиси шариф орқали пайдо бўлади. Ва ҳақиқий ориф зот – Расулуллоҳ (с.а.в.)дир. Боқирғоний ҳазратлари шундай эътироф этган эди:

*Шариатнинг аркони, маърифатнинг макони,
Назар қилди Субҳони, Муҳаммади Мустафо³.*

Орифлик пайғамбар (с.а.в.) суннатидан асло оғишмаслик. Алалоқибат фанофиллоҳ рутбасига юксалишдир. Ирфоний адабиёт ҳам бу ҳақиқатларни ҳамиша таъкидлаган:

¹ Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллийети. – Тошкент: O'zbekiston, 2011.

– Б. 192

² Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллийети. – Тошкент: O'zbekiston, 2011.

– Б. 298

³ Ўша китоб. – Тошкент: O'zbekiston, 2011. – Б. 358

*Қул Хожа Аҳмад, бу дунёни ўттунг бўлғай,
Фанофиллоҳ мақомиға еттинг бўлғай,
Маърифатнинг дарёсиға боттинг бўлғай,
“Бот!” – дедилар, эй ёронлар, ботмайинму?¹*

Мана бу ҳикмат ориф моҳияти ва орифлик мақоми тўғрисидаги қарашларни янада ойдинлаштиради:

*Маърифатнинг бўстонини кезиб-кезиб,
Тавҳиднинг дарахтини кўрдим анда,
Текма ҳар шохи узра ишқ меваси,
Субҳон Изим рўзи қилди – олдим анда².*

Тавҳид – орадан иккиликнинг кўтарилишидир. Бу ягоналикка, албатта, ирфон ила эришилади. Маърифат тўғрисида Убайдий девонида ҳам шарҳлар келади:

*Бирдурсену валомакон, ломаконда жовидон,
Борлигинга йўқ гумон, орифларға аёнсен.
Дарвешларға ҳидоят, волийларға вилоят,
Ё Раб, қилғон иноят, орифларға ирфонсен³.*

Ушбу ҳикматлар ҳам орифлар Аллоҳни таниган маърифат эгалари эканлигини исботламоқда. Бу маърифат Қуръони карим ва ҳадиси шарифни қалбларга жо қилиш билан ҳосил бўлишини асло унутмаслик керак.

Орифлар ҳамма замонларда ҳам жамиятда ибрат бўлган шахслар бўлган. Улар илм-у ирфон манбаи саналган. Туркийлар учун валий зот, комил инсон маъносида келувчи эранлар истилоҳи билан ёнма-ён келган ориф образига эътибор қаратайлик:

*Оҳ дариғо, эсиз умрум зоеъ бўлди,
Тавба қилмай ажал илки яқом тутти,
Кимга айтиб, кимга йиғлай – бошим қотти,
Ўтган ориф эранларни кўрунг, дўстлар⁴.*

¹ Ўша китоб. – Тошкент: O'zbekiston, 2011. – Б. 229

² Ўша китоб. – Тошкент: O'zbekiston, 2011. – Б. 261

³ Убайдий. Ҳикматлар. – Тошкент: Movaraunnahr, 2020. – Б. 11

⁴⁴ Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллийети. – Тошкент: O'zbekiston, 2011.

– Б. 323

Тасаввуф ва маърифат

Ҳидоятнинг бошланиши бўлган тавбадан бенасиб қолиб, ўлим билан юзлашган маломатчи нафс ўз ҳолини ориф эранларга изҳор қилади. Ориф эран лафзи билан келганда янаям баланд рутбани англатади. Зеро, эр, эран туркий қавмларда баркамоллик тимсолидир. Худди шунингдек, “қул” лафзи билан келганда ушбу маънавий етуклик ҳақидаги тасаввур жуда тиниқлашади:

*Ориф қуллар Ҳақ ёдидин ғофил эрмас,
Ғофил бўлуб, шайтонға мурод бермас,
Бу йўлга киргон киши нелар кўрмас,
Кўрмишини текма ерда дерми бўлур¹?*

Сулаймон Боқирғоний Ҳаққа қул бўлган орифлардаги ҳоллардан баҳс этмоқда. Шаксиз, орифлар бу қуллик орқали ҳурликка эришадилар. Албатта, қул, эр каби олий мартабаларга эга бўлмоқ учун Ҳақ маърифатидан огоҳ ориф бўлмоқ керак. Ҳофиз Хоразмий ҳам:

*Ўзунгни ошиқи орифға боғла, эй Ҳофиз,
Дарахт чунки топар васл, мевадор бўлур²,–*

дейди. Тариқатда ишқ ва ирфон қанчалар бир-бирини тақазо этса, ошиқ ва ориф ҳам ёнма-ён келиши шунчалар табиийдир.

Яна бир муҳим жиҳатларидан бири ирфоний адабиётдагина эмас, балки лирикада ҳам маълум тарихий шахсларга нисбатан, ҳатто ҳикмат соҳибларининг ўзларига нисбатан ориф калимасини қўллашларидир. “Девони ҳикмат”даги мана бу ҳикмат ҳам фикримизни тўла қувватлайди:

*Қул Хожа Аҳмад, бу ҳикматни кимга айдинг,
Орифман деб, халойиқға ўқуб, ёйдинг,
Таъсир қилмас олимларға айғон пандинг,
Ориф улдур, тан мулкани вайрон қилур¹.*

¹ Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллиёти. – Тошкент: O'zbekiston, 2011.

– Б. 388

² Ҳофиз Хоразмий. Девон. Икки китобда. I-китоб. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Сулаймон, Ф.Сулаймонова. – Тошкент. 1981. – Б. 27

Тариқат ва шеърятда муносиб издош саналган Убайдий бундай дейди:

*Ориф йўқтур демагил, қул Убайдий, бордурур,
Ажаб- ажаб орифлар аҳли ирфон ичинда*².

Ўзининг маънавий муршиди комили санаган Яссавий тўғрисида ҳам шундай эътирофи келади:

*Ло зола раъсус-собирин, манзуру куллун-нозорин,
Султони куллил-орифин султон Хожа Аҳмад Яссавий*³.

Бундай ҳикмат ижодкорлари ориф зотлар эканини таҳлил ва талқинда ҳамиша ёдда тутишимиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида ўртага ташланган фикр-мулоҳазалар Қул Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматлари ва унинг салафлари ижодида ориф образи ниҳоятда муҳим ўрин ишғол этганлиги, унга доир фазилат, хислат ва ҳолатлар жонли, ўзига хос шаклларда ёритилганлигини намоён этади. Улуғ шайхлар диққатни қаратган орифона маъно ва ҳақиқатлар эса барча замон ҳамда даврлар учун муҳим аҳамият касб этиши шак-шубҳасиздир. Зеро, улар заҳмат-у меҳнат, тавба-ю тазарруъ, тоат-у ибодат, меҳр-у муҳаббат, сабр-у тоқат, шукр-у қаноат, ишқ-у вафо, қазойи ризо ва сидқ-у садоқати туфайли орифлик мақомига эришган ҳамда илм-у урфон аҳли наздида “Султон ул-орифин” деган юксак номга сазовор бўлган Қул Хожа Аҳмаднинг ирфон нурлари ва илоҳий файз завқидан ҳузурланиб битилгандир.

Навоийгача туркигўй шоирлар шеърятда ориф образи

Ҳар бир ижодкорнинг анъанага муносабати ва ижодий ўзига хослигини қиёсий ўрганиш, унинг бадиий маҳоратини ҳам аниқ белгилашга имкон беради. Чунончи, аввало, форсий ва туркий адабиёт анъанаси уйғунлигида Навоий ижодиётида тасаввуфий маънолар ва тимсоллар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилса, сезиларли ижобий натижаларга

¹ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар куллиёти. – Тошкент: O'zbekiston, 2011. – Б.73

² Убайдий. Ҳикматлар. – Тошкент: Movaraunnahr, 2020. – Б.35

³ Убайдий. Ҳикматлар. – Тошкент: Movaraunnahr, 2020. – Б.46

Тасаввуф ва маърифат

эришиш мумкин. Масалага шундай ёндашиш – буюк мутафаккир шоир асарларидаги талқин, ифода тарзи ва образ яратиш асосларини кенг ёритишга ҳам ёрдам беради. Табиийки, эҳтиёж сабаб Навоийнинг туркий тилда қалам тебратган салафлари – Аҳмад Яссавий, Юнус Эмро, Лутфий, Ҳофиз Хоразмий, Саййид Қосимий, Саккокий, Дурбек, Атойи, Гадоий сингари ориф шоирларнинг бой адабий меросида маърифат талқини ва ориф, мискин, эран, йигит, эр, чин ошиқ, ошиқ ориф, дарвеш, дарвешии ориф, ориф-фақр каби образлар тарихига мурожаат этиш ҳам айнаи муддаодир. Чунки XIII-XV асрларда яшаб ижод этган ушбу туркийгўй шоирлар адабиёт, санъат ва маданиятни бойитишга муҳим ҳисса қўшган бўлиб, Алишер Навоий ижодининг такомиллашуви ва юксак чўққига кўтарилишида ҳам баракали таъсир қилган.

Маълумки, муҳит, замон, давр адабий ҳаёти барча ижодкорларга ўз таъсирини ўтказади. Давр адабиётининг етакчи тенденциялари, тамойиллари ҳар бир ижодкорнинг асарларида у ёки бу даражада акс этади ва умумий хусусиятларини юзага келтиради. XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган туркийгўй шоирлар – Атойи, Гадоий ва Саккокийлар ижоди ҳам бундан мустасно эмас. Бу, энг аввало, мазкур шоирлар шеърятининг мавзу доираси, образлар тизимида кўзга ташланади. Шоир девонида уларнинг замондошлари бўлган Саййид Қосимий, Лутфий шеърларига ўхшайдиган ғазаллар бор. Улар бир хил мавзуларда, бир хил образлар, тимсоллар, ташбеҳлардан фойдаланилган ҳолда яратилган ёки бир радифда ёзилган бўлиши мумкин. Бироқ мазкур шеърларнинг ҳар бири ўзига хосликка эгадир. Бинобарин, юқоридаги ҳол мазкур шоирларни ҳам, уларнинг замондошларини ҳам ўзига хос ижодкорлар эканини инкор қилишга асос бермайди.

Атойи форс-тожик шеърятининг Ҳофиз, Камол Ҳўжандий каби машҳур ғазалнавислари тажрибаларидан ҳам пухта хабардор бўлган. Атойи ижодида ўзбек шоирлари

орасида Лутфий лирикасининг таъсири сезилади. Унинг девонида Лутфий шеърларига эргашиш, ўхшатмалар битиш йўлида яратилган ғазаллар бор¹.

Атойининг ғазаллари асосан ошиқона ва орифона мавзуларда битилган бўлиб, шоир уларга ориф алломалар ижодида кузатилганидек Қуръон талаблари ва ҳадислар мазмун-моҳиятини сингдиради. Ушбу муқаддас манбалардан иқтибослар келтиради. Май, қадаҳ, майхона, зулф, хол, қош, кўз, бел, зуннор ва санам каби тасаввуфий истилоҳлар воситасида ирфоний ғояларни ифодалайди. Атойти Навоий таъбири билан айтганда, “мажоз тариқи билан ҳақиқат асрорини қўлга киритган” ориф шоирдир. Унинг ҳар бир ғазалларида ориф ошиқлиги, дарвишлиги, дину имонда собитлиги сезилиб туради:

*Эйки хўплар кўзгусинда ўзин изҳор айлаган,
Ҳам ўзи ул кўзгуга боқиб мени зор айлаган.
...Дину иймонимдан айирма, дами охир мени,
Эй санамлар зулфини белимга зуннор айлаган².*

Мутасаввифлар шариат ва тариқатга оид китобларда Аллоҳ зоти ва сифоти ҳар бир орифнинг руҳий ва ахлоқий камолотига қараб у ёки бу даражада мушоҳада-мукошафа этилади, улар ҳақиқий дийдор охиратда кўрсатилади, дейилган фикр-мулоҳазаларга содиқ бўлганлар. Атойтининг орифона руҳда битилган ғазалларида васл ва висол йўлидаги истак ва интилишлар Тангри жамолини талаб қилишга қаратилган. Шоир ушбу илоҳий иштиёқни “Жонимга доғ қўйгучи ул юзда холдур” ва “Гарчиким, кўздин солибсан журма амдодин мени” сатрлари билан бошланадиган ғазалларида ўзига хос тарзда, орифона завқ билан шундай тасвирлайди:

*Ҳар ким, ки севса сен каби соҳибжамолни,
Соҳибназарлар олдида соҳиб камолдир³.*

¹ Иброҳим Ҳаққул. Шеърят – руҳий муносабат. – Тошкент. 1989. – Б. 56.

² Атойти. Девон. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.21

³ Ўша манба. – Б. 69

Ёки:

*Бўлса жаннатда Атойи сенсизин қилғай фиғон,
Солдилар дўзахқа деб фирдавси аълодин мени¹.*

Атойининг таъкидлашича, Парвардигор дийдорига – беқиёс Жамолга Ҳақ ошиқлари, ориф ва комил инсонлар эришадилар. Шоир девонида ориф ошиқлар ва комил инсон тушунчаси “соҳибназарлар”, “санамлар”, “аҳли диллар”, “сарвқадлар” ҳамда “хўблар” каби истиоравий ибора ва номлар билан ифода этилади:

*Тут гўшае Атойи, санамлар кўзи бикин,
Соҳибназар бўл, аҳли жаҳондин канора қил².*

“Эй кўнгул, тутгил, ўшал соҳибназарлар миллатин” сатри билан бошланадиган мазкур ғазалда шоир ўзига хитоб этар экан, май ичишни, яъни Ҳақ ишқини кўнглига қадашни, хўблар, яъни орифлар, муршиди орифлар кўзидек фароғатда пинҳон бўлишни, узлатга чекинмоқни ҳамда инсоннинг моддий эҳтиёжларидан саналган от, тўн каби нарсалар учун бировнинг миннатини тортмасликни ва фоний дунёга дарвешини ориф назари билан қарашни ҳамда ҳеч бир нокас олдида бош эгмасликни тавсия қилади:

*Бода ич, тут гўшае, хўблар кўзидек фориғ ул,
Тортма оту тўн учун бу тўққуз айвон миннатин³.*

Хуллас, Атойи девонида орифона мавзуда битилган бир неча мукамал ғазаллар мавжуддир. “Ҳар неча бўлса ёрда кибру анову мартабат” ёхуд “Аёқинг тупроғи бирла қасамким” каби сатрлар билан бошланадиган ғазаллар шулар сирасидандир:

*Ҳар неча бўлса ёрда кибру анову мартабат,
Бандадин олида ҳамин фақру ниёзу масканат⁴.*

Матлаъи билан бошланувчи ғазал орифона мушоҳадалар ва орифлик ҳоли файзу барокати таърифига қаратилгандир. Ушбу ғазалнинг қуйидаги байтларида эса,

¹ Ўша манба. – Б. 224

² Ўша манба. – Б. 138

³ Ўша манба. – Б. 171

⁴ Ўша манба. – Б. 45

илоҳий маърифат моҳиятини кашф этмоқ ва орифлик ҳоли ҳузурига эришмоқ мақсади орифлар қаторида ўзни кўрмоқ ёки танимоқ билан муяссар бўлиши ҳақида сўз боради. Ирфонни ёки илоҳий маърифатни эгаллашни Атойи “ман арафаҳу” – (“ўзингизни англаш”) сулукида ўзликни кашф этиш билан эришилади, – деб билади:

*Ориф эрсанг ўзунга бил фақру фано мақомида,
Аҳли дил остонасин тожи сариру салтанат.
Гар сен ўзунгни танисанг “ман арафа” сулукида,
Мулку малак санга бўлур хешу табору мамлакат¹.*

Орифлик маслаги нафсини таниш мақсади билан белгиланади. Нафсини таниган инсонгина ундан қутилишга жидду жаҳд этади, чин дилдан ҳаракат қилади. Яна мазкур ғазалда орифлик фазилати билан хавф-у ражонинг лутф-у марҳаматга, жабр-у жафонинг меҳр-у вафога, ҳар нечук зарар-у йўқотишларнинг манфаат-у фойдага айланиши бадий бўёқлар воситасида ниҳоятда моҳирлик билан тасвирланган:

*Қаҳридин эҳтироз этиб, тутма кўнгулни ноумид,
Лутфи зиёдадур онунг етса замони марҳамат.
...Сидқи бирла ҳабибни севса муҳиб, билур яқин,
Борча жафосини – вафо, жумла зарори манфаат².*

Шунингдек, Атойининг яна бир ғазалида:

*Эй кўнгул, тутқил ўшал соҳибназарлар миллатин,
Кўзга илмаслар фароғатин Сулаймон мулкатин³, –*

дейди. Соҳибназарлар ориф, валий зотларни тамсил этмоқда. Инсонлар турли ўхшаш хислат-у, айна жиҳатлари билан бир миллат остида бирлашадилар. Дунё матосини назарга илмайдиган ошиқ ориф кимсаларнинг миллати бир.

Ёхуд:

*Аёқинг тупроғи бирла қасамким,
Манга сенсиз пари қайси, санам ким?
...Жамолинг партавидур жумла олам,*

¹ Ўша манба. – Б. 45

² Ўша манба. – Б. 45

³ Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. (Атойининг поэтик маҳорати). – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 45

Куништу дайр, ё Байт ул-ҳарам ким¹,

каби ғазаллари ҳам орифлик ҳоли ва орифга хос фазилатларни таъриф-у тавсиф этиш мақсадида битилгандир. Мазкур байтлардаги ушбу орифона ғояларга айнан мувофиқ келадиган қуйидаги каби мисраларни Навоий ижодида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Масалан, “Қуш тили”дан ўқиймиз:

*Онда тенг кўр гумраҳу огоҳни,
Дайр кўйи бирла Байтуллоҳни.
Бирдурур гар Каъба бирла буткада,
Бўлсалар маъмур ё оташзада.
...Куфр ила динга чу тенг миқдордур,
Мунда иш соликка бас душвордур².*

Барча ориф шоирлар ижодида кузатилганидек, Атоийи шеъриятида ҳам инсоний орзу-армонни, бани башар манфаатига қаратилган энг илғор ғояларни орифона тарғиб этиш бош мақсад даражасига кўтарилган. Шоир қаламига мансуб қуйидаги мисралар мазкур фикрларимизнинг тасдиғидир:

*Атойини агар оламға сотсанг,
Сот, эй зоҳид, ки ул ҳўблар қулидур³.*

Дарҳақиқат, Ҳаққа қуллик орифлар учун энг олий саодат бўлган, уларнинг ранж-у риёзати, тоат ибодати, сабр-тоқатининг замирида ягона мақсад, яъни Аллоҳ таоло ризосини ҳосил қилиб, Унга муқарраблардан бўлиш умиди бор. Яратганга бандалик, аввало, унинг солиҳ бандаларига хизмат қилиш, у яратган барча мавжудотни асраб-авайлашдан иборатдир. Чунки Холиққа ибодат этиш халққа хизмат қилишдан айри бир тушунча эмас. Зеро, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам бани башар саодати учун қайғурдилар. Бу олий маслак у кишининг чин ворислари орифи уламолар томонидан муносиб давом эттирилди. Улуғ

¹ Атоийи. Девон. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 147

² Алишер Навоий. Лсон ут-тайр. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2005. – Б. 213

³ Атоийи. Девон. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 95

мақсад йўлида жидду жаҳд ила ҳаракат этдилар ҳамда хизмат ва ҳимматда мол-у жонларини аямадилар. Атойи ҳам зоҳидга таъкидламоқдаки, Атойи бу дунёда сотилса, хўблар, яъни фақат валий орифларга сотилсин. Чунки олимларга хизмат пайғамбарга хизмат ҳисобланади. Ваҳдат мақоми, севимли қуллар сафига киришнинг эса шарти шундайдир. Зеро, Каломуллоҳда Аллоҳнинг шундай таъкиди бор: “Айтинг (эй Муҳаммад) “Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади... (Оли Имрон: 3/31)”. Бу эслатмани мумтоз адиблар ҳамиша хотирида тутган. Яна бир ғазалида Атойининг шундай фахриясига гувоҳ бўламиз:

Эй Атойи, саждаи шукр айлагил Яздониға.

Ким, сени мақбуллар дардиға қобил қилдилар¹.

Мақбуллар - Аллоҳ таолонинг ризолигини олган аҳли диллар, ҳамида ахлоққа эришган, қабул қилинган қуллардир. Уларнинг дардига дармон бўлиш, уларнинг бирор корига яраш ҳам шарафдир. Зеро, “Қиёматда ҳар ким севгани билан биргадир” хушxabари саҳобаларни қаттиқ қувонтирган. Ва машаққатли нафс риёзатида сабр-матонат, Расулуллоҳ (с.а.в.)га нисбатан яна-да кучли муҳаббат пайдо қилган эди.

Мутасаввиф шоирларнинг бадиий адабиётда умумбашар манфаатини кўзлаб, бу каби илғор орифона ғояларни ифода этишлари барча замонда баркамол авлод тарбияси учун муҳим аҳамиятга моликдир.

Улуғ шоир Гадоий ҳам ўзининг истеъдоди, ижоди билан ўзбек адабиётига муносиб ҳисса қўшди. Шоирнинг девони ўн бешинчи аср ўзбек адабиётининг қимматли ёдгорликларидан биридир. Унинг айрим ғазалларида орифлик ҳоли ва орифона ғоялар анъанавий мазмунга мувофиқ равишда талқин этилган. Орифларга хос юксак хислат ва туйғуларлардан саналган ризо ҳоли ўз бадиий инъикосини топган қуйидаги каби мисралар шулар жумласидандир:

¹ Атойи. Девон. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 66

*Гар солик эрсанг яхши-ёмониға ризо бўл,
Ким, маъмани амнедурур уш кўйи таваккул¹.*

Гадоий орифнинг барча талаб аҳли (ошиқ, фақр ва дарвеш)га ибрат бўлган беназир ризо ва таваккули ҳамда чексиз сабр-у қаноатини таъриф этар экан, унинг тамкинга эришиб, бундай юксак ҳол билан шарафланганига сабаб ҳар қандай вазиятда ҳам мудом шокир, зокир бўлиш баробарида сидқ ва садоқат кўрсата олганлигадир, – дейди:

*...Орифға Гадо, басдур, агар билса камоҳий,
Маҳбуб - қаноат, дағи ҳамдами қадаҳи мул².*

Шоир сатрларда фақр истилоҳини қўллар экан кўп ҳолларда ориф фақрни назарда тутгандир. Дарҳақиқат, орифлар ишқи илоҳий йўлидаги фақирликни олам мулкига эгалик қилишдан кўра ниҳоятда афзал билганлар:

*Ярлиғи ишқинг била султони олам мен бегим,
Нечаким бўлса фақир, эй ҳусн мулкинда ғани³.*

Ҳайдар Хоразмий “Гулшан ул-асрор”да
таъкидлаганидек:

*Одам ағонг анга мурувват керак,
Орифи омига футувват керак⁴.*

Демак, кимки одамийлик шевасидан сўз очар экан, албатта, мурувватли бўлмоғи керак. Орифи оми – барчага футувват керак. Орифлар аслида инсоннинг яратилиш сабаб-у моҳиятини кўрсатувчи, одамзодга эслатувчи улуғ валийлардир.

Лутфий - ХҲ асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган туркийгўй шоирларнинг энг улуғларидан бири. Мавлоно Лутфий (тахм.1336-1465) Навоийнинг катта замондоши, ўз замонасининг маликул каломи, Навоий томонидан “мажоз тариқида айтур элнинг устоди”, дея ижоди юксак баҳоланган

¹ Гадоий. Гадоий. – Тошкент: 1973. – Б. 89

² Гадоий. Гадоий. – Тошкент: 1973. – Б. 89

³ Гадоий. Шеърлар. – Тошкент: 1958. – Б. 55

⁴ Ҳ.Хоразмий. Гулшан ул-асрор. Муборак мактублар. – Тошкент: Ғафур Ғулом. 1987. – Б. 111

шоир бўлиб, унинг шериятида ҳам ирфоний маънолар ва орифона ғоялар таъриф-у тавсифига кенг ўрин берилган:

*Кўнгулни боғлама фоний жаҳонға, эй оқил,
Сафар яроғини қил, бўлма бир нафас ғофил.
Кўзунгга уйқу ҳаром эт, бу йўлда огоҳ бўл-
Ким, асру мақсад ироқу хатарлиқ ул манзил¹.*

Шоирнинг ирфоний мавзуда битилган ғазалларида “ориф” калимаси кўзга ташланмаса-да, унинг луғавий ва истилоҳий маъносига яқин бўлган *огоҳ, оқил, фақр, дарвеш, ошиқ, мискин, кўз, аҳли дил* каби сўз ва тасаввуфий терминлар кўплаб учрайди. Лутфий ҳам фақир деганда ориф фақрни назар тутиб, унинг оёқ ости тупроғини кўзларга нур бағишловчи сурмага – илоҳий ҳадяга қиёс этади:

*Фақирнинг одоқи тупроқи турур сурма,
Газоф сўрма эшикингга келса чун сойил².*

Шоирнинг айтишича, орифларнинг қутлуғ қадами – хоки пойи барокотидан инган сурмадан равшанлашган толиблар кўзи чинакам ўзлигини таний бошлайди ва мосиваллоҳдан кечиб, Дўст жамолини томоша қилиш бахтига эришади:

*Висоли дўст керак бўлса, кел, ўзунгдин кеч –
Ким, орода бу ўзунг қўрмакинг турур ҳойил³.*

Орифлик мақомига юксалаётган толиб, ўзини қайтадан кашф этгач, унинг кўкси Ҳақ ҳусни даргоҳига айланади. Алалоқибатда у Тангри инсон кўнглини ўзининг кўзгуси ва оламнинг ягона сержило гавҳари этиб яратганлигига амин бўла бошлайди. Буни шоир бир ғазалнинг матлаъида битмас завқ-у шавқ билан шундай ифода этади:

*Ул ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,
Кўзгудек қилди сени, ўзини пайдо қилғали.
...Гавҳари якдона қилди зоти баҳринда сени,
Аҳли диллар кўзини ҳасратта дарё қилғали¹.*

¹ Лутфий. Сенсан севарим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б. 143

² Ўша манба. – Б. 143

³ Ўша манба. – Б. 143

Тасаввуф ва маърифат

Маълумки, рамзий-ишоравий тимсолар ва тасаввуф адабиётига хос истилоҳлар орқали Моҳиятга молик маъно-мақсадларни ифода этиш ёхуд маъно аҳли (дарвиш, фақр ва ориф кабилар)нинг маънавий қиёфаси (ҳоли, мақоми ва мартабаси)ни тасвирлаш Шарқ мумтоз поэтикасининг йирик вакиллари учун энг ишончли анъанавий усуллардан бири бўлган. Лутфий ҳам ушбу анъанавий йўл қоидаларига амал қилар экан май, шароб, бода, юз, зулф, хол, хат, ноз, дард, бало, ғам, алам, зуннор каби истилоҳларни қўллаш орқали илоҳий ишқ-у маърифат тушунчаси ва унга интилиш ҳамда у билан кўнгилни поклашдек мушкул амалий жараёни ифодалашни мақсад қилса, бут, бутпараст ва тарсо каби ғайри исломий атамаларни келтириш орқали эса орифга ишорат этиб, унинг юксак маънавий ҳолу мақомини тасвирлашга ҳаракат қилади:

*То зулфингиздин боғладим зуннор тарсолар бикин,
Иймоним ортар дам-бадам, бу не ажаб зуннор эрур²!*

Бу каби сатрлардаги ирфоний ғоя ва орифона маъно-мақсад хусусида сўз юритишдан олдин уларда келтирилган ғайриисломий атамаларнинг ҳам зоҳирий, ҳам ботиний – истилоҳий мазмунидан хабардор бўлмоқ шартдир. Мана шундай мураккаб вазиятларда “Гулшани роз”, “Кашф ул-махжуб” ва “Рисолаи Қушайрий” каби нодир манбаларга таяниш ҳам айни муддаодир. Шунда ушбу сатрларни ишончли тарзда таҳлил ва талқин этишга кенг йўл очилади. Туркий адабиёт тарихига назар ташланса, бут, бутпараст, муғ, муғбача, зуннор каби тасаввуфга ўтган ғайриисломий сўз ва истилоҳлар Навоий салафлари ижодида ҳам қўлланилганига гувоҳ бўламиз. Бундаги бут тариқатда талаб аҳлининг пешвоси, ва муршиди ориф маъносида қўлланилган. Баъзи байтларда дуч келинадиган зуннор ва зуннор боғламоқ эса зоҳирий тақводан воз кечиб, ишқ ва ирфон сиррини эгаллаш

¹ Лутфий. Сенсан севарим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б. 57

² Ўша манба. – Б. 255

учун риёкорликдан халос бўлган ва орифлик томон тинимсиз илдамлаётган толиб маъносига эга.

Лутфий шеъриятини Навоий табъ аҳли қошида ўқиса бўладиган шеърлар сирасига киритади. У табъ аҳли деганда олий адабиётдан хабардор кишиларни назарда тутган эди. Бунинг учун эса форсий ва туркий адабиётнинг энг илғор анъаналаридан хабардор бўлиш талаб этилган. Маълум бир ижодкорнинг шеърлари олий адабиёт билимдонлари наздида қадр топиши учун эса шакл ва мундарижа, мазмун ва бадий ифода бутунлиги каби бир қатор омилларга муҳим эътибор қаратилган. Ва яна мажоз орқали ҳақиқатни ифодалаш ҳам асосий талаблардан бири бўлган. Лутфийнинг май орқали илоҳий ишқ ва маърифатни, аҳли дил образи воситасида ориф ошиқни ифодалаш унинг шеърияти зукко адабиёт мухлислари томонидан юксак баҳоланишининг бош омили бўлган десак, хато бўлмас.

Бизнингча, ушбу мулоҳазаларимиз қанчалик ҳақиқатга яқин эканини аниқлаш учун эътиборимиз марказида турган сатрлар мавжуд бўлган ғазалнинг мақтаъсига назар ташлаб ўтиш ўринлидир:

*Келдим эшикка – орзум юзунгдурур, кўргуз чиқиб,
Келгинки, Лутфий ҳожати учмоқ эмас, дийдор эрур¹.*

Дарҳақиқат, камол касб этган ориф зотлар икки олам саодатидан кечган, Вуслат аталмиш давлат эгаси – Моҳият қошифи эрурлар. Модомики, Лутфий ўзида орифлик камолини кўраётган экан, албатта, у ҳам ўз Роббисининг дийдорига мушарраф бўлишга ҳақлидир.

Чунончи, шоир ғазалларидан саралаб олинган қуйидаги каби сатрлар ҳам биз илгари сураётган фикр ва хулосалар билан мазмунан ҳамоҳангдир:

*Андаким ғамзангни сармасти майи ноб айладинг,
Лутфийи соҳибназардин ақл зойил қилдилар²*

¹ Лутфий. Сенсан севарим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б. 255

² Лутфий. Сенсан севарим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б.89

*Кўзум юзунг сори ногоҳ боқса, манъ этма –
Ки кўрктин назар аҳлиға ногузир бўлур¹.*

*Жоду кўзинг карашмада соҳибкамол эрур,
Зулфунг тотори мушкина хуш гўшмол эрур².*

XIV асрнинг иккинчи ярми – XV асрнинг ўрталарида Хоразмда яшаб ижод этган ориф шоирлардан яна бири Ҳофиз Хоразмийдир. Унинг асл исми Абдураҳим эканлиги шеърларидан маълум бўлади:

*Хос ўз қулингға лутф этиб, раҳм қилса ёр,
Мухлис қадимий қул анга Абдурраҳим эрур³.*

Орифона фазилатларни улуғлаш, ирфоний ғояларни тарғиб-ташвиқ этиб, дунё аҳли маънавий оламини юксалтириш – барча Шарқ мумтоз адабиёти вакиллари каби Ҳофиз Хоразмий ижодининг ҳам асосий моҳиятини ташкил этади. Чунончи шоир айтади:

*Халқдин не жафо санга тегса,
Ориф эрсанг, кўнгулни танг этма.
Охутак бўлмоқ издасанг мушкин,
Кибр ила ўзунгни паланг этма.
Барча сулҳ этмагин тилар бўлсанг,
Халқдин хашм ею жанг этма⁴.*

Дарҳақиқат, шоир наздида ҳам орифнинг қалби Аллоҳнинг Лутфи карами учун махсус ҳозирланган қутлуғ даргоҳдир. Шу сабаб унинг қамрови бениҳоя кенг бўлиб, сифотининг таърифига сўз ожиздир. Шундай улуғ мўъжизакор қалб соҳиби зиқналик, бесабрлик, шошқалоқлик ва беқарорлик каби нуқсонларга учраши ёхуд дилтанг ҳолга тушуши мумкинми? Албатта, йўқ. Кимдаким, бундай юксак ҳол ичида ўзини унутиб, ўзлигини йўқотса, орифлар даргоҳидан беҳад йироқ тушган ва ғофиллик чоҳига қолган саналур. Ҳамиша огоҳ чин ориф учун эса, ҳар дам, ҳар жон ва

¹ Ўша манба. – Б. 35

² Ўша манба. – Б. 246

³ Ҳ.Хоразмий. Ой юзингга бандаман. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 3

⁴ Ҳ.Хоразмий. Ой юзингга бандаман. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 204

ҳар имкон ғанимат эрур. Шу сабабдан ҳам орифлар ҳар дам камтар, барчага (катта-ю кичикка) баробар, барчадан боҳабар ҳамда барча-барчага (яхши-ёмонга) буродар бўлганлар. Манманлик-у мағрурлик, кина-ю адоват ва ғийбат-у хасислик улар учун мутлақо бегона бўлган. Холис маслаҳат, холис хизмат ва холис мақсадлари билан аҳли жаҳоннинг барори кори, мадори ҳолига айланганлар.

Ҳайдар Хоразмий ижодда орифона ғоя ва талқинлар бошқа ижодкорларга нисбатан фарқли. Унда даврдош ижодкорларга нисбатан орифлик маслаги, тушунчалари баландроқ пардаларда ифодаланган. Гўё у тариқат йўлини босиб ўтган бир маърифатуллоҳ шоир сифатида гавдаланади. Орифона ташбеҳларида эса шоирлик маҳорати ҳам яққол сезилади. Маълумки, ошиқ орифлар, Ҳақ йўлчилигидаги солиқ, ҳақ йўлчилари. Шу боис шоир ўзини мана шундай Ҳақ дийдори талабгорлари билан бирга бўлиш, уларга эргашишни истайди. Чунки садафнинг дуру гавҳарга айланиши учун абри найсон, яъни апрель ойида ёғадиган маълум бир булут шарт. Бошқа ёмғирлар марварид ҳосил қила олмайди. Марварид комил инсон маъносида келади-ки, Ҳофиз Хоразмий ҳам шу даражага кўтарилишда орифлар ҳимматидан мадад кутади. Орифлик даражаси, мазкур рутба соҳибларининг ўзига хос фазилатлари хусусида ҳам Ҳайдар Хоразмий бот-бот тўхталади. Мана шундай маърифат мақомининг орифона талқинларидан бири:

Оқил агар сўз бирла сўзни ёпар,

Ориф ўшал сўзда ўзини топар¹.

Байтдаги оқилнинг сўз билан сўзни ёпишга доир таъкид икки маънога эга: биринчиси, сўз, яъни ёпиш билан (фикр билан) яшириш, иккинчиси сўзни сўзга қарши қўя олиш лаёқатини изоҳлайди. Кейинги сатрга келсак, Тасаввуфда вужуд ва руҳ, нафс ва қалб қаршилантирилганидек, маълум мақсадларга ақл ва кўнгил ҳам тазод қилади. шунингдек,

¹ Ҳайдар Хоразмий. Гулшан ул-асрор. Муборак мактублар. – Тошкент: Ғафур Ғулом. 1987. – Б. 213

Тасаввуф ва маърифат

олим ва орифлар тафовутлари ҳақида баҳс юритилади. Зеро, ақл эгалари, файласуфлар ўз далилларига таянсалар, орифлар қалбларига инадиган ворид, илҳомга асосланадилар. Шу боис орифларнинг сукутида ҳам ҳикмат бор. Уларнинг сўзларида ўзлари бўлади. Қушайрий бу ҳолни шундай изоҳлаган эди: “Орифнинг қалби сукут этаркан, Аллоҳнинг барча ҳукмларига қаршилиқ қилишдан тамоман холос бўлур. Мутаввакил Аллоҳнинг гўзал ишларига қувонар, ориф эса Аллоҳнинг ҳар қандай ишига розидир. Чунки, ориф ҳар он ризо ҳолидадир”¹. Аслида мумтоз адабиёт ҳам орифлар тилидан айтилган ҳикматлардир. Ундаги рамз-у ишоратларни англамоқ учун маърифий мушоҳада лозим.

Орифлар тасаввуфда сўнгги марҳала соҳиблари, нафсини тазкия этиб, руҳий камолотга эришган тамаъ ва риёдан йироқ зотлардир:

*Илтифот этмас кўриб оч ўлтириб собир фақир,
Неъмат кўб хожаларнинг болина ва боғина.
Ориф эрга бил жаҳаннамнинг азоби бирла тенг
Кирмаги қўшни аёғи бирла жаннат боғина*².

Фақирларда вужуднинг истаги ила ўзини камситиш, бировларнинг оёғига бош уриш хўрлиги асло бўлмаган. Уларнинг эҳтиёжи, ташналиги фақат руҳ, қалбга тегишлидир. Бу кечинмаларни шоир ўта таъсирли тарзда ифодалайди. унинг айтишича, ориф зотларнинг жаннатга қўшнининг оёғи билан кириши, жаҳаннамга тенг ҳисобланган. Яъни улар ўзларидаги нафс истакларини риёзат ила жиловлаб, уни тамкин ҳолга келтираётган қаноат эгаларидир. Албатта, ҳар бир давр адабиётида орифлик маслаги ва ориф образининг ўзига хос ўрни бор. Чунки адабиёт ҳеч бир даврда маърифатдан йироқ бўлмаган.

Тасаввуфдаги ирфоний ғоялар, маърифий маслакларнинг энг кенг тарғиботчиси, шубҳасиз, бадий

¹ Kuşeyri A. Kuşeyri Risalesi. Hazırlayan: Süleyman Uludağ. – Aralık: Dergah yayınlar, 1991. – Б. 259

² Ҳайдар Хоразмий. Гулшан ул-асрор. Муборак мактублар. – Тошкент: Ғафур Ғулом. 1987. – Б. 176

адабиёт бўлди. Умуман, тасаввуф ва адабиёт муштарак мақсад, яъни комил инсонни вояга етказиш маслагиди бирлашди. Натижада ғоя, фикр, завқ, шавқ, ифода ва талқинда юксак мартабаларга эришилди. Тариқатдаги ирфон ғоялари ва бу маърифатни эгаллашда саъй-ҳаракат қилаётган шахс адабиётда идеал образ Орифга айланди.

Туркий тасавуфий шеърийятнинг асосчиси Аҳмад Яссавийдир. Унинг “Фақрнома” асари орифлик моҳиятини англатибгина қолмай, бу мартабага эришиш йўлларини ирфоний хулосалар орқали баён қилади. “Девони ҳикмат”да эса ориф энг етакчи образ сифатида намоён бўлади. Бунда орифдаги мушоҳада неъмат, завқ-у шавқ жазбаси, ўта жонли, таъсирли тарзда ифодаланади. Орифга хос ибратли фазилатлар моҳирлик билан рамз-у мажозлар орқали кўрсатиб берилади. Инсонлар қалбини забт этиб, унда маърифат уруғини ундиришни қасд қилган Аҳмад Яссавий кейинчалик бутун туркий оламга ўзининг таъсирини ўтказди. “Девони ҳикмат”да бадийят, образлар олами, услубий маҳорат таъсири бутун туркийгўй шоирларнинг ижодида сезилади. Айниқса, Сулаймон Боқирғоний, Юнус Эмро, Убайдийлар бу анъананинг ёрқин давомчилари бўлишган. Уларнинг асарларида ҳам орифнинг ўзига хос маънавий вазифаси, ўзига хос ўрни мавжуд. Яна бир муҳим жиҳати издошлари ижодида Хожа Аҳмад Яссавийнинг ориф сифатида қайта-қайта тилга олинганлигидир. Лирик қаҳрамон сифатида орифнинг хусусиятларини очиб беришда тарихий сиймоларга эътибор қаратилиши Шарқ адабиётида синалган тажрибалардан. Издошлари томонидан Яссавийнинг орифлиги ҳақидаги ифодалар алоҳида эътиборга лойиқ.

Ишқу ирфонни қалбида нақшлаш, яъни Аллоҳ таолога ошиқликда ва Роббини танишда орифга тенг келувчи сулук аҳли топилмайди. Яратганга таслим этиш маъносида ҳам унга тенг келувчи образ санокли. У сирларни қалбида асрай оладиган маърифат уммони, тамкин соҳиби. Ундаги яна бир

Тасаввуф ва маърифат

муҳим жиҳат унинг мураббийлигидир. Уларнинг ҳеч бир они, ҳеч бир нафаси Аллоҳдан айри эмас. Яъни тасаввуфдаги олий мақом эҳсон мақомига кўтарилган зотлардир.

Адабиётшуносликда анъанавийлик ва таъсирни белгилашда асосий мезонлар бор, албатта. Ғоя, образ, бадиият, услуб издошлиги каби. Бироқ мумтоз адабиёт намуналари таҳлилида яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш жоиз. Яссавий анъаналарига издошлик ёрқин тарзда тариқат шоирлари ижодида кўринади. Чунки тасаввуфий ҳаёт тажрибаларини ҳис этмасдан, Яссавий каби илоҳий-ирфоний оҳангларда асар яратиш мушкул. Шу боис тариқат илмидан хабардор, маълум бир пир остонасида таълим олган ижодкорлар асарларидаги ориф тимсоли ва орифлик маслагини илми ҳолдан хабари бўлсагина тўлақонли англаши мумкин. Амалий жараён сифатида руҳий тарбияни ўз бошидан кечирмаган ижодкорларда очиқдан-очиқ тафовут сезилади. Гадоий, Саккокий, Лутфий каби етук ижодкорлар асарларида ҳам ориф образига ўхшаш тимсоллар учраса-да, етакчи қаҳрамон даражасига кўтарилмаган. Шу боис диссертацияда, асосан, Яссавий ва унинг издошларига кўпроқ мурожаат қилиниб, бош манба сифатида танланди. Бироқ таъкидлаш жоизки, Алишер Навоий орифона ғоя ва ориф образини энг баланд рутбага кўтарди.

3- ФАСЛ. НАВОИЙ ИЖОДИДА ОРИФЛИК ТАЛҚИНИ ВА ОРИФ ОБРАЗИ

Маърифат талқини ва ориф ҳоли

Аҳли шариат ҳукмига кўра, инсон пайғамбарларни тасдиқлаб, уларга издошликни зиммасига олгач, имон мақомига етишиб, мўмин номини олади. Шунда у ибодатга берилиб тун-кунини тоат-ибодат билан ўтказиб ибодат мақомини эгаллагач, обид номини олган. Ибодат умрининг асосий мазмунига айлангач, охир оқибатда унинг дунёдан кўнгли совиб молу мулк, мартаба ва мавқени тарк этади. “Вужуди башарий ҳис-туйғу, ҳирс ва шаҳватлардан тозаланиб, зуҳд мақомини ишғол қилиб зоҳид номини олади. Зуҳд ва зоҳидлик инсонга ашё ва ашённинг ҳикмати қандай бўлса, худди шу тарзда кўришга имкон берган, мулк, малакут ва жабарутда унга номаълум бўлган, деярли, ҳеч нима қолмаган. Ўзини ва Яратганни танишга муваффақ бўлган инсон маърифат мақомига кўтарилиб, ориф дея аталган. Орифлик эса энг олиймақом, соликлардан жуда оз қисми валийликнинг чегараси бўлган мазкур артабага соҳиб бўлишган”¹. Маърифат ориф қўлга киритган илм бўлиб, қалб завқи ва кўнгил мушоҳадасидан тузилгани учун ботиний илм ҳисобланган. Маърифатда қалбнинг тозалиги, маънавий куч-қуввати, покизалиги, кенглиги ва имтиёзларига алоҳида аҳамият берилгани боис Алишер Навоий орифлик мавзуи талқинлари билан жиддий машғул бўлган. Зеро, орифлик илми, ҳикмати, ботинбинлиги, донишманд ва тўғрилиги ҳамма замонлар учун ибрат ва намунадир. Орифнинг қаноати, сукути, сир сақлаши, мувожабасисиз комилликни ҳаёлга келтириш душвордир.

Тасаввуфнинг амалий босқичи саналган тариқатдан асосий мақсад ҳам маърифатдир. Маънавий ёки ички

¹ Насафий А. Инсони комил. – Истанбул: 1990. – Б. 24

Тасаввуф ва маърифат

тажриба билан эришилиши боис маърифатга “важдий илм”, “завқий илм”, – дея изоҳ берилади.

Орифнинг қалби Аршдан ҳам кенг бўлмоғи муҳаққаҳдир. Чунки, “Арш ва курсининг ичидагилар, олами жисмонийдур. Қалби солимнинг руҳи инсонийдур-ки, у амри Раббоний эрур”¹. Шунга кўра Ориф бирор бир қавм ёхуд миллатнинг эмас, жаҳоннинг султони, дея тан олинган. У кўнглини поклик ила камолга етказар экан, маънавий оламида тубдан ўзгариш – эврилиш юзага келади. Ва бу ўз навбатида борлиққа – табиат дунёсига ҳам таъсир ўтказиш эҳтимолидан холи эмас. Буюк маърифатпарвар шоир Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий тилларидан келтирилган Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг оламга келиши ва у кишининг илму ҳидоятлари шарофатидан Қасри Ҳиндувоннинг Қасри Орифонга айланиб, оламга машҳур бўлиши тўғрисидаги башоратлари ушбу фикрнинг бир далилидир: “*Бу туфроғдин бир эр иси келадур. Бўлғайки, Қасир Ҳиндувон Қасри Орифон бўлғай...*”².

Алишер Навоий орифликнинг ахлоқий-маънавий сифат ва фазилатларига алоҳида диққат қилгани учун бир ғазалида:

Фақр кўйида мусаллам тут, не қилсанг истимоъ,

Ориф эрмас ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс³, – дейди. Негаки, ҳам ирфон соҳиби бўлиб, ҳам ўзгалар билан мунозара, ҳожатсиз муноқашага киришиш орифлик маслагига тамоман зиддир. Ирфон аҳли Ҳақ ишқи, Ҳақ хаёли билан яшар экан, уларнинг хаёлидан бошқа бир нима ўрин ололмайди. Чунки ҳар қандай нарса илоҳий бирликка шикоят етказади:

Саҳфаи хотирда, эй ориф, керактур ёру бас,

Софийи ваҳдатқа хошоки хавотир қотма кўп¹.

¹ Иброҳим Ҳаққул. Сўздаги ўзлик. – Тошкент: Баёз, 2013. – Б. 28

² Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 256

³ Алишер Навоий. МАТ. 3-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 92

Чин орифлар – Аллоҳни таниган, билган ва маърифат завқи билан яшагани учун илм ва маърифатини кўз-кўз қилишдан тийилган, сукутга мойил, мушоҳададан тўхтамайдиган зотлар қиёфасида шуҳрат қозонишган.

Навоийнинг ёзиши бўйича, “Орифлар кимлардур?”, – деб сўралганда, Шайх Музаффар Кирмоншоҳий Қирмисий “Ориф – қалбини мавлосига, жасадини халқига бағишлаган кишидир”², – деб жавоб берган экан.

“Насойим ул-муҳаббат” асарида орифнинг ўзгалар сийратидан огоҳ бўлиш иқтидори ва ҳеч бир бандага ҳасад қилмаслиги ҳамда сир сақлаш лаёқатига доир шайхлар тилидан айтилган: “Ориф улдурки, сенинг сиррингдин сўз айтқай ва сен хомуш бўлғайсен”³, “Орифқа сиррида бир кўзгу берибдурки, ҳар қачон ул кўзгуга боқса, ани кўргай”⁴ каби фикр-мулоҳазалар ҳам диққатга моликдир.

Алишер Навоий барча жанрдаги асарларида ориф образи ва маърифат моҳиятига эътибор қаратади. Жумладан, “Ориф кўнглин дарёға нисбат берурки, анга ҳар не тушса сингирур балки итирур” сарлавҳали қитъасида орифнинг энг характерли хусусиятини тавсифлайди:

*Эрур орифқа ганжи файз етса,
Иши дам урмайин ани ёшурмоқ.
Қуёш акси тушуб дарё ичинда,
Не мумкиндур онинг сувин тошурмоқ*⁵.

Нафсини таниган орифлар ўзликни енгиш йўллариини ҳам излашган. Бунинг учун астойдил риёзат чекиб, Тавҳид мақомига кўтарилишган. Орифлар аҳли маъни тоифасига мансуб бўлгани боис зоҳирпарастларга қарши бўлишган. Ва бу билан орифликнинг мазмун-моҳиятини янада очиб беришган:

¹ Ўша манба. – Б. 76

² Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 154

³ Ўша манба. – Б. 154

⁴ Ўша манба. – Б. 69

⁵ Алишер Навоий. МАТ. 4-том. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 502

*Восил ўлди нафасинг руҳини англаб ориф,
Шарҳ тузди чу анинг зоҳирини билди фақиҳ¹.*

Маърифат, яъни Ҳақ ва ҳақиқатни танимоқ Навоий ижодининг бош мақсади бўлган. Зеро, маърифат орқали инсон ўзининг шарифлигини, дунёга келиш мақсадини тушунади. Шу боис бу мавзуга Навоий ҳар бир асарида жанр талаб ва имкониятларидан келиб чиқиб қайта-қайта мурожаат этади. Гоҳ Қуръоний оятлар, гоҳ ҳадиси шариф, баъзан валийлар ҳикмати, баъзан эса ўзининг орифона хулосалари билан маърифатнинг моҳиятидан баҳс этади. Бани башарни огоҳликка чорлайди. Жумладан, “Назм ул-жавоҳир”да “Шамматун минал-маърифати хайрун мин касирил-амали”, яъни “Кўп тоатдан оз маърифат яхши” ҳикматига асосланиб, ирфоннинг куч-қудратига урғу беради:

*Ирфон аҳлиға эл ниёзи яхши,
Таъзим ила лутфи дилнавози яхши,
Гар маърифат ўлса чорасози яхши,
Тоат кўпидин, маърифат ози яхши².*

“Ҳайрат ул-аброр” достонида эса дунёнинг яратилиш сирри, оламлар ичра одамнинг ўрни хусусида тўхталар экан, шундай дейди:

*Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди.
Турфа каломингға доғи комил ул,
Сирри ниҳонингға доғи ҳомил ул.
Кўнглига қилдинг чу яқин ганжи қисм,
Жисмини ул ганжга қилдинг тилисм...
Маърифатинг ким қила олмай сифат,
Қилдинг ани орифи ул маърифат³.*

Дунёни яратишдан ғараз инсон эди. Чунки Робб ул-оламин Аллоҳнинг маърифатини одамзодгина қалбига жо қила олди. Мана шу маърифат асл мақсад эканлигини Навоий

¹ Алишер Навоий. МАТ. 2-том. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 479

² Алишер Навоий. МАТ. 2-том. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 194

³ Алишер Навоий. МАТ. 7-том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 21

турли шаклларда баён этди.

Навоий девонларида ориф лирик қахрамон сифатида гавдаланади. Тазкира, умуман, насрий асарларида орифлар реал тарихий шахслардир. шоирнинг уларга берган таърифларида ҳам орифлик рутбаси ва фазилатига ҳамиша аҳамият берилади. Абу Саид Харроз (қ.с.т.) ҳақида маълумот берар экан: “Агар Аллоҳу таоло Абу Саид Харроз эришган ҳақиқатни биздан талаб қилганда, албатта, ҳалок бўлардик. Бу сўзи Жунайднинг далил бўла олурки, Абу Саид Харроз андин улуғроқ ва анинг пири бўлғай ва анинг устоди. Шайх ул-ислом дебдурки, буким Боязидни Саййид ул-орифин дебдурлар, Саййид ул-орифин Ҳақ субҳонаҳу таолодур ва одамийлардин Муҳаммад арабийдур (с.а.в.) ва бу тойифадин Абу Саид Харроздур. Ва ҳам Шайх ул-ислом дебдурки, машойих аросида андин улуғроқ ҳеч кишини танимасмен”¹, – дейди. Демак, Ҳақиқий ориф Оламларнинг Робби Аллоҳ таолодир. Башарият аҳлидан эса комил инсон, комил ориф, шубҳасиз, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саналади. Албатта, Расулуллоҳнинг ҳаёт йўлини ибрат сифатида қабул қилган, шариати муҳаммадияни ҳаётий мезонига айлантирган чин ворис уламолар орифлар ҳисобланади. Бу масалада Навоийнинг қатор эътирофлари фикримизни қувватлайди. Турк оламида бир неча валийларнинг муршиди комили саналган Хожа Юсуф Ҳамадоний хусусида: “Имом, олим, орифи раббоний, гўзал ҳоллари, кўп эҳсонлари, юксак каромот ва мақомотлари бор эди”², – дейди. Кўриниб турибдики, яссавия, хожагон –нақшбандия каби машҳур тариқатларни дунёга келтирган Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиждувоний каби шайхларни тарбият этган Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари илоҳий илмларни эгаллаган муршид – орифи Раббоний эди. Навоий устоди Саййид Ҳасан Ардашерни: “Солики фоний ва гавҳари коний, орифи маоний”³, –деса:

¹ Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 53

² Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 248

³ Алишер Навоий. МАТ. 15-том. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 110

*Арш урфонида бир наст мақом,
Маст жоми азали орифи Жом.
Ул сафо аҳли пок фаржоми,
Пок фар жому пок фар Жомий,
Ул фано сори дастгир манга,
Муршиду устоду пир манга,¹ –*

дея, Абдурахмон Жомийни юксак эҳтиром билан таърифлаб, ўзининг пири комили – муршиди орифи эканлигини эътироф этади.

Ёки “...Манқулдурким, қутб ус-соликин ва султон ул орифин, ҳақиқат аҳли имоми, Шайх Боязид Бистомий...”², - дея, тайфурия тариқати асосчисини султон ул-орифин дейди. Бу каби хусусиятлар билан кўпгина валийлар тилга олинади. Шайх Абу Абдуллоҳ Муҳаммад б. Иброҳим Қураший Ҳошимий (қ. с.) ҳақида: “Орифлар имоми, соликлар раҳнамоси, фахрли аҳвол ва зоҳир каромотлар соҳиби”³, дейди. Албатта, орифлик каромат кўрсатиш эмас. Зеро, “Насойим”да бу мавзуда ҳам бир неча бор баҳс юритади. Жумладан, “Шайх ул-ислом дедиким, каромот сотқучи то ани қабул қилғайлар мағрурдур ва каромот сотқун олғучи агарчи ит уни қилмас, аммо иттур, яъни ҳақиқат каромот эмас, андин ўзга нимадур ва ул зуҳҳод ва абдолға хуш келур. Суфийи ориф каромотдин яхшироқдур ва ул каромотнинг каромотидур”⁴, – дея орифлар маърифатининг кароматдан устунлигини кўрсатади. Адабиётда ориф ирфони, ёлғиз дийдорталаблиги билан зоҳид образи билан қаршилантиради. Зеро, орифнинг қалби фақат Яратганнинг ишқи билан лиммо-лим бўлади. У мосивога этак силкиш баробарида жаннат орзуси, жаҳаннам қурқувидан ҳам қалбини фориғ этади. Унда Аллоҳнинг ризолигидан ўзга ризолик қолмайди. Маълум маънода ориф ризо аҳлидир. Шу ўринда “Насойим”даги: “Фузайл Илёз қ.с.нинг бир ўғли бор эрди. Дебдурларки, андин мартабада

¹ Алишер Навоий. МАТ. 15-том. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 68

² Алишер Навоий. МАТ. 14-том. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 121

³ Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 384

⁴ Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 145-146

улуғроқ эрди, оти Али. Бир кун Масжиди Ҳарамда Замзам яқинида бир хонанда ўқудиким, “гуноҳкорларни кўрасан (Зумар: 60). Ул эшитти ва заъқаи урди ва жон берди. Шайх ул-ислом дебдурким, дўстдин нишон ва орифдин жон”¹, – маълумотини эслаш ўринлидир. Бу ривоят орифларнинг маънавий олами, уларнинг фазилатлари тўғрисидаги фикрларимизга ойдинлик киритади. Маърифат Аллоҳнинг лутфи марҳаматидир. Бироқ бу ҳиммат риёзат чеккан бандаларигагина насиб этади. Шунинг учун бу йўлда эркак ва аёл тенгдир. Тазкираларда ҳам “Эркаклар мартабасига етган ориф аёллар зикри” алоҳида берилади. Масалан, Фотимаи Бардаъия (р. т.) ҳақида: “Ардабилда бўлур эрди. “Айтадиларки, шатҳиёт сўзловчи орифлардан эди”², – дейилади. Маърифат моҳияти, ориф шахсияти ҳақида кўп фикр-қарашлар айтилган. Бироқ англашимиз лозимки, ирфонга эришиб, ориф мартабасига кўтарилишнинг ўзига хос талаблари бор. Машойихларнинг баъзи мулоҳазаларига эътибор қаратайлик: “Ва сойир машойихи кибордин ҳам кўпи ҳалол луқма касбиға муздурлуқ қилибдурлар, ўтин тошибдурлар ва ҳалол луқма бу ишда куллийдурки, ондин файзу маърифат зоянда бўлур. Ва бир шубҳалик луқма онча тийралик келтурурки, кўп вақт онинг ислоҳиға машғул бўлуб, маълум эмаски, дафъи не навъ сурат боғлар”³. Демак, ҳалол луқма ейиш, ичиш, кийинишда ҳаромни аралаштирмаслик, топганига қаноат қилиб, тўғри яшаш ва ҳар қандай бой бериб қўйилган имкониятлар ёхуд турли етишмовчиликларни деб кўнгулни асло хуфтон қилмаслик орифликнинг бош шартларидандир. Навоий ҳам ғазалларидан бирида орифларга хос айни фазилатлар хусусида баҳс этар экан, жумладан, шундай дейди:

¹ Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 32

² Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 486

³ Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 11

*Бу дамни ориф эсанг яхши тутки, жоҳил иши,
Етишмагангаву ўтганга қийлу қол ўлғай¹.*

Адабиёт кўнгил иши. Инсоннинг ҳис-туйғу, эҳтирос ва кечинмалари, аввало, адабиётда ўз аксини топади. Хўш, кўнгил ўзи нима? Нима учун маърифатнинг манбаи кўнгил бўлган. “Маҳбуб ул-қулуб”да ўқиймиз: “Кўнгул маърифат боғидин ва ваҳдат раёҳинининг эсанг насимидур ва руҳоният гулистонидин ошнолиқ гулларининг шамидур. Хусн малоҳатин идрок қилғувчи ҳам кўнгул ва ишқ ўти ёлиниға ёқилғувчи ҳам кўнгул”². Бундай имконият ақлда йўқ. Маърифат кўнгилни нурлантирганидек, кўнгил ҳам маърифатга жонлилик бағишлаган. Ҳаким Санойи айтмоқчи: “Маърифат дунёсининг сайёҳи бу – дил”.

Хулоса қилиш мумкинки, Навоий таъриф, тавсиф ва бадий ифодаларида орифлар тўғри йўлни топган, Ҳақни таниган завқ, ҳол ва ирфон соҳибларидир. Улар қалб кўзи очик, касратдан ваҳдатга юксалган шахслар. Аммо аҳли ирфон бундай иқболга бирданига ва осонлик билан эришмаган. Чунончи, шоир айтади:

*Маърифат нахлидин ул ориф ҳамоно топти бар,
Ким тафаккур бирла фаҳми моарафнок айлади³.*

Азизиддин Насафийнинг ёзишича: “Маърифат аҳли бир замонлар Аллоҳга етишдик ва Аллоҳни танидик, деган қарорга келишган. Аммо етмиш йил кейин ҳеч нарсани билмасликлари ва билганлари ҳам ҳаёл ҳамда гумондан иборат эканлигини англашган ва ўзларини жоҳил, ожиз, бечора ўлароқ кўришган. Ҳеч нима билмасликларига тўла иқрор бўлишгандан сўнг мақсадга етишиб, орифликда кўзлаганларини қўлга киритганлар. Шунинг учун ориф зотлар даъво, манманлик, мағрурланиш, ўзига бино қўйиш ва тубанликнинг кўчасидан ҳам ўтишмаган”⁴. Биз ориф образи ва орифлик тарихини тадқиқи этар эканмиз, масаланинг

¹ Алишер Навоий. МАТ. 3-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 492

² Алишер Навоий. МАТ. 14-том. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 94

³ Алишер Навоий. МАТ. 2-том. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 597

⁴ Насафий А. Инсони комил. – Истанбул: 1990. – Б. 188

ахлоқий-маънавий томонларига жиддий аҳамият бериш лозим, деб биламиз.

“Лисон ут-тайр” достонида маърифат ва орифлик талқини

Шарқ мумтоз адабиётида ўлмас асарлар яратган улуғ сўз санъаткори Алишер Навоий айни замонда улкан мутассавиф эди. Унинг борлиқ ва олам ҳақидаги тушунчалари, қарашлари бой тасаввуфий мазмун билан узвий боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам шоир ижодиётида ирфоний ғоялар устуворлиги ҳамда тасаввуфий истилоҳларнинг изчил қўлланиши асарларига илоҳий файз ва куч бағишлагандир. Айниқса, “Лисон ут-тайр”да бу фикр ўзининг ёрқин исботини топган. Унда шоир дин ва ахлоқ, ишқ ва комиллик, фано ва бақо масалаларидан баҳс юритган. Мутассавифларга кўра, борлиқдаги барча нарсалар; қуёш, ой, ер, осмон, сув, тупроқ, олов, тоғ, тош, ўсимлик ва ҳайвонот олами, даррандаю парандалар барча-барчасининг ҳар бирида Худонинг феъл ва сифатларидан бири мавжуд. Мутлақ ҳақиқат – Аллоҳ шу табиат бағрида, абадий гўзаллик сифатида ўзини намоён этаверади. Бу каби илғор қарашлар ўз-ўзидан маъно аҳлини диний ҳақиқатларга кенг қарашга илҳомлантиради¹.

Ана шунда диний маҳдудлик ва айирмаликлар ҳам барҳам топади. Навоийнинг таъкидлашича, асл моҳият томон юрган кишининг эътиқодида собитлик жуда муҳимдир:

دیر کوی ببرله بنت الله نی بولسالار معمور با آتشزده موندان اش سالک کا بس دشوردور ²	آندا تننک کور کمره و آگاه نی ببردورور کر کعبه ببرله بتکده کفر الله دین غه جو تننک مقدار دور
--	---

*Онда тенг кўр гумраҳу огоҳни,
Дайр куйи бирла Байтуллоҳни.
Бирдурур гар Каъба бирла буткада,*

¹С. Ж. Сажжодий. Истилоҳоте урафо. – Техрон: ҳижр. 1339. – Б. 200; 205

²А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 161-162

*Бўлсалар маъмур ё оташзада.
Куфр ила динга чу тенг миқдордур,
Мунда иш соликка бас душвордур.*

Сўфийларнинг дунёқарашларида юз берган бундай маънавий илгарилаш ҳолатлари ўзга динларга мансуб бўлган тушунчаларни англатувчи куфр, тарсо, зуннор, бут каби сўзларнинг тасаввуфий истилоҳлар қаторидан ўрин олишига бош сабаб бўлган, деса хато бўлмас. Шунинг унутмаслик керакки, сўфийларнинг нуқтаи назари ва фикр-мулоҳазаларида ҳам фарқ, номувофиқлик, ҳатто ихтилофлар ҳам бўлган. Ошиқ ошиқнинг ҳолини теран идрок айлаши қийин бўлганидек, ориф ҳам орифни осон англайвермаган. Масалан, бир ориф “Ҳеч бир нарсани кўрмайманки, унинг ортида Аллоҳни кўрмасам”, деса, бошқа бири “Ҳеч бир нарсани кўрмайманки, унда Аллоҳни кўрмаган бўлсам”, деган. Яна бошқаси, “Ҳеч бир нарсани кўрмаганманки, ундан олдин Аллоҳни кўрмаган бўлсам”, деса, навбатдагиси “Фақат Аллоҳни кўраман”, деган. Шунингдек, “Ёлғиз Аллоҳ кўринади, У эса кўринмайдиган Аллоҳ эрур”, дегувчилар ҳам бўлган. Бу сўзлар “Лисон ут-тайр”даги “Фил ҳикояти”да ифодаланган кўрларнинг гапларини эслатмайдими? Албатта, эслатади. Чунки кўнгил ҳоли ва мушоҳадаси маърифат соҳибларининг ҳаммасида ҳам бир хил бўлмайди. Шу маънода дostonдаги Шайх Санъон қиссаси чуқур тадқиқ ва талқинга лойиқдир. Шайх севган малак - тарсо қиз. У нима қилиб бўлса ҳамки кекса ошиғини дину имон йўлидан оздирмоқчи:

کم شراطن ببری بولدی عیان
بارجه ماهر شنوه کفر اوصافی غه
انکا اول ملت نی تعلیم اتی لار¹

شوخی ترسا سوز بو نوع اتی بیان
دیدی مهوش کفر الی اشرافغه
کفرنی ایمانغه تقدیم انتلار

*Шўхи Тарсо сўз бу нави этти баён,
Ким шароитдин бири бўлди аён.
Деди маҳваш куфр эли ашрофиға,*

¹Ўша манба. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 82

*Барча моҳир шева куфр афсофиға.
Куфрни иймонға тақдим эттилар,
Анга ул миллатни таълим эттилар.*

Қалбида тавҳид туйғулари туғён урган Санъон учун барча динларнинг туб моҳияти шиддат-ла ёришаётганди. Шу сабаб ҳам у ўзга дин пешволарининг моҳирона бажараётган мусулмончиликка зид уринишларига қаршилиқ кўрсатишга ҳам ҳафсала қилмасди:

هر نى متلوب اولسه مندىن استاكل
شخقه باشدين اناق كيندوردلار
كافر ابلاب سالك اطوارنى
مست قلدى سجده بت آلدە هم
هم قىلب مستانه اوزنى بت برست ¹

ددى شىخ اى شوخ نى قالدى دىكل
كقر انلى خلعتلارين يتكوردلار
ببلى كا محكم تانكيب زنارنى
جىكتى لار بتخانه غه خوار ودرم
هم بولوب جام دمامد ببرله مست

*Деди Шайх: “Эй шўх не қолди дегил,
Ҳар не матлуб ўлса мендин истагил”.
Куфр эли хилъатларин еткурдилар,
Шайхқа боштин оёқ кийдурдилар.
Белига маҳкам тангиб зуннорини,
Кофир айлаб солики атворини.
Чектилар бутхонаға хору дажам,
Маст қилди сажда бут оллида ҳам.
Ҳам бўлуб жоми дамо-дам бирла маст,
Ҳам қилиб мастона ўзни бутпараст.*

Эътибор беринг: юзлаб муридлари ортидан эргашиб юрган ва қанчадан-қанча ўлкаларда донг таратган бир муршид ҳеч иккиланмай "куфр эли"нинг кийимини кийиб, белига зуннор боғлайди. Бу ҳам камлик қилгандек, бутхонага олиб борилганда у маст бўлиб бутга топинади! Бунинг нимаси ибрат? Бу саволга жавоб беришдан олдин айнан куфр, тарсо, зуннор, бут, бутхона, бутпараст каби калималарнинг истилоҳий маъно-моҳияти шарҳланган “Гулшани роз” даги мана бу мисралар билан танишиш мақсадга мувофиқдир:

¹Ўша манба. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 82

بدانستی که دین در بت برستی است
به زیر کفر امانی است پنهان
شود توحید عن بت برستی
کرا کفر حقیقی شد بدیدار
بود ز نار بستن عقدی خدمت¹

مسلمان کر بدانستی که بت چیست
درون هر بتی جانی است پنهان
جو کفر و دین بود قائم به هستی
ز عسلاام مجازی کشته بزار
بت این جا مظهر عشق است و وحدت

*Мусулмон гар бидонистики, бут чист,
Бидонистики, дин дар бутпарастист?
Дарон ҳар буте жоне аст пинҳон,
Базери куфр иймоне аст пинҳон.
Чу куфру дин бут қоим баҳасти,
Шавад тавҳиди айн бутпарастии.
Зи ислом мажозий ғашта безор,
Киро куфр ҳақиқий шуд бадийдор.
Бут инжо мазҳари ишқ асту ваҳдат,
Буввад зуннор бастанӣ ақди хидмат.*

Мазмуни: Эй мусулмон, кошки сен бутнинг нималигинию, будпарастлик маслагининг қандоқлигини англасанг эди! Шунӣ билгилки, ҳар бир бутда яширин жон бордир. Куфр эса қалбда сир тугилган иймон тимсоли эрур. Ва яна англагинки, агарда куфр ва дин борлиқдан буткул йўқолиб қолса, улардаги асл моҳиятлар бирлашиб бутпараст қалбида намоён бўлиши ҳам мумкин. Мудом эсда тутгинки, баъзан дин зоҳиран куфрга айланиб, куфр эса ботинида яширин турган иймоний асрорни ошкор этади. Шунӣ яхшилаб уқиб олгинки, аслида бут – илоҳий ишқнинг мазҳари, қалбнинг ваҳдатга интилиши бўлса, зуннор боғламоқ – бу йўлда солиқнинг садоқат ва якдиллик билан муршид ёки пири комилга итоат этишидир.

Ушбу китобда яна шундай фикрлар бор:

خلاص از ربه تقلد د بدم
که از روی بتان دارد مظاهر²

ز ترسانی غرض تجريد ديدم
بت و ترسايجه نوري است باهر

*Зи тарсойи ғарази тажрид дидам,
Халоси аз рибқаъи тақлид дидам.*

¹Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 90-91

²Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: – Б.96; 100

*Буту тарсобача нури аст боҳир,
Ки аз рӯйи бутон дорад мазохир.*

Мазмуни: тарсоликда тажрид хусусиятларини кўрдим: мосиводан айрилмоқни ва яна сохталиклардан, бошқаларга зоҳиран тақлид қилиш каби маънисиз амаллардан тамоман халос бўлмоқни ҳам. Тарсобача – бутлар юзидан ёғилган илоҳий нурлардан хабар топиб, бу илоҳий тажалли натижаларини (тажридни) ўз қалбида кашф эта олган зотдир.

Хуллас, мутассавифлар наздида ва истилоҳида куфр – ҳақиқий иймонни тамсил этса, кофир – фақирлик мақомига эришган орифга ишоратдир. Тасаввуф тилида тарсо – касратни тарк айлаб, дунё ташвишларидан ғолиб келаёзган солик бўлса, тарсобача – тажаллиёт ҳамда тажрид сирларидан бохабар муршид ёхуд пир тимсолидир. Сўфиёна маслакда бут – матлаб ва мақсад, бутпараст – шу матлаб ва мақсадга интилувчи киши бўлса, зуннор боғламоқ – илоҳий мақсад йўлида белни маҳкам боғлашдир*.

Энди қиссадан келтирилган мисраларнинг ботиний маънолари ҳақидаги фикрларимизни баён этсак:

Истиғно ва тавҳид водийларига хос ҳолларни яшаган Шайх Санъон фақр, сабр ва таваккул каби мақомларга юксалди ҳамда ўзида том маънода фақрликни кашф қилади. Ваҳдат майи уни янада сархуш, яна ҳам маст этади. Шунда у маъшуқа қуйган илк шартларни ўз-ўзидан бажаришга киришади:

عزم زنار و جلبا ابلاسن
کودوروب مصحف بولاسن بت برست
جاننى امان ننكى دين الای خالاص
بت سجودندنا زمين بوس ابلاسن
اوزدين ابلاى شادمان کفارنى¹

کفر دبرى اجره مأوا ابلاسن
ببر دبر آلندا ابلاى اوزنى مست
عشقى دبرى اجره ابلاى اوزنى خاص
دبر ارا اسماع ناقوس ابلاسن
بيلکا محکم باغلابان زنارنى

* Ушбу истилоҳларни изоҳлашда С. Ж. Сажжодийнинг “Истилоҳоте урафо” (Техрон. Ҳижр. 1339.) китобидан ҳам фойдаланилди.

¹А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 67

*Куфр дайри ичра маъво айлайин,
Азми зуннорру чалипо айлайин.
Пиру дайр оллида айлаб ўзни маст,
Куйдуруб Мусҳаф бўлойин бутпараст.
Ишқи дайри ичра айлаб ўзни хос,
Жонни иймон нангидан айлай холос.
Дайр аро асмоъи ноқус айлайин,
Бут сужудинда заминбўс айлайин.
Белга маҳкам боғлабон зуннорини,
Ўздин айлай шодимон куффорини.*

Шабустарийнинг юқорида келтирилган мисралари ва уларнинг изоҳларидан кейин Шайх Санъоннинг ушбу гаплари ғайритабий кўринмаганидек, уларни қоралашга ҳам эҳтиёж сезилмайди. Чунки Шайх ранж-у риёзат торта-торта фано водийсига етиб келган ва нафси мосиводан тамомила покланган эди. Фанолик завқ-шавқи уни домига тортар, у эса денгизга қўшилиб – сингиб кетган томчидай ишқ дарёсига чўмишдан шодланарди.

Мутассавифлар истилоҳида ишқ Ҳақнинг зуҳурига асос бўладиган дастлабки сифат¹. Орифлар бутунлай ишққа ўзини бағишлаб илоҳий жалол ва жамолга ошуфта бўлганни “Ошиқ” деб атаганлар². Уларнинг наздида зоҳидлар – зоҳиран ўзини дунёдан юз ўгирганини намоён этувчилар бўлса, обидлар – кўп ибодат қиладиган, доимий машғулоти ибодат ва тоат бўлган, қилган ибодатлари туфайли нажот топишига ишонадиганлардир³. Бироқ, биргина зоҳидлик ва обидлик расм-русмларини адо этиш – нафс балоларидан тамоман қутилиш ёхуд, нафси покка (нафси мулҳама, нафси комилага) эришиб, Ҳақ дийдорига лойиқ бўлиш дегани эмас. Чунки ўтмишда қилган тоат-ибодатлари ҳурмати ва чеккан риёзатлари шуҳратига бино қўйиб, мовуманлик, шуҳратпарастлик ва худпарастлик каби нафси амморанинг

¹Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: 1952. – Б. 47

²Ўша манба. – Техрон: 1952. – Б. 65

³Ўша манба. – Техрон: 1952. – Б. 127

найрангларига алданиб, имонсиз кетганларнинг сони беҳад кўп бўлган. Хуллас, орифларга кўра қалбада Ҳақ ишқи туғён урмаса, қалб чин ошиқ бўлмаса, киши бир дам ҳам “нафси бад”дан халос бўла олмайди.

Дарвоқеъ, “Лисон ут-тайр” достонидаги “Шайх Санъон” ҳикоятини синчиклаб ўқий бошлар эканмиз асар бошида Шайх Санъонни ҳам узоқ муддат тоат-ибодатда бўлган, бир неча ўн йиллар мобайнида ислом ва имон учун риёзат чекиб, юзлаб муридларни камолга етказиб, мусулмон оламида шуҳрат қозонган зоҳид, обид-тақводор пир – “Каъбанинг шайхул-машойихи” сифатида тасаввур этамиз:

شېخ صنعان واصل درگاه اندی	كونكلى غىب اسرارىدىن آگاه اندی
خلق ارشادىغە راسخ اردى اول	كعبه‌دا شېخ المشايخ اردى اول ¹

*Шайх Санъон восили даргоҳ эди,
Кўнгли ғайб асроридан огоҳ эди.
Халқ иршодиға росих эрди ул,
Каъбада шайхул-машойих эрди ул.*

Ҳўш, шундай камолотга эришган, олим-у уламо, шоҳ-у гадо, катта-ю кичик барча-барчанинг ҳурмат ва эътиборини қозонган кишида яна қандай эҳтиёж ёхуд камчилик бўлиши мумкин?,-деган савол туғилиши табиий. Худди мана шу саволга тўғри жавоб топиш – Шайх Санъон бошига тушган кулфат ва мусибатлар сабабининг туб моҳиятини аниқлашга имкон яратади. Шу билан бирга достондаги яна бошқа авлиёлар, орифлар ва буюк шахслар ҳақида битилган ҳикоятларни ҳам назардан четлаштирмаслик керак бўлади. Асарнинг 137-бобидан жой олган Шайх Абу Бакри Нишопурий ҳақида битилган ҳикоятни олайлик. Унда ўқиймиз:

ملك معنى سارى تابىب اردى بول	شېخ ابو بكر نيشابورى كه اول
سر اوجون اول خطّه معموردين	جېقتى بىر كون ملك نيشابوردىن
خادم و مخلص نهانت دين فزون	شېخ لغ آسنى غا بت دين فزون

¹А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 67-68

کنی دا آندہ هر ینکلغ کروہ
کم آنی مغلوب قنلدی اول خیال
جنقتی آندن ببر بسک بل ناکهان
وجدو رقص ابلاб ینقلب قنلدی غش¹

شیخ جون نظاره قنلدی بو شکوه
ببر خیالی کونکلی کا توشتی محال
بو محلدا ببر اشک ابلاб فغان
شخفه بو رمزدین وقت اولدی خوش

*Шайх Абу Бакри Нишопурийки, ул-
Мулки Маъни сори топиб эрди йўл.
Чиқти бир кун мулки Нишопурдин,
Сайр учун ул хиттаи маъмурдин.
Шайхлиғ ойини ғоятдин фузун,
Ходими мухлис ниҳоятдин фузун.
..Шайх чун наззора қилди бу шукуҳ,
Кейнида-оллида ҳар янглиғ гуруҳ.
Бир хаёле кўнглига тушти маҳол,
Ким они мағлуб қилди ул хаёл.
Бу маҳалда бир эшак айлаб фиғон,
Чиқти ондин бир бийик ел ногаҳон.
Шайхқа бу рамздин вақт ўлди хуш,
Важду рақс айлаб йиқилиб қилди ғаш.*

Хуллас, шоҳиди бўлиб турганимиздек, риёзатлар чекиб, маъно мулкани қўлга киритмоқ, барчанинг эътибори ва ҳурмати қозонмоқ билан ҳам иш битмайди. Бунга эришган киши доимий муруқабдан тўхтаса, у шу қозонган шуҳрати соясига суяниб-сиғиниб яшашга маҳкум. Қисқаси нафси аммора – мовуманлик ва шуҳратпарастлик каби иллатлар билан бундайлар қалбини ишғол этишга мудом ўч бўлади. Орифларга кўра бу каби нафсоний хуружларга терс жавоб қайтармай, кўникиб кетаверадиган кимсалар эса, (ким бўлишидан ва қанчалик машҳур бўлишидан қатъий назар) насли-насаби ва тоат-ибодатларини рўкач қилиб, Ҳазрати Одамни назарга илмай, Ҳақ амрига бўйин сунмаган Азозилдан, яъни шайтондан ҳеч фарқи йўқ. Шайх Абу Бакри Нишопурий ҳам тезда ўзига қайтмаганида, ёки илоҳий ишоратни илғамай рақс-у само билан муруқабга (қалбини

¹Ўша манба. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 140-141

муҳофаза этишга) киришмаганида, нафс уни эгарлаб, ўз маркабига (эшакига) айлантириб, елкасига миниб олиши тайин эди. Мазкур фикрларимизни ҳамсафарлари саволига жавоб тариқида айтган Шайхнинг ушбу сўзлари ҳам тасдиқлайди:

تابعم دورلار بو انشدن نفس شوم
طالب و سالک کا امداد اهلی دین
نی عبید و نوری و نی بو سعد
فقر آنی دا بو خلل و سیاه
بو محلدا اول اشک ببردی جواب
باعث بو وجدن اولدی اول اشک
باشدین بیلدیک جبقارغای اول خال
بو بیک دولتقه تابماس دست رس¹

جون نظر سالدم که خلق انلاب هجوم
کونکوما سالدی که ارشاد اهلی دین
نی جنید و شبلی و نی بانزید
قاسی بیر تابیب اندی ابرکن بو جاه
نفس جون کونکوما سالدی ببله تاب
جون جوابیم تابتم انداق کم کراک
جای اول اولغای که انلاب وجد و حال
نوقسه هر مغرور دون بولهوس

*Чун назар солдимки, халқ айлаб хужум,
Тобеъийимдурлар, бу ишдин нафси шум.
Кўнглима солдики иршод аҳлидин,
Толиби соликка имдод аҳлидин.
Не Жунайду Шиблийю не Боязид,
Не Убайду Нурийю не Бу Саид.
Қайси бир топиб эди эркин бу жоҳ,
Фақр ойинида бу хайлу сипоҳ!
Нафс чун кўнглума солди бўйла тоб,
Бу маҳалда ул эшак берди жавоб.
Чун жавобим топдим андоқким керак,
Боиси бул важдим ўлди ул эшак.
Жой ул бўлғайки, айлаб важду ҳол,
Бошидин елдек чиқорғай ул хаёл.
..Йўқса ҳар мағрур, дуну булҳавас,
Бу бийик давлатқа топмас дастрас”.*

Шайх Санъон тақдирида ҳам худди мана шу ҳолат-синов ўзгача кўринишларда юз бера бошлади:

رشته صبر و قرارین اوزدیلار
بومسه کوز اول توشکا اوق تکرار اندی
انلاسه معلوم اول بوم ایردی روم¹

نجه تون ببر توش انکا کور کوزدیلار
اوبغانیب حالغه استغفار اندی
کم مطافی ایردی ببر بیکانه بوم

¹ Ўша манба. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 141

*Неча тун бир туш анга кўргуздилар,
Риштаи сабру қарорин уздилар.
Уйғониб ҳолига истиғфор эди,
Юмса кўз ул тушга-ўқ такрор эди.
Ким матофи эрди бир бегона бум,
Айласа маълум, ул бум эрди Рум.*

Дарҳақиқат, Санъон бошига тушган бало, унинг бағрини ўртаб бораётган дард ва қалбини ҳамда вужудини чулғаб олган олов – шунчаки тезда даф этиб бўладиган бало, бир даво билан тузаладиган дард ёхуд, жаҳд билан ўчирса бўладиган олов эмасди. Ахир булар ўз оти билан – “ишқ балоси”, “ишқ дарди”, “ишқ ўти-олови”дир. Шу дард билан мудом ҳамнафас бўлган қалб соҳиблари эса Ҳақ васлига лойиқ ошиқ орифлардир. Дардидан йироқлик – ишқида нотавонлик ҳамда мақсадсиз ҳаракат – алдовдир. Бу алдов қанчалик жарангламасин, саратонда жило берган саробдек беманзилдир.

“Алам”, “ғам”, “ўт”, “олов”, “бало”, “дард”, “маломат” бу каби калималарни маъно аҳли баъзан “ишқ” сўзи берадиган мазмунга қиёсласалар, баъзида эса ошиқлар ҳаётидаги зиддиятли ўзгаришлар, табиатида юз берган терс аломатлар сабабчиси – аслиятга қараб интилишларнинг бошланиши, Ҳақ йўлида қўйилган илк қадамлар деб билганлар². Демак, айни пайтда Санъон руҳиятида ҳам аслият томон илк амалий ҳаракат, илдамлаш жараёнлари – илоҳий мўжиза кашф бўлаётир. Бу жараённинг талаби ҳар қандай бошқа мақсадлар истагидан қадрли, ҳукми эса қатъийдир. Шу сабабли талаб аҳли қанчалик қийин ва машаққатли бўлмасин барча мусибатларга дош бериб, бу амрни вожиб этишга жаҳд этадилар:

دیدی بولماس بو بلادین احتراز
کورمای اولماس اولجه بولمیش سرنوشت
باشمنز غه هر نی کلسه نا نصیب³

جون بو توش بولدی مکرر کنج راز
کیمسه کا ما وا حرم دور نا کنشت
چونکه بولسه بیزکا اول ما وا نصیب

¹ Ўша манба. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 68

² С.Ж.Сажжодий. Истилоҳоте урафо. – Техрон: ҳижр.1339. – Б.103

³ А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 68

*Чун бу туш бўлди мукаррар ганжи роз-
Деди: “Бўлмас бу балодин эҳтироз.
Кимсага маъво ҳарамдур ё кунист,
Кўрмай ўлмас улча бўлса сарнавишт.
Чунки бўлса бизга ул маъво насиб,
Бошимизга ҳарна келса, ё насиб”.*

“Ганжи роз” (сир, сирлар хазинаси) – Шайх Санъон нутқидаги бу калимада мутассавифлар – орифлар, дарвешлар ҳамда ошиқлар қалбида кашф этиладиган ва ўзгалардан махфий сақланиши шарт бўлган, камолот сари бошлайдиган аломатларни тушунганлар¹. Шунинг учун ҳам руҳият ва қалб билан боғлиқ бу каби илоҳий ишоратларни бошқалардан яшириш, “Сир” тутишни – ошиқ аҳли Ҳақ амрига бўйсунмоқ, ёки ишқида содиқ бўлмоқ деб билганлар:

كَمْ أَنَّى ضَاعَ قُلُوبُ غَـهـ دَاوُوشُوبِ
واقف اولماي اول غريب احوال دين²

شېخنىڭ كۈنكى كا سودالار توشوب
خاھىشلىرى انلاپ سوال اول حال دين

*Шайхнинг кўнглига савдолар тушуб,
Ким ани зойеъ қилурға ёвушуб.
..Хослар айлаб савол ул ҳолдин,
Воқиф ўлмай ул ғариб аҳволдин.*

Ошиқ Санъон ҳам қалбида, вужуди-жисм-у жонида, руҳиятида юз очаётган ҳолларни, ўзгаларни лол этаётган ҳайротомуз савдоларни Ҳақ ишқидан ишорат билиб, имкони борида бошқалардан яширишга – сир тутишга ҳаракат қилада. Шу сабабдан у муридларининг сафар давомидаги барча саволларини жавобсиз қолдиришга мажбур. Аммо, манзилга яқинлашган сари бу ишоратлар – қалбга илашган дардга, руҳ этагига ёпишган балога, жисму жонга туташган оловга ўхшаб борса, ўз аломатларини зоҳирида намоён эта

¹ С.Ж.Сажодий. Истилоҳоте урафо. – Техрон: ҳижр.1339. – Б. 205

² А.Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 69

Тасаввуф ва маърифат

бошласа, бу сирни қачонгача ҳамсафарлардан яширин тутиш мумкин?

شیخ کونکلی دا ولی بوز رستخنز
مرئی اولدی ناکهان ببر تورفه دبر
جلوه اللب اوزکا ببر عالم انکا¹

تا قدم قوبدیلار اول کشورغه تنز
هر نفس ببر بقعه نی ایلاردا سر
ضعف مستولی بولوب هر دم انکا

*То қадам қўйдилар ул кишварға тез,
Шайх қўнглида вале юз рустахез.
Нар нафас бир буқъани айларда сайр,
Маъри ўлди ногаҳон бир турфа дайр.
Заъфи муставли бўлуб ҳар дам анга,
Жилва айлаб ўзга бир олам анга.*

Шайх Санъонни шу буткадада ғайбат, важд ва сакр ҳоллари мағлуб этди. Шу сабабдан ҳам у ўзидан кечиб, моддий оламдан йироқлашган. Унинг қалби тамоман ўзини унутиб, менлигини тўла тарк этишга интилиб, буткул покланиб борган. Энди у басийрат кўзларини очиб, борлиққа тоза нурли нигоҳ билан назар ташлашга тайёр. Балки у тажалли оламига кириб, маъшуқаи азални излаётгандир.

ببر طرف توشتی کوزی بی اختیار
ببر قوباش قه اول بولوب قوس افق
اول قوباش انواری توشتی هر ترف
حسنی شمعی دوردا بروانه سی²

ناظر ابردی هر طرف آشفته وار
منظری آندین آسلغان ببر تتق
سلدین اول برقع جو بولدی برطرف
نی قوباش کم بوز قوباش دیوانه سی

*Нозир эрди ҳар тараф ошуфтавор,
Бир тараф тушти қўзи беихтиёр.
Манзаре, ондин осилғон бир тутуқ,
Бир қуёшқа ул бўлуб қавси уфуқ.
Елдин ул бурқаъ чу бўлди бартараф,
Ул қуёш анвори тушти ҳар тараф.
Не қуёшким, юз қуёш девонаси,
Ҳусни шамъи даврида парвонаси.*

¹ Ўша манба. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 69-70

² Ўша манба. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 70

Алоҳида бир ишқ достони сифатида “Лисон ут-тайр” асаридан ўрин олган “Шайх Санъон” ишқи, албатта, мазкур дoston мақсадини белгилашда асос бўлади. Навоий бу ишқ йўлини орифона мушоҳада, ошиқона завқ-шавқ билан ёзганлигига шубҳа йўқ. Аслида бу ишқ дostonи ошиқликдан орифликка, ундан фақр-у фанога кўтарилиш босқичини ёрқин ифодалайди. Бу бир улуғ риёзат, кўнгил сафари эканини кўрсатади.

“Лисон ут-тайр”да солиқнинг ҳолдан ҳолга, мақомдан мақомга кўтарилиши маълум бир тизим асосида очиқ, равшан ифодаланган.

Муаллиф барча қушларга пешво Ҳудҳуд тилидан сайри сулук “бекат”лари ҳақида шундай хабар беради:

*Водийи аввал — Талаб водийсидур,
Бошлағон ул ён шараф ҳодийсидур.
Ишқ водийсидур ондин сўнгра бил,
Ул ўт ичра бору йўқни ўртагил,
Ишқ чун қилди вужудингни адам,
Маърифат водийсиға урдунг қадам.
Сўнгра Истиғноға водийдур васеъ
Пастдур жунбида бу чархи рафеъ.
Водийи Тавҳид бил, ондин нари,
Фард бўлмоқ неча борсанг илгари.
Мундин ўтсанг водийи Ҳайратдурур,
Водийи Ҳайратда кўп шиддатдурур.
Борчадин сўнг водийи Фақру фано,
Ўтмас ондин сайр ила солиқ яно¹.*

Демак, Талаб, Ишқ водийсидан сўнг Маърифат водийси бошланади. Достонда ҳар бир водийнинг ўзига хос жиҳатлари, уни қатъ этишнинг усул-у арконлари тушунтирилади. Маънавий сафар давомида солиқда кечадиган ўзгаришлардан баҳс юритилиб, руҳий ҳаётнинг турли-туман манзараси чизилади. Дарҳақиқат, бу водийларни ақл-у ирфон ила босиб ўтмаса, сир эшиги

¹ Навоий А. МАТ. 12-жилд. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 283

Тасаввуф ва маърифат

очилмайди. Шу боис мутасаввиф Алишер Навоий маънавий йўлчиликда шайтони лаин кўядиган тузоқлар, нафсининг турли кўркўв-у васвасалари, найрангларига бирма-бир изох беради. Ҳар бир водий васфидан сўнг ўқувчи онг-у шуурида водийнинг жонли тасвири муҳрланади. Ундан кейин келадиган ҳикоятлар эса баъзи хиралашиб турган хулосаларга ёруғлик бахш этади. Жумладан, дostonда Маърифат водийси шундай васф қилинади:

*«Маърифат водийсин ондин сўнгра бил,
Дашти бопоёнлиғин наззора қил.
Кимки бу водийға бўлди муттасиф,
Топти анда ҳолларни мухталиф.
Водиедур юз туман минг онда йўл,
Ул бу бир келмай, онингдекким бу ул.
Ихтилофи жузв ила кул мундадур,
Ким тараққию таназзул мундадур¹.*

Мутафаккир Навоийнинг ушбу сатрлари Шайхи Валитарошнинг: “ Аллоҳга элтгувчи йўлларнинг адади махлуқотнинг нафаслари қадар беҳисоб”, - эътирофини ёдга солади. Мазкур калима арбоби тасаввуфнинг энг машҳур сўзларидан бўлиб, унинг хилма-хил шарҳлари мавжуд. Демак, сайри сулукда ҳар кимнинг ўз йўли мавжуд. Ҳар бир жон жононига ўзича етишади. Чунки инсонларнинг маърифат насибаси турличадир. Пашша ва фил, Мусо ва Фиръавн, Маҳдий ва Дажжол – булар ҳам аслида йўлчилардир. Фақат йўлда кимдир Лотни раҳбар этса, кимдир Иллаллоҳ дейди. Мана шунда тараққий ва таназзул англашилади. Лекин ҳар ким ўзича ҳақ. Бу ҳақлик даъвоси водий васфидан сўнг келтирилган биз юқорида тилга олган “Кўрлар ва фил” ҳикоятидан чиқариладиган ҳикмат билан янада исботланади. Филларни кўриб, улар ҳақида маълумот ҳосил қилиш мақсадида “кўр”лар Ҳиндистонга жўнатилади. Филнинг қўлларини ушлаган “Сутун”, қорнини ушлаган “Бесутун”, қулоғини ушлаган “Елпиғич”, тишини ушлаган

¹ Навоий А. МАТ. 12-жилд. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 224

“кўр” эса “Сўнгак” дейди ва ҳк. Хуллас, кўрлар ўз маърифатига кўра филни тасаввур этиб, таъриф-тавсиф этадилар. Аммо ҳикоят шундай якунланади:

*Бир-бирининг сўзига айлаб хилоф,
Гар жадал қилдилар эрдилар маоф.
Ҳар бири ўз билганидин деди сўз,
Солмоғон эрди бири пил узра кўз.
Лек жамъ ўлғонда бу барча сифат,
Пилға ҳосилдур улдам маърифат.
Комили бийноға чун эрди яқин,
Бетакаллуф деди бори сўзни чин¹.*

Муҳаққаҳ, барча кўрларнинг таърифи жамланса, фил ҳақида мукамал тасаввур ҳосил бўлади. Инсоннинг илм-у ирфони ҳам шундай.

“Насойим”да баён этилишича, Шайх Абу Исҳоқ Иброҳим Шаҳриёр Гозируний орифлар маънавий камолининг нечоғли юксак даражага етиши уларнинг кўнгул кўзлари Ҳақ жамолини қанчалик равшан кўра олишига боғлиқ бўлишидан хабардор этиб: “Бу иш бир орифга мусалламдурки, кўнгли поклиги камолга етмиш бўлғай ва кўзи Ҳақ субҳону таолодан ғайрини кўрмакдин ёпилмиш бўлғай” ²,– деб айтган экан. Бироқ, таъкидлаш жоизки, Оллоҳни кўнгул кўзи ила кўриш ва мушоҳада этиш завқи ҳамма орифда ҳам бир хил кечмаган. Навоий ҳам “Лисон ут-тайр” достонида бунини таъкидлаб:

*Бўлди ўз ирфони ҳар кимга сифат,
Кўп тафовут қилди пайдо маърифат.
Ҳар киши ўз таврида истаб камол,
Қилди водий тай қилурға иштиғол³,–*

деган эди. Мазкур достоннинг маърифат водийсига тегишли фил ва кўрлар ҳикоятига орифона нуқтаи назар билан

¹ Навоий А. МАТ. 12-жилд. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 228

² Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 154

³ Алишер Навоий. МАТ. 12-том. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 225

Тасаввуф ва маърифат

ёндашганда, Ҳиндистон – Ҳақ даргоҳини, кўзи ожизлар – ирфон сир-асроридан огоҳ бўла бошлаган толибларни тамсил этади, дейишга тўғри келади. Хўш, Филбон ким? Филбон уларнинг имоми, пири, шайхи ёхуд маърифат соҳиби – комил орифдир. Ҳикоятда филбон тилидан келтирилган сатрлар ва “Маърифат тариқи адосида муножот” бобида битилган мисралар ушбу фикрни қувватлайди:

*...Ҳар бир улча воқиф эрдилар,
Пил ҳолидин нишоне бердилар.
Бир-бирининг сўзига айлаб хилоф,
Гар жадал қилдилар эрдилар маоф.
Ҳар бири ўз билганидин деди сўз,
Солмоғон эрди бири пил узра кўз.
Лек жамъ ўлғонда бу барча сифат,
Пилға ҳосилдур ул дам маърифат¹...*

Нафсни тазкия этиш алал оқибат тавҳидга иштиёқманд этиб, уни олий мақсадга айлантиради. Лекин маърифат уммонидан баҳраманд бўлибгина Бирлик мақомига юксалиш мумкин. Демак, Ёрга етмоқ уни танимоқдир. Маҳбубни танигачгина ошиқ бўлиб, унга таслим ва тобелик бошланади. Шу боис тасаввуфда орифлик мақоми ҳамиша алоҳида аҳамият бериладиган масалалардан. Гўёки барча мартабалар учун занжир ирфондир. Навоий ҳам бу мавзуга диққат қаратиб шундай деган эди:

*Эй қилиб инсонни кони маърифат,
Кўнглини айлаб жаҳони маърифат.
Маърифат ҳар кимгаким қисм айлабон,
Даҳр аро ориф анго исм айлабон.
Кимни айлаб маърифатқа муттасиф,
Айлабон ул хайл ҳолин мухталиф,
Ҳар киши сайрин камолича қилиб,
Қурбин онинг ҳасби ҳолича қилиб².*

¹ Алишер Навоий. МАТ. 12-том. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 227-228; 285.

² Навоий А. МАТ. 12-жилд. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 285

Мазкур парчадан орифларнинг мақсад муддаоси ҳақида аниқ хулосаларга, уларнинг ҳоли тўғрисида жонли тасаввурларга гувоҳ бўламиз. Адабиётшунослар учун Кўнгил ҳамиша асосий, энг кўп мурожаат қилинадиган мавжудлик саналади. Бироқ таъкидлаш жоизки, Кўнгил моҳияти, унинг асл қиймати маърифатуллоҳ билан ўлчанади. Кимдаки Аллоҳ маърифатидан насиба йўқ экан, унда кўнгил йўқдир. Агар кимки Парвардигорнинг ирфон уммонидан бир томчи билан неъматланса, унда дунёпарастликдан орланиш, вужуд ҳою ҳавасларидан юксалиш бўлади. Ҳуррият завқини фақат мана шундай инсонларгина туя олади. Шоҳ бир орифга марҳамат қилмоқчи бўлганда, у шундай жавоб қайтаради:

*Илтимос эттики: — «Ўлтур бир нафас,
То қилай ҳозир неким қилсанг ҳавас».
Деди солик: — «Тенгрини то тонидим,
Мутлақ онинг ғайридин маъюс эдим¹.
Не керак бўлғай бу фоний дайр аро,
Ким гари қилғай тиларга ғайр аро.
Гар кераклик бўлса доғи Ҳақ берур,
Бас сенга бу ишдаким муҳтож эрур².*

Демак, орифларда Яратганга муҳтожликдан бошқа бирор эҳтиёж қолмайди. Навоий ҳам мана шундай юксак мартабага эришишни истаб, Аллоҳ таолога қайта-қайта муножот қилган эди:

*Маърифатда ёраб ул йўлким анго,
Соликеким кирса етқургай санго.
Фонийи оворани ул йўлға сол,
Қатъ қилғоч йўл, насиб эткил висол.*

Ёхуд:

*Ё раб, ул соликка бўлғондек сифат,
Айла Фонийға насиб ул маърифат.*

¹ Навоий А. МАТ. 12-жилд. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 286

² Навоий А. МАТ. 12-жилд. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 246

*Жаҳлу жавру зулмидин ғавриға ет,
Ҳам ўзига, ҳам ўзунгга ориф эт¹.*

Дарҳақиқат, Алишер Навоий ўзи орзу этган ориф зотлардан эди. У инсониятнинг ҳидоятини ўйлайдиган маънавий султонлардан саналади. Асарларида бу маслак, бу мақсад теран ифодаланган.

Хуллас, Алишер Навоий бани башар, бутун инсониятни залолатдан огоҳ этувчи даҳо ижодкор. У жамики асарларида одам ҳаётида илм ва ирфоннинг аҳамияти тўғрисида тўхталади. Асарларида ибрат бўла оладиган шахслар – орифибиллоҳларни асосий қаҳрамон сифатида танлайди. Унинг асарларида дунёнинг маънавий султонлари орифлардир. Саайид ул-орифиндан султон ул-орифингача бўлган орифлик мақомларидан баҳс этади. Алишер Навоий асарларида нафақат ориф образининг маънавий қиёфаси маҳорат билан чизилади, балки орифликка даъват этиб, бу мартабага соҳиб бўлиш сир-асроридан ҳам хабар беради.

Нафс тарбияланиб, энг паст даража аммораликдан нафси софия даражасига эришади. Талвин ҳоллар барқарорлашиб, тамкин ҳолга келади. Ушбу нафс эгалари, нафси мутмаинна соҳиблари эса орифлар, валий зотлардир. Бу улуғ мартабага эришишда толибнинг қатъияти, сидқ-у садоқати қанчалар муҳим бўлса, Аллоҳнинг лутфи марҳамати шунчалар аҳамиятли эканини тасаввуф назарий асосласа, адабиёт жонли тасвирларда баён этади. Мутасаввиф Алишер Навоий ҳам бу масалага турли асарларида ойдинлик киритиб, орифнинг фазилатларини айтиб ўтади.

Туркий адабиётда маърифат моҳияти ва орифлик талқини рамзий-мажозий тарзда ифодаланган ўзбек адабиётида тенгсиз асар “Лисон ут-тайр” достонидир. Дарҳақиқат, бу достонда оламнинг яратилиш сирри, барча махлуқотлар ичида инсоннинг халифаликка танланиши каби камолот йўлидаги асосий тушунчалар ладуний рамз ва ишоратлар билан гўзал тарзда ифодаланади. Нафс моҳияти,

¹ Навоий А. МАТ. 12-жилд. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 286

унинг етти даражаси, эврилиш жараёнлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилади.

Шарқ адабиётида Шайх Санъон ишқи машҳур дoston даражасига кўтарилган ошиқликдир. Шайхнинг Аллоҳ таолони таниб, комилликка эришувидаги ҳаёт тарзи ўта таъсирли воқеалардан. Шу боис ундаги таслимият, ризо, сабр, бир сўз билан айтганда, орифлик мартабасига эришишдаги аҳди паймони сайри сулук ҳақида ёрқин таассурот уйғотади. Унда ишқ ва ирфон гўё Ҳақ томон учаётган қушларнинг икки қаноти каби тасвирланади. Мақсадга етишдаги асосий ҳол ва мақомлардан баҳс этилади.

“Лисон ут-тайр”даги ҳикоятлар ориф зотларнинг ҳаётларидан чиқариладиган ибратли ҳикматлардир. Ушбу ҳикоятларнинг ҳар бири тасаввуфдаги бир сирга ишорат қилиб, уни очиб беришга хизмат қилади. Маърифат водийси таърифидан кейин келтирилган “Кўрлар ва фил” ҳақидаги ҳикоят ҳам Аллоҳ таолонинг ирфони ва унга мушарраф бўлиш имкониятини кўрсатиб берган.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ориф ва маъруф, ошиқ ва маъшук, обит ва зоҳид каби образларнинг тасаввуф адабиётида ёндош истилоҳ, рамз ва тимсоллари бениҳоя кўпдир. Тадқиқот ҳажми, мавзу моҳиятидан келиб чиқиб, уларни талқин ва тавсифлашга уриндик. Натижада, қуйидагича хулосаларга келинди:

1. Тасаввуф тарихидан маълумки, ахлоқий-таълимий мактаб сифатида унинг пайдо бўлиши ижтимоий-маърифий ҳодиса эди. Тасаввуфнинг жамиятдаги турли масалаларга муносабати алоҳида бир мавзу. Бироқ имон, ислом тушунчаларини эҳсон мартабасига кўтарган тариқатнинг бадий ифодаси илоҳий завқ-у шавқ, ҳузур-у ҳузун билан боғлиқ. Бу ҳассосиятнинг замирида қалбга ворид бўлувчи ладуний илҳом – маърифат асос бўлган. Аллоҳ азза ва жаллани таниш – тасаввуфда маърифат номини олган. Шу боис баъзи мутасаввифларга кўра, тасаввуф ва ирфон айна мазмун моҳиятни ифодалаган. Тасаввуф ва ирфоний адабиётнинг маслаги муштарак, яъни ошиқлик ва орифлик бўлган. Мана шу нуқтаи назардан ишда ирфоннинг илоҳий инъом эканлиги бадий матнлар орқали далилланди.

2. Аввало, тасаввуфий истилоҳ даражасига кўтарилган ориф калимасининг тарихий-этимологик генезисига эътибор қаратилди. Арабча ориф сўзининг қабила бошлиқлари, амир, қўмондон каби нуфузли мартабаларни англатувчи маънолари изоҳланди. Шунингдек, ориф сўзининг истилоҳий мазмун-моҳияти хусусида ҳам мулоҳазалар билдирилди. Тасаввуф нафс мужодаласи экан, нафс найранглари аниглашда орифга тенг кўнгил аҳли йўқдир. Шу маънода ориф образига хос юксак фазилят-у хусусиятлардан баҳс юритилди.

3. Нафсни тарбиялашга жид-ду жаҳд қилаётган солиқ ҳақиқатга етгунча турли марҳалаларни босиб ўтади. Ҳақ йўлчисининг бу йўлда илдам одимлашишига сабабчи ишқ ва ирфондир. Шундай экан ошиқ ва ориф ҳам ёнма-ён келувчи,

бир-бирини тўлдирувчи образлар саналади. Шариат ирфони ила Аллоҳни таний бошлаши билан солиқнинг Яратганга ишқи янада ортади. Ёхуд улуҳиятга бўлган муҳаббати Аллоҳни танишга иштиёқ пайдо қилади. Энг муҳим жиҳати эса ишқ-у ирфон Аллоҳнинг лутфи марҳаматидир. Демак, маърифатсиз сайри сулук йўқ. Холиқини таниган маърифат соҳиблари эса ориф зотлардир. Ориф тасаввуфдаги асосий, етакчи образлардан бири эканлиги асослаб берилди. Тасаввуф қаҳрамонлари орасидаги маънавий қиёфаси ҳамда мавқеи ёритилди. Орифнинг юрт ва миллат тақдири учун масъуллиги атрофлича изоҳланди.

4. Сўфиёна адабиётнинг асосий қаҳрамонлари, албатта, Ҳақ йўлчисининг мақом-у мартабасини белгилайди: толиб, мурид, ошиқ, ориф, ринд, эран, фақр ва ҳқ. Талаб водийсидаги толиб ишқ водийсида ошиқ, маърифат водийсида ориф, фано водийсида фоний мақомига юксалади. Етти водийда сайр этаётган Ҳақ йўлчисининг маърифат босқичида ориф саналиши ҳикматлар, шеърий парчалар орқали исботланди. Орифлар тамкин мақомига эришган бетакрор мушоҳада соҳиблари ўлароқ шуҳрат қозонишган. Бироқ ҳар бир нафснинг ўз ирфони бор. Нафси амморадан нафси комилага етгунча, албатта, Аллоҳнинг маърифатига суянилади. Аммо ҳақиқий маърифат эгаси комил нафс соҳибларидир. Шунинг учун ориф истилоҳи кўплаб юксак мартабаларни англатувчи образлар билан бирикма ҳолида келиб, мазкур қаҳрамонлар ҳақида янада ёрқин тасаввур пайдо қилади: *ориф ошиқ, ориф эран, ориф қул, ринди ориф, дарвеши ориф* каби. Бундай иборалардаги шакл ва мазмун уйғунлигига эътибор қаратилди.

5. Маърифат моҳияти ва ориф мартабасидан баҳс этганда, албатта, ҳақиқий илму ирфон соҳиби Аллоҳ таоло эканлиги ҳамиша хотирда турди. Бани башар орасида эса саййид ул-орифин Муҳаммад (с.а.в.)дир. Пайғамбар (с.а.в.)га чин ворис бўлган уламолар ҳам ориф саналади. Маноқиб, тазкиралардаги эътирофлар, бадий адабиёт

Тасаввуф ва маърифат

намуналаридаги рамз-у ишоратлар орқали орифлик даражаси ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Саййид ул-орифин, султон ул-орифин, орифи раббоний, орифлар имоми каби бирикмаларга илмий-назарий изоҳлар берилди.

6. Маълумки, комил инсон Сарвари коинот Муҳаммад (с.а.в.) ҳисобланади. Бу олий мақомга интилаётганлар эса орифликнинг байроқдорлари эди. Мумтоз адабиётда орифлик маслагининг теран ифодаланиши, ориф образининг ўта жонли тарзда яратилишининг асосий сабаби ижодкорларнинг ориф зотлар эканлигидир. Шу боис бу масаларни ёритишда асосан тариқат шоирларининг ижодига мурожаат қилиш ҳам бежиз эмас. Зотан орифона мушоҳада, муроқабат, албатта, тасаввуфий ҳаёт самарасидир. Бундай юксак мақом мартабага эришиш учун тариқат мактабида таҳсил олиш шарт. Мумтоз ижодкорларимизнинг аксарияти ботиний ҳаёт сир-асрорларидан хабардор риёзат аҳлларидан бўлган.

7. Ишда илм ва ирфоннинг фарқли жиҳатларига эътибор қаратилди. Ориф маърифатининг олим илмидан фарқи илмий-назарий манбалар асосида далилланиб, бадий парчалар воситасида атрофлича шарҳланди. Маърифат илҳом ва кашф маҳсули. Орифлар эса завқ, ҳол ва мушоҳада соҳибларидир. Кўнгилдан мақсад Роббини таниш экан, орифона маърифат ва маслак Ҳақ даргоҳига яқинлашиш, Яратган билан унсият ҳосил қилишдан иборат. Орифнинг Холиқига ишқи ва унсияти халққа бўлган муҳаббати ва адаолатида намоён бўлади. Орифлик тасаввуфнинг бош маслагидир. Шу боис тасаввуфга доир манбаларда орифлик матлабининг ҳақиқатлари алоҳида батафсил шарҳланган. Ориф образига хос фазилат-у хусусиятлар ҳам бирма-бир саналган. Орифнинг зоҳир ва ботин ҳаёти ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек, орифлик ҳоли ва мақомига эришиш учун нафси тарбиялашнинг йўл-йўриқлари ҳам кўрсатиб берилган. Орифлик ҳар нафасини мусоҳабат этиш, Аллоҳ байти кўнгилни ағёрлардан поклаш,

Аллоҳнинг исми, сифати, феълони мушоҳада этишдир. Орифлар нафақат ўз нафсини тарбия этган, билъакс бутун инсониятга маърифат улашувчи, ҳидоят сари бошловчи маънавий мураббийлардир.

8. Туркий сўфиёна шеърият асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий эканлиги илмда эътироф этилган. Унинг ҳикматлари нафсни ислоҳ қилишда бетакрор дастур ул-амал бўлган. Улардаги нафс эврилишлари билан боғлиқ жонли ифодалар султон ул-орифиннинг ҳол ва мақомлари билан боғлиқ. Шу боис ҳикматлардаги асосий образлардан бири, шубҳасиз, орифдир. Ғоя ифодаси ва образлар оламидаги тасвир анъанаси Яссавий издошлари томонидан ҳам муносиб тарзда давом эттирилди. Дарҳақиқат, тариқатнинг мақсади раббоний маърифатни қўлга киритмоқ экан, тасаввуфий адабиётдаги муҳим масалалардан бири орифлик маслагидир. Бу ҳақиқатлар “Фақрнома”даги ирфоний хулосалар ҳамда ҳикматларидаги бадий ифодалар уйғунлигида очиб беришга ҳаракат қилинди.

9. Навоийнинг, деярли, барча асарларида орифлик масаласи ва ориф образига дуч келинади. Зеро, адабиёт маълум маънода маърифат тарғиботчисидир. Алишер Навоийнинг лирик қаҳрамонлари сафида орифнинг тасвири ва талқини, уларнинг ўзига хос фазилат-у хусусиятларини очиб беришда насрий асарлари, айниқса, “Насойим” тазкирасига таянилди. Орифлик мартабасини изохлашда нафс мақомларига оид ирфоний-назарий манбалар асос қилинди.

10. Тадқиқотда “Лисон ут-тайр” достонида маърифат ва орифлик талқини масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Зотан, ушбу асарда сайри сулук жараёни тизимли тарзда бадий ифодаланади. Нафақат Алишер Навоий, билъакс ўзбек мумтоз адабиётида ориф образининг мукамал тасвирларига гувоҳ бўламиз. Бироқ назарий хулосаларга таяниб ёзилган “Лисон ут-тайр” каби маърифат йўлчилиги ҳамда орифлик маслаги тўғрисидаги асар ягонадир. Навоий

Тасаввуф ва маърифат

ирфон сирларини рамзий-мажозий зайлда моҳирлик билан тасвирлаб беради. Достонда талабдан фақр-у фаноликкача бўлган сайри сулук асрори ишорат тилида очиб берилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Сиёсий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир / Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил 4 август.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги” қарори // Халқ сўзи. – 2017. – 14 сентябрь. <http://www.lex.uz/ru/docs/3338600?twolang=true>

II. Илмий адабиётлар

1. Абдурахмон Гўзал. Яссавий “Фақрнома”си. Усмонли туркчадан таҳрир ва айрим қисқартиришлар билан ўзбекчалаштирувчи: Нодирхон Ҳасан. – Тошкент: наврўз, 2014.

2. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. –Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.

3. Абдуқодиров А. Навоий ва Тасаввуф. – Хўжанд, 1994.

4. Абдуқодиров А. Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳли луғати. – Хўжанд: Раҳим Жалил номидаги Давлат нашриёти, 1997.

5. Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижоди (вахдат ул-вужуд проблемаси бўйича). Фил.фан.докт. ... дисс. – Т.: 1998.

6. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1980.

7. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001.

8. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф

таълимотининг илдизлари // Мулоқот, 1995, №1-2. – Б. 32

9. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. –Т.: Ёзувчи, 1993.

10. Абу Али Ибн Сино “Ат-танбеҳ ва-л-ишорат” китобидан тўққизинчи нигоҳ орифлик (илоҳий маърифат эгаларининг) мартабалари ҳақида. Маҳкам Маҳмуд таржимаси. \ \ Бухоро мавжлари, 2016, №4. – Б. 29-30.

11. Авроди Қуръоний. Мусанниф: Муҳаммад Зоҳид Иброҳим ал-Бусравий. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005.

12. Адабиёт назарияси. II жилдлик. – Т.: Фан, 1978. – I жилд. – 416 б.; II жилд. – 448 б.

13. Адабиётшунослик энциклопедияси (Тузувчи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Мумтоз сўз, 2015.

14. Айний С. Алишер Навоий / Айний С. Асарлар. 8 томли. Т.8. –Т.: Ғафур Ғулом, 1967. 228–378-бетлар.

15. Акрам Б. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони. – Т.: Ўзбекистон, 2016.

16. Алла Николаевна Малехова. Поэма Алишера Навои “Лисан-ат-тайр” (“Язык птиц”) . Кандидата филологических наук. Автореферат. – Ташкент: 1978.

17. Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980.

18. Асадов М. Ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома. – Т.: Turon-Iqbol, 2017.

19. Бекова Н. Навоийёна ҳассослик. – Тошкент: Фан, 2007.

20. Бистомий Абу Язид (Боязид). “Илоҳий мулоқот”дан // Ислом тасаввуфи манбалари. Тўпловчи Болтабоев Ҳ. – Т.: Ўқитувчи, 2005.

21. Бозорова Н. Алишер Навоий ғазалларида кўнгил образи. – Т.: Фан, 2009.

22. Ботирхон Акрам. Фасоҳат илмининг соҳибқирони. – Т.: Ўзбекистон, 1991.

23. Бобир Намозов. Хожа Муҳаммад Порсонинг фалсафий таълимоти. – Тошкент: 2015.

24. Бобир Намозов. Абу Бакр Калободий тасаввуфий қарашларининг фалсафий асослари. – Тошкент: Фан, 2009.
25. Воҳидов Р. XV асрнинг II ярми – XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърляти. – Тошкент: Фан, 1983.
26. Воҳидов Р., Ҳошимова М.. Адабий қардошлик сарҳад билмайди. – Тошкент: Фан, 1991.
27. Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳият. – Бухоро, 1994.
28. Воҳидов Р. Навоий қалбила сирлашган инсон. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашрияти, 1999.
29. Воҳидов Р. Неъматов Ҳ. Маҳмудов М. Сўз бағридаги маърифат. – Тошкент: Ёзувчи, 2001.
30. Ганиева С. Алишер Навоий (ҳаёти ва ижоди). – Т.: Фан, 1968.
31. Гаффоров Н. Алишер Навоий “Хамса”сида сўфийлар тимсоли. – Фил.ф.н. ... дис. – Т.: 1999.
32. Гаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. – Т.: Маънавият, 2001.
33. Дилором Салоҳий. Тасаввуф ва бадий ижод. – Тошкент: Наврўз, 2018.
34. Д. Муродова. Ориф образи ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабияти. 2003. №2. –76-78 б.
35. Е.Э.Бертельс. Зулф ва юз. Таржимонлар: У.Отажонов, А.Ҳабибуллаев // Жаҳон адабияти. –Тошент, 2005. –143-156 б.
36. Е.Э.Бертельс. Навоий ва Аттор. Таржимон: Ибодулла Мирзаев. – Самарқанд: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.
37. Жабборов Н. Замон, мезон, шеърлят. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабият ва санъат нашрияти, 2015.
38. Жаббор Эшонқул. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. – Т.: Фан, 2011.
39. Жаббор Эшонқул. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999.

Тасаввуф ва маърифат

40. Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. Т.: Фан, 2001.
41. Жўраев Ҳ.А. Алишер Навоийнинг кексалик даври лирикаси: Фил.ф.н. ... дис. –Т.: 1993.
42. Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси: Филол. ф. д. ... дисс. – Т., 2017.
43. Жўшон М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2001.
44. Жўшон М.А. Ҳақиқий севги. Таржимон: Мирзо Кенжабек. Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
45. Ислом тасаввуфи манбалари. Тўпловчи Ҳ. Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 2005.
46. Ислом энциклопедияси. Т.: Шарқ, 2004.
47. Исомиддинов Ф. Шайх Санъон ҳақидаги қиссаларнинг қиёсий таҳлили. Фил.фан. ...ном. дисс. – Т.: 2001.
48. Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Т.: Фан, 1965. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.
49. Избуллаева Г. Жалолиддин Румий асарларида юксак маънавиятли шахс тарбияси. – Тошкент: Фан, 2015.
50. Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (адабий-тарихий таҳлил). Фил.ф.д. ... дисс. – Т.: 1993.
51. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Movarounnahr – O'zbekiston, 2009.
52. Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т.: Маънавият, 2005.
53. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Тошкент: Шарқ, 2011.
54. Э.Очилов. Донишмандлар тухфаси. – Тошкент: ОЗБЕКИСТОН, 2009.
55. Латипов Ҳ. Маҳмуд Шабустарий ва унинг “Гулшани роз” асари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. №4, – Б. 57-58.

- 56.Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб / Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1976.
- 57.Мамадалиева З. “Лисон ут-тайр” образлари: рамз ва мажоз олами. – Тошкент: Тамаддун, 2014.
- 58.Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. Тошкент. Фан, 1979.
- 59.Мухаммедходжаев А. Идеология накшбандизма. – Душанбе: Дониш, 1991.
- 60.Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Т.: Маънавият, 2005.
61. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1973.
- 62.Навоийнинг Ижод олами: Мақолалар тўплами /масъул муҳаррир И.Ҳаққул. – Т.: Фан, 2001.
- 63.Нурмонов Ф. Хизр образининг генезиси ва ўзбек фольклоридаги талқини. Дисс. – Т.: 2006.
64. Ойбек. Адабий-танқидий мақолалар. МАТ.ХIII том. – Т.: Фан, 1979.
- 65.Олим С. “Мантиқ ут-тайр” ва “Лисон ут-тайр” қиёсига доир. //ЎТА. 2011 йил 4-сон. 18-28-бетлар
- 66.Олим С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. – Т.: Фан, 1992.
- 67.Олим С. Нақшбанд ва Навоий. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
- 68.Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Т.: O'ZBEKISTON, 2011.
- 69.Очилов Э. Муборак сарчашмалар. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
70. Очилов Э. Навоий ғазалларида комил инсон тимсоли //Ўзбек тили ва адабиёти. –2001. –№1. 7–14-бетлар.
- 71.Раджабова Б. Алишер Навоий ижодида таълим, тарбия масалалари хусусида // Ўзбек тили таълими, 2018, №1. – Б. 40–43.
- 72.Раджабова Б. Навоийнинг устоз-шогирдлик муносабатлари таҳлили. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2016. – №6. 47–50-бетлар.
73. Раджабова Б. Ўзум сори боқма, сўзум сори боқ. – Т.: Турон-замин зиё, 2015.

74. Рамазонов Н. Навоий ижодида фақр талқини ва фақир образи (монография). –Т.: Фан, 2015.

75. Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат (Атойининг поэтик маҳорати). –Т.: Фан, 1995.

76. Раҳмон В. Мумтоз сўз сеҳри. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

77. Раҳмонов Н. Руҳиятдаги нур муроди. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Т.: 2002.

78. Раҳмонова З. Маҳбуб ул-қулуб”да иршод талқини // Ўзбек тили ва адабиёти, 2019, №1. – 101-106-бетлар.

79. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.

80. Рўзиева М. Ўзбек фольклорида ранг символикаси. Тошкент. Фан, 2016.

81. Рўзимбоев С. “Ошиқ Ойдин пир”. Тўпламда: Ўзбек фольклоршунослиги масалари (IV). – Т.: Фан, 2011. - 82-87-бетлар.

82. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.

83. Сирожиддинов Ш. Навоий ғазалларида Оллоҳ мадҳи // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2001 №1.– Б. 51-55.

84. S.Olimov, S.Ahmedov, R.Qo'chqorov. Adabiyot 8: darslik-majmua (I qism) – Т.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2014.

85. Соғуний Алихонтўра. Тарихи Муҳаммадий. – Т.: Шарқ, 2004.

86. Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. Нашрга тайёрловчилар И.Ҳаққул, С.Рафиддин. –Т.: Ёзувчи, 1991.

87.Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980.

88.Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Т.: Ғафур Ғулом, 2010.

89.Сайфиддин Сайфуллоҳ. Етти пир (дунё муршидлари). – Тошкент: O'zbekiston, 2019.

90.Тоҳир Рашид Хўжа. “Хизр образи ва унинг классик шеъриятдаги талқини (XV аср биринчи ярми шеърияти

асосида)”. (Қаранг: Ўзбек тили ва адабиёти, 1991, 1-сон. 3-8-бетлар).

91.Турсунова М. Мадрасалар таълимида адабиёт ўқитиш усуллари. – Т.: Мумтоз сўз, 2017.

92.Тўхлиев Б. Мумтоз шакллар шакли, мазмуни ва талқини ҳақида. 2019, №1. 12-16-бетлар.

93.Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари ва туркий фольклор мотивлар, образлар силсиласи, тасвир принциплари: Филол. фан. д-ри. ...дисс. – Т., 1991.

94.Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Таржимон: Нодирхон Ҳасан. – Тошкент: Истиқлол, 1999.

95.Фируз Музаффаров. Ғаззолий инсонга оид таълимотининг илмий-фалсафий асослари. – Тошкент: Турон замин зиё, 2014.

96.Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008.

97.Шайхзода М. Асарлар. 6 томлик. IV том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972.

98. Шамсиев П. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий. – Т.: Фан, 1966.

99. Шарипов Ш. “Лисон ут-тайр” ҳақиқатлари. –Т.: Маънавият, 1998. Эргашев К. Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Навои. –Т.: Фан, 2009.

100. Эшонқулов Ҳ. Самовот – ишқ мазҳари. – Тошкент: Фан, 2008.

101. Ўзбек адабиёти тарихи. V томлик. II том. XV асрнинг иккинчи ярми. – Т.: Фан, 1977.

102. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари (VIII). Тошкент. Фан, 2018.

103. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. №1. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2000.

104. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. №4. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002.

Тасаввуф ва маърифат

105. Қаюмов А. Асарлар. X жилдлик. 3-жилд. – Т.: Мумтоз сўз, 2009.

106. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Т.: Шарқ, 2014.

107. Қобилов У. Масиҳ тимсолининг ўзбек мумтоз адабиётидаги бадиий талқини (XII-XV асрлар) – Фил.ф.н. ... дис. – СамДУ, 2001.

108. Қобилов У. /Нубувват мотиви ва мумтоз поэтика. – Самарқанд: 2019.

109. Қудратуллаев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик олами. – Т.: Ғафур Ғулом, 1991.

110. Қудсий ҳадислар / Б.Набихон ўғли таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 1997.

111. Қўнуқ, Аҳмад Авни. “Фусус ул-ҳикам” таржима ва шарҳи. IV жилд. –Истанбул, 1992 (турк тилида).

112. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2010.

113. Ҳазрати Башир тарихи. Нашрга тайёрловчи: Аҳмаджон Чориев. – Т.: Шарафнома – Маориф, 1994.

114. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан (X-XV асрлар). –Т.: Фан, 1970.

115. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Т.: Ўқитувчи, 1997.

116. Ҳайитметов А. Исломий эътиқод ва буюк ижод маҳсули// Имом ал-Бухорий. 2001, №1. –Б.41-43.

117. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. –Т.: Ўқитувчи, 1993.

118. Ҳайитов Ш. “Маҳбуб ул-қулуб”да тасаввуфий жиолар. – Т.: Фан, 1996.

119. Ҳаққул И, Очилов Э. Ишқ ва ҳайрат олами. – Т.: O'zbekiston, 2016.

120. Ҳаққул И. “Ҳадис ва талқин маҳорати”. Алишер Навоий ва XXI аср мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. Тошкент. Mashhur-Press, 2020, 235-238-бетлар.

121. Ҳаққул И. Занжирбанд шер қошида (Навоий сабоқлари). – Т.: Юлдузча, 1989.
122. Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. –Т.: Маънавият, 1998.
123. Ҳаққул И. Навоий ижодида эр ва эран образи. – Ўзбек тили ва адабиёти, 2019. №1. 3–10-бетлар.
124. Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007.
125. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш (2-китоб). –Т.: Фан, 2011.
126. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш (3-китоб). –Т.: Тафаккур, 2016.
127. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Т.: Фан, 2007.
128. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. – Т: Адабиёт ва санъат, 1991.
129. Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. – БухДУ, 2000.
130. Ҳаққул И. Мерос ва моҳият. – Тошкент: Маънавият, 2008.
131. Ҳаққул И. Сўздаги ўзлик. – Тошкент: Баёз, 2013.
132. Ҳаққул И. Талант – жасорат жавҳари. – Тошкент: Мухаррир нашриёти, 2018.
133. Ҳаққул И. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – – Т.: 1995.
134. Ҳамидов З. Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” асари тилининг лексик-семантик ва лингвопоэтик хусусиятлари. Фил.фан ном. ...дисс. – Т.: 1982.
135. Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. Гўзалликдаги ранглар олами. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
136. Ҳасанов Н. Яссавийликка доир манбалар ва “Девони Ҳикмат”. –Т.: Akademnashr, 2012.
137. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ, 1990.
- Ҳомидий Ҳамиджон. Тасаввуф алломалари. – Т.: Шарқ, 2004.

III. Бадий адабиётлар

138. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур таржимаси. – Бишкек, 2001.

139. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001.

140. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ. 4-жилдлик. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. 1-жилд.

141. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ. 4-жилдлик. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997. 2-жилд.

142. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ. 4-жилдлик. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1995. 3-жилд.

143. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ. 4-жилдлик. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. 4-жилд.

144. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам. Таржимон: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. – Т.: Sharq, 2011.

145. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Биринчи китоб. Ҳилол. – Т.: 2018.

146. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2007.

147. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Мовароуннаҳр, 2002.

148. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 1-жуз. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005.

149. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 2-жуз. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005.

150. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. – Т.: Мовароуннаҳр, 2006.

151. Абдулҳолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Васиятнома. (таржимон ва нашрга

тайёрловчилар: С.Рафиддинов, Н.Ҳасан). – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018.

152. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. –Т.: Ёзувчи, 1993.

153. Меърожнома / Нашрга тайёрловчи, Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳаққул И., Рафиддин С. – Т.: Мовароуннаҳр, 1995.

154. Авроди Қуръоний. Мусанниф: Муҳаммад Зоҳид Иброҳим ал-Бусравий. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005.

155. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 1–20 томлар. –Т.: Фан, 1987–2004.

156. Алишер Навоий. Ситтаи зарурия. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Сайфиддин Сайфуллоҳ. – Тошкент: Фан, 2008.

157. Алишер Навоий. Лисонут-тайр. Илмий-танқидий матн. Тайёрловчи: Шарафиддин Эшонхўжаев. – Тошкент: Фан, 1965..

158. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр (Насрий баёни билан). Нашрга тайёрловчи: Ваҳоб Раҳмонов. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2005.

159. Атойи. Девон. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, луғат ва изоҳлар муаллифи: С.Сайфуллоҳ. –Т.: Фан, 2008.

160. Атторм Ф. Тазкират ул-авлиё. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Мадраимов, ўзбек тилига айлантирувчилар: М.Ҳасаний, Ҳ.Аминов. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013.

161. Бобур З.М. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989.

162. Бобур. Назм дурдоналари. – Т.: Шарқ, 1996.

163. Бойқаро. Девон. Рисола. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1968.

164. Булбул тароналари. V томлик. II том. – Т.: Фан, 1972.

165. Гадойи. Девон. Нашрга тайёрловчи: Э.Аҳмадхўжаев. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973.

166. Даврон Х. Шаҳидлар шоҳи. – Т.: Қатортол-Камолот, 1998.

Тасаввуф ва маърифат

167. Исроил Субҳоний. Орифона ҳикматлар. – Бухоро: Дурдона, 2012.

168. Кайковус. Қобуснома. – Т.: «Ўқитувчи», 2006.

169. Кошифий Ҳ.В. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Т.: Мерос, 1994.

170. Лутфий. Сенсан севарим... Нашрга тайёрловчилар: С.Эркинов, Э.Фозилов, Э.Аҳмадхўжаев. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987.

171. Лутфий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2012.

172. Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоий. Қуш тили. Нашрга тайёрловчи: Шафоат Ҳасанова. – Тошкент: Тезкор-пресс принт, 2009.

173. Ошиқнома. 2-китоб. – Урганч: Хоразм, 2005.

174. Рабғузий, Носириддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1990.

175. Румий Ж. Ичиндаги ичиндадир. Таржимон: У.Ҳамдам. – Т.: Янги аср авлоди, 2013.

176. Румий Ж. Маънавий маснавий. Куллиёт. 1-жилд. 1-китоб. (Таржима шарҳи билан.) Таржимон: А.Маҳкам. – Т.: Шарқ, 1999.

177. Румий Мавлоно Жалолиддин. Маснавийи маънавий. Учинчи китоб. Форсайдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Т.: Фан, Техрон: Аҳ-худо, 2003.

178. Саккокий. Танланган асарлар. Иккинчи наشري. Нашрга тайёрловчи: Қ.Муниров. – Т.: Ўздавнашр, 1960.

179. Соғуний Алихонтўра. Тарихи Муҳаммадий. – Т.: Шарқ, 2004.

180. Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. Нашрга тайёрловчилар И.Ҳаққул, С.Рафиддин. – Т.: Ёзувчи, 1991.

181. Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. – Тошкент: Чўлпон, 1991.

182. Убайдий. Ҳикматлар. – Тошкент: Movaraunnahr, 2020.

183. Фитрат А. Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд. – Самарқанд–Т.: Ўздавнашр, 1928.
184. Фузулий. Девон. II жилдлик. I- жилд. – Т.: Шарқ, 1968.
185. Хоразмий, Ҳофиз. Девон. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Сулаймон, Ф.Сулаймонова. Икки китобда. I китоб; II китоб. – Т.: Ўз КП МК нашриёти, 1981.
186. Хоразмий. Муҳаббатнома. –Т.: Ўзадабийнашр, 1959.
187. Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Тошкент: Тамаддун, 2013.
188. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: И.Ҳаққул, А.Бектош. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004.
189. Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул-асрор. Мактубот. Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат-изоҳлар муаллифи: О.Жўрабоев. Т.: Мовароуннаҳр, 2005.
190. Шайх Фаридуддин Аттор. Мантиқут тайр (Қуш тили). Таржимон: Жамол Камол. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
191. Шайх Фаридуддин Аттор. Асрорном а. Таржимон: Жамол Камол. – Тошкент: Фан, 2006.
192. Шайх Худойдод Вали. Улуғ авлиё. Таржимон: Сайфиддин Сайфуллоҳ. – Тошкент: O'zbekiston, 2017.
193. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Хислатли ҳикматлар шарҳи. 4-жуз. Тошкент. Nilol-nashr, 2015.
194. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Хислатли ҳикматлар шарҳи. Бешинчи жуз. Тошкент. Nilol-nashr, 2015.
195. Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул-асрор. Мактубот. Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат-изоҳлар муаллифи: О.Жўрабоев. Т.: Мовароуннаҳр, 2005.
196. Шерозий Саъдий. Гулистон. – Т.: А. Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1993.
197. Югнакий А. Ҳибат ул-ҳақойиқ. – Т.: Бадиий адабиёт, 1968.

Тасаввуф ва маърифат

198. Юнус Эмро. Нечун йиғларсен, эй булбул? Шеърлар. Жамол Камол таржимаси. – Т.: O'zbekiston, 2018.

199. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. – Т.: Фан, 1971.

200. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Ҳозирги ўзбек тилига ўгирувчи Ф.Равшанов. – Т.: Akademnashr, 2015.

201. Яссавий А. Девони ҳикмат. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004.

202. Яссавий А., Боқирғоний С. Ҳикматлар куллиёти. – Т.: O'zbekiston, 2011.

203. Яссавий А. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи И.Ҳаққулов. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.

204. Қиссаи Шоҳ Машраб. Нашрга тайёрловчи: Сайфиддин Сайфуллоҳ, Абдусаттор Жуманазаров. – Т.: Наврўз, 2014.

205. Қудсий ҳадислар / Б.Набихон ўғли таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 1997.

206. Кошғарий М. Девону луғотит турк. III томлик. I том. – Т.: Фан, 1960; II том. – Т.: Фан, 1961; III том. – Т.: Фан, 1963.

207. Ғаззолий, Абу Ҳомид. Ўлимни эслаш китоби. Тошкент. “Ko’hi – Nur”, 2004.

208. Ғаззолий. Ихёу улумиддин. – Т.: Тошкент ислом университети. 2014.

209. Ғаззолий, Абу Ҳомид. Кимиёи саодат. Нашрга тайёрловчилар: Маҳкам Маҳмуд Андижоний, Абдуллоҳ Умар Тошкандий. I-китоб. – Тошкент: Адолат, 2005.

210. Ғаззолий, Абу Ҳомид. Кимиёи саодат. Нашрга тайёрловчилар: Маҳкам Маҳмуд Андижоний, Абдуллоҳ Умар Тошкандий. II-китоб. – Тошкент: Адолат, 2005.

211. Ҳазрати Башир тарихи. Нашрга тайёрловчи: Аҳмаджон Чориев. – Т.: Шарафнома – Маориф, 1994.

212. Ҳамадоний, Хожа Юсуф. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт); Одоби тариқат; Коинот ва инсон ҳақида. – Т.: Мовароуннаҳр, 2018.

213. Ҳусайний А. Бадойиъ-ус-санойиъ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981.

IV. Хорижда чоп этилган адабиётлар

214. Абдулҳаким Табибий. Сайри тасаввуф дар Афғонистон. – Қобул: Мезон, ҳижр. 1356.

215. Абул Ҳусайн бин Усмон Жуллобий Ҳужвирий. Кашф ул-махжуб. – Ислон обод: ҳижр.1350.

216. Абдул Ҳусайн Зарин Куб. Бокорвон ҳулла. –Техрон: Улуми, ҳижр. 1382.

217. Сўфи Аллаҳёр бин Темур. Мурод ул-орифин. Муқадима ва тасҳиҳ ва таълиқ: доктр Аббосали Вафой. – Техрон: Интишорати суҳан, ҳижр. 1387.

218. Ahmet Yaşar Ocak. İslam türk inançlarında Hızır yahut Hızır-İlyas kültü. – İstanbul: Kabalıcı Yayıncılık, 2012.

219. Câmî, Abdurrahman. Nefahat'ül-üns min hazarat'il-kudüs. – İstanbul: Huzur yayınevi, 1981.

220. Cebecioğlu E. Tasavvuf terimleri ve deyimleri sözlüğü. – Ankara: Rahber yayınları, 1997.

221. Ceylan Ö. Tasavvufi şiir şerhleri. – İstanbul: Kitabevi, 2000.

222. Evliyalar ansiklopedisi. – İstanbul: İhlas gazetçilik holding A.Ş, 1993.

223. Fuad Koprulu. Edebiyat arashtirmalari 2. Ötuken. – İstanbul, 1989.

224. Geylani A. Gunyet'üt-Talibin. – İstanbul: Berekat Yayinleri, 1994.

225. Gökbulut S. Mejdüddin Bağdadı ve tasavvufi görüşleri. – Ankara: İlahiyat, 2019.

226. Gökbulut S.Necmeddîn-i Kübrâ (hayatı, eserleri, görüşleri). – İstanbul:İnsan Yayınları, 2010.

227. Hilmi O.F. Hizir aleyhissalam. – Istanbul: Faith Yayınevi, 2002.

228. Hayrani Altintas. Ibn-i Sina dusuncesinde tasavvufi kavram olarak arif va irfan. Uluslararası Ibn Turk, Harezmi, Farabi, Beruni, ve Ibn Sina Sempozyumu bildirileri. (Ankara, 9-12 eylul 1985) - Ankara: 1990.

229. Ibn Arabi. Marifet kitabı. – Istanbul: İslam klasirleri

dizisi, 2008.

230. İbn Arabi. İlahi Aşk. – İstanbul: İnsan yayınları, 1988.

231. Korkmaz E. Ansiklopedik Alevilik Bektaşilik terimleri sözlüğü. – İstanbul, 1993.

232. Kuşeyri A. Kuşeyri Risalesi. Hazırlayan: Süleyman Uludağ. – Aralık: Dergah yayınlar, 1991.

233. Mehmet Demirci. Tasavvuf va tariqatlar. Damla Yayınevi, 2004.

234. Muhammed Nuri Şemseddin Nakşibendi. Miftah'ül Kulub. Kalplerin anahtarı. – İstanbul: Huzur yayınevi, 1982.

235. Muhiddin-i Arabi. Lübb'ül-Lübb (Özün özü). Çeviren İsmail Hakki Bursevi. – İstanbul: Bahar yayınları, 2000.

236. Necmeddin-i Daye. Sufilerin seyri. – İstanbul: İlk harf Yayınları, 2013.

237. Osman T. Tasavvuf Tarihi. – İstanbul: Seha, 1995.

238. Pala I. Ansiklopedik Divan Şiiri Sözlüğü. – İstanbul: Kapı yayınları, 2006.

239. Seyidov M. Azərbaycan mifik tafakkürünün qaynaqları. – Bakı: Yazıcı, 1983.

240. Türkçe sözlük. C.I. – Ankara: 1988.

241. Türer O. Tasavvuf tarihi. – İstanbul: Seha, 1995.

242. Tasavvuf istilâhlari literatürü ve Seyyid Mustafa Râsim efendi'nin istilâhât-i insân-i kâmil'i. İstanbul: 2003.

243. Uludağ S. Tasavvuf terimleri sözlüğü. İstanbul: Marifet yayınları, 1995.

244. Sebusteri. GULSEN – I RAZ. Çeviren: Prof. Abdülbaki GÖLPINARLI. – İstanbul: Sark – İslam Klasikleri, 1989.

245. Абдуллаев А. Адабиёти форсу тоҷик дар нимаи аввали асри XI. – Душанбе: Дониш, 1979.

246. Бартольд В. Мир-Али-Шир и политическая жизнь / Мир-Али Шир. Сб. ст. – Л., 1928.

247. Бертельс Е. Э. Навои и Джами. Избранные труды. Т.4. – М.: Наука, 1965.

248. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том I. История персидско-таджикской литературы. – М.: Восточная литература, 1960.

249. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том III. Суфизм и суфийская литература. – М.: Восточная литература, 1965.

250. Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литератур. Избранные работы. – М.: Наука, 1972.

251. Жирмунский В. Теория литературы. Поэтика, Стилистика. – М.: Наука, 1972.

252. Квятковский А. Поэтический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1966.

253. Крымский А.Е. История Персии, её литературы и дервишской теософии. Том I. – М., 1915.

254. Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. – М.: Наука, 1983.

255. Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма. – Душанбе: Дониш, 1987.

256. Қўнуқ, Аҳмад Авни. “Фусус ул-ҳикам” таржима ва шарҳи. IV жилд. – Истанбул, 1992 (турк тилида).

257. Литературный энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1987.

258. Литература Востока в средние века. Часть II. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1970.

259. Малехова А.Н. Личность автора в композиции поэмы “Lisan at- tajr” («Язык птиц») Алишер Навои. // Советская Тюркология. – Баку: 1977, №4. – 25-30с.

260. Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика. – М.: Наука, 1989.

261. Муҳаммад Али Муҳҳид. Шамс Табризий. – Техрон: Тарҳи нав, 1375.

262. Османов М.–Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии IX-X вв. – М.: Наука, 1974.

263. Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990.

Тасаввуф ва маърифат

264. Поэзия и проза Древнего Востока. Сборник. – М.: Художественная литература, 1973.

265. Рейснер М.Л. Предварительные соображения о содержании термина “ринд” в литературе на фарси XI–XIV вв. / Иран. История и культура в средние века и в новое время. – М., 1980.

266. Розй, Шамси Қайси. Алмуъжам. – Душанбе: Адиб, 1991.

267. Сайид Насафий. Сарчашмаи тасаввуф дар эрон. – Техрон: Асотир, ҳижр. 1383.

268. Сайид Зиёуддин Сажжодий. Муқаддимаҳои бар мабоне ирфон ва тасаввуф. – Техрон: Муҳр, ҳижр. 1372.

269. Сайид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги Мусталаҳоте урафон. – Техрон: Чопхонаи Масдухвий, ҳижр. 1339.

270. Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. – М.: Наука, 1989.

271. Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1989.

272. Теория литературы. Том IV. Литературный процесс. – М.: Наследие, 2001.

273. Трименгэм Дж.С. Суфийские ордены в Исламе. – М.: Наука, 1989.

274. Фарҳанги забони тоҷики. Иборат аз ду жилд. Жилди II. – М.: СЭ, 1969.

275. Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Техрон: Мо, 1952.

276. Шайх Фаридуддин Аттор. Мантиқут-тайр. Баиҳтимом ва тасҳиҳ: Сайид Содик Гуҳарий. – Техрон: Ширкати интишороти илмӣ ва фарҳангӣ, 1986.

ЛАТИПОВ ҲАЁТ РАМАЗОНОВИЧ

ТАСАВВУФ ВА МАЪРИФАТ

**(XIII-XV АСРЛАР ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА МАЪРИФАТ
ТАЛҚИНИ ВА ОРИФ ОБРАЗИ)**

<i>Muharrir:</i>	<i>A. Qalandarov</i>
<i>Texnik muharrir:</i>	<i>G. Samiyeva</i>
<i>Musahhih:</i>	<i>Sh. Qahhorov</i>
<i>Sahifalovchi:</i>	<i>M. Bafoyeva</i>

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original-maketdan bosishga ruxsat etildi: 18.11.2022. Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Times New Roman» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qogʻosi. Bosma tobogʻi 8,2. Adadi 100. Buyurtma №614.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ
“Durdona” nashriyoti: Buxoro shahri Muhammad Iqbol koʻchasi, 11-uy.
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Buxoro shahri Muhammad Iqbol koʻchasi, 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45